

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 81'27:811.512.133+811.111

КАРИМОВА ЗУЛНУРА ҒУЛАМҚОДИРОВА

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА СЎЗ-ГАПЛАРНИНГ
СОЦИОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий
даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

Илмий раҳбар:

Қурбонова Муҳаббат Матякубова
филология фанлари доктори, профессор

Тошкент – 2021

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. Ўзбек ва инглиз тилларида сўз-гаплар: лингвистик моҳияти ва ўрганилиши масаласи	9
1.1. Ўзбек тилшунослигида сўз-гаплар ҳақидаги назарий қарашлар таҳлили.....	9
1.2. Инглиз тилшунослигида сўз-гаплар талқини.....	19
1.3. Сўз-гапларнинг диалогик ва монологик нутқ таркибида қўлланиш хусусиятлари.....	26
1.4. Ўзбек ва инглиз тилларидаги сўз-гапларнинг умумий ва фарқли хусусиятлари.....	34
Боб бўйича хулосалар.....	43
II БОБ. Ўзбек ва инглиз тилларида сўз-гапларнинг социал хосланиши.....	45
2.1. Сўз-гапларнинг гендер жиҳатдан хосланиши.....	45
2.2. Сўз-гапларнинг ёшга қўра хосланиши.....	71
Боб бўйича хулосалар.....	86
III БОБ. Сўз-гапларнинг прагматик хусусиятлари.....	88
3.1. Сўз-гапларнинг нутқий актларни ҳосил қилиши.....	88
3.2. Сўз-гапларда тағмаъно ва пресуппозициянинг ифодаланиши	95
3.3. Сўз-гапларда социопрагматик тўсиқнинг юзага келиши.....	100
3.4. Сўз-гапларда коммуникатив мақсаднинг бевосита ва билвосита ифодаланиши.....	105
3.5. Сўз-гапларда ижтимоий муносабат тамойилининг ифодаланиши.....	109
3.6. Сўз-гапларнинг новербал воситалар билан ифодаланиши.....	118
Боб бўйича хулосалар.....	125
ХУЛОСА.....	127
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	130

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон лингвистикасида тил ҳодисаларини тизимли ўрганиш тилшунослик соҳасида туб бурилиш ясамоқда, яъни жаҳон тилшунослигида бир қатор янги йўналишлар пайдо бўлмоқда, тилнинг структур-функционал қатламларини чуқур ўрганишга оид назарий парадигмалар вужудга келмоқда. Бундай бурилишлар тилшунослик олдига янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Бугунги кунда тилшунослик соҳасида тил ва жамият, тил ва маданият, тил ва шахс, тил ва тафаккур, тил ва гендер каби муаммолар тадқиқи билан шуғулланиб келаётган социолингвистика, прагматик-лингвистика, лингвокультурология каби йўналишларда талайгина ишлар қилинмоқда.

Дунё тилшунослигида қиёсий таҳлилга бағишланган ҳар бир тадқиқот илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Замонавий тилшунослик доирасида тилларни қиёсий ўрганиш тобора кенгайиб бормоқда ва лисоний тизимнинг барча структуравий сатҳлари қамраб олинмоқда. XX асрнинг охиридан бошлаб мамлакатларaro маданий алоқаларнинг ривож топиши бир неча тилларни, жумладан, ўзбек ва инглиз тилларини қиёслаш ва чоғиштиришдаги муаммоларни ўрганишни долзарб вазифага айлантирди. XXI асрга келиб эса турли оилаларга мансуб бўлган тилларни қиёсий ўрганиш авж ола бошлади.

Мамлакатимизда оқилона тил сиёсатини амалга ошириш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланаётган ҳозирги вақтда тилимизнинг ўзига хос жиҳатларини янада чуқур тадқиқ этиш сўнгги йилларда устувор вазифалардан бирига айланди. «Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир»¹. Шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, миқдоран у қадар кўп бўлмаган, бироқ нутқда қўлланилиши жуда фаол бўлган сўз-гаплар ҳар бир тилнинг ифода имкониятларини, маъно товланишларини ўзида акс эттирадиган ўзига хос тизимдир. Тил илмида эътироф этилганидек, муайян лисоний тизимнинг моҳияти уни бошқа тилга қиёслаганда янада чуқурроқ намоён бўлади. Бу борада сўз-гапларни социопрагматик жиҳатдан бошқа тиллар билан қиёслаб ўрганиш она тилимизнинг ўзига хос жиҳатларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли мазкур лисоний бирликларнинг прагматик-лингвистик моҳияти, турли тизимли тиллар материалларидаги структур-семантик типологияси ва социолингвистик хусусиятлари, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини тадқиқ этиш чоғиштирма тилшуносликнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли Фармони: <https://lex.uz/docs/4561730>.

давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукукий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигида сўз-гаплар муаммоси Э.Шодмонов, С.Усмонов, С.Саидов, Б.Ўринбоев, Ў.Лафасов, Р.Бобокалонов² томонидан ўрганилган. Бу олимлар тилимиздаги ундовлар, модаллар, тақлиф-ишора ва тасдиқ-инкор сўзлар хусусида монографик тадқиқот олиб боришган. Бундан ташқари, М.Қурбонова, С.Мўминов, Л.Раупова, Ш.Искандаровалар³нинг тадқиқот ишларида нутқнинг социолингвистик жиҳатлари очиқ берилиб, сўз-гапларга муносабат билдирилган. М.Ҳакимов ва Ш.Сафаров⁴ эса тилнинг прагматингвистик жиҳатларини тадқиқ этганлар.

Инглиз тилидаги сўз-гаплар ундов сўзлар номи остида Ф.К.Амека томонидан тадқиқ этилган. Р.Г.Монтесс, Ж.Г.Хердер, Э.Гоффмен, Д.Уилкенс⁵нинг ишларида ҳам ундовлар ҳақидаги қарашлари илгари сурилган.

² Шодмонов Э. Ҳозирги замон ўзбек тилида сўз-гаплар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1970.; Усмонов С. Ҳозирги замон ўзбек тилида ундовлар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1952; Усмонов С. Ҳозирги замон ўзбек тилида ундовлар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1952; Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутки синтаксиси масалалари, 1974.; Лафасов Ў. Диалогик нутқда субъектив модалликни ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1996. Бобокалонов Р.Р. Ўзбек тилида семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2000.

³ Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини: Филол. фан. ...д-ри.дисс. – Тошкент, 2001. – Б.80.; Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. ...д-ри. дисс. – Тошкент, 2000; Раупова Л.Р. Диалогик нутқнинг дискурсив талқини. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 2011; Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Самарқанд, 1993. – 27 б.

⁴ Сафаров Ш. Прагматингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б.264-265; Ҳакимов М. Ўзбек прагматингвистикаси асослари. Тошкент: Академнашр, 2013.

⁵ Ameka, F.K. Interjections: The universal yet neglected part of speech. // Journal of Pragmatics 18:101–118; North-Holland, 1992.; Montes, R.G. The development of discourse markers in Spanish: Interjections. // Journal of Pragmatics 31:1289–1319, 1999. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0378216698001064>.; Herder J.G. On the origin of language: Two essays. Translated by J.H.Moran, A. Gode. Chicago: University of Chicago Press, 1986. <https://press.uchicago.edu/ucp/books/book/chicago/O/bo3617803.html>.; Wilkins, D.P. Interjections as deictics. // Journal of Pragmatics 18: 119–158, 1992.

Ўзбек тилида сўз-гаплар масаласи тадқиқи бугунги кунга қадар формал ва формал-функционал таҳлил усулларида амалга оширилган бўлиб, муаммо дискурсив таҳлилда кун тартибига қўйилмаган. Бошқача айтганда, сўз-гапларнинг нутқда қўлланиши билан боғлиқ социопрагматик хусусиятлари етарли даражада очиб берилмаган, масалага антропоцентрик усулда ёндашилмаган. Мазкур муаммонинг қиёсий-типологик аспектда ўрганилиши ҳар икки тилга хос типологик ҳамда тиллараро фарқли жиҳатларни очиб беради, қиёсланаётган тилларнинг структур-семантик, социопрагматик хусусиятлари ҳақида муайян тасаввур уйғотади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тилининг антропоцентрик тадқиқи” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва инглиз тилларидаги сўз-гапларнинг социопрагматик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қиёсланаётган тиллардаги сўз-гапларнинг социал (гендер ва ёшга кўра) ҳосланишини очиб бериш;

ўзбек ва инглиз тилшунослигида сўз-гапларнинг талқин ва таснифини илмий асослаш;

ўзбек ва инглиз тилларида сўз-гаплар тизимини ва бу тизимдан жой олган бирликларни қиёсан ўрганиш;

ҳар икки тилдаги сўз-гапларнинг прагматик хусусиятларини, жумладан, нутқий акт билан боғлиқ жиҳатларини ёритиш;

ўзбек ва инглиз тилларидаги сўз-гапларда тағмаёно, пресуппозиция, социопрагматик тўсиқ, коммуникатив мақсад, ижтимоий муносабат тамойили ҳамда сўз-гапларнинг новербал воситалар билан ифодаланишини кўрсатиш;

ўзбек ва инглиз тилларидаги сўз-гапларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объектини ўзбек ва инглиз тилларидаги сўз-гаплар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек ва инглиз тилларидаги сўз-гапларнинг дискурсдаги социал ва прагматик хусусиятларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифий, қиёсий-типологик, дифференциал-семантик, контекстуал, дискурсив ва компонент таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва инглиз тилларининг *вой, ола, ҳа, йўқ, айланай, ўргилай, урра, раҳмат, илтимос, салом, вой худойим, астағфирулло, унишооллоҳ, албатта, вой ўлай, жувонмарг/oh, oh my, yes, no, hurrah, thanks, please, hello, oh my God, my goodness, gosh, damn, shit, hell, yay, wow, ok, congrats, well, ouch* каби сўз-гаплар тизими ва бу тизимдан жой олган бирликларнинг ижтимоий хусусиятлари, нутқий актларни ҳосил қилиши, уларда тағмаёно ва пресуппозициянинг

ифодаланиши, социопрагматик тўсиқнинг юзага келиши ва коммуникатив мақсаднинг бевосита ва билвосита ифодаланиши каби социопрагматик хусусиятлари илк мартаба қиёсий таҳлил асосида очиб берилган;

ўзбек ва инглиз тилларидаги сўз-гапларнинг социал (гендер ва ёшга кўра) хосланиш масаласида *ўргилай, ўргилиб кетай, онанг (холанг, амманг) ўргилсин, айланай, айланиб кетай, онанг айлансин, жоним тасаддуқ қуллуқ* каби миллий-маданий жиҳатдан ўзбек тилидаги баъзи эркалашни билдирувчи сўзлар, дуолар, мурожаат бирликлари, *жувонмарг бўлгур, қарчинингдан қийилгур* каби қарғиш сўз-гаплари инглиз тилида лакуналар эканлиги асосланган;

ҳар икки тилда сўз-гапларнинг локутив, иллокутив, перлокутив нутқий акт турларини ҳосил қила олиши ҳамда сўз-гапларни қиёсий ўрганиш асосида ўзбек ва инглиз тилларининг структур-семантик тузилишидаги буйруқ, илтимос, талаб қилиш каби прагматик маънолар ифодаланган нутқий акт турларида перлокуциянинг амал қилиши инглиз тилига қараганда ўзбек тили сўзлашув нутқида кучлироқ эканлиги аниқланган;

ўзбек ва инглиз тилларидаги сўз-гапларда тағмаёно, пресуппозиция, социопрагматик тўсиқ, коммуникатив мақсад, ижтимоий муносабат тамойилининг ифодаланиши билан боғлиқ умумий жиҳатлар ўзбек тилидаги *Хўш?* инглиз тилидаги *Well?* сўз-гапларининг тағмаёноларини қиёслаш орқали, фарқли жиҳатлари эса ўзбек тилидаги суҳбатдошига ҳурмат нуқтаи назаридан *“Йўқ”* инкор сўз-гапи ўрнида қўлланивчи *“Раҳмат”* сўз-гапи (инглиз тилида бу маънода тўғридан тўғри *No* ёки *No, thanks* бирликлари ишлатилади) таҳлили орқали очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сўз-гапларнинг қиёсий-чоғиштирама ва социопрагматик таҳлили ҳар икки миллат вакилларида миллатлараро компетенциянинг шаклланишида ёрдам бериши исботланган;

сўз-гаплар бўйича тўпланган материаллар асосида уларнинг социал хосланишига кўра фаоллик даражаси илмий асосланиб, тўпланган материаллар ўзбек тилшунослиги учун зарурий илмий маълумот бериши, лингвомаданиятшунослик ва социолингвистик тадқиқотлар яратишда бевосита манба бўлиб хизмат қилиши асосланган;

мавзу доирасида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида ўзбек ва инглиз тилларидаги сўз-гаплар сараланиб, уларнинг уч қисмли изоҳли луғати тайёрланган ва нашр қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, тўпланган материалларни таҳлил қилиш орқали илмий асосланган назарий умумлашмалар шакллантирилгани, қўлланилган усул ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олингани, антропоцентрик ёндашувдаги усуллардан фойдаланилганлик, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги назарий фикрлар сўз-гапларнинг социал

ва прагматик жиҳатлари ҳақидаги илмий қарашларни бойитиши, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб боришда назарий манба вазифасини ўташи, тилшунослик ва таржимашуносликда миллий-маданий ва нутқий-ахлоқий хусусиятлар муаммосини тадқиқ этишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек филологияси йўналишида «Социолингвистика», “Ҳозирги ўзбек адабий тили” фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини такомиллаштириш, тиллар типологияси бўйича махсус курсларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек ва инглиз тилларида сўз-гапларнинг социопрагматик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

талабаларнинг тил ўрганиш жараёнида сўз-гапларни оғзаки нутқда қўллаш компетенцияларини ривожлантиришга кўмаклашувчи тадқиқот натижалари асосида тайёрланган “Ўзбек ва инглиз тилларидаги сўз-гапларнинг изоҳли луғати”дан Эрасмус + дастурининг “Project 598340-EPP-1-2018-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP University Cooperation Framework for knowledge Transfer in Central Asia and China (UNICAC)” номли халқаро лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 сентябрдаги 89-03-3549-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг тил ўрганиш жараёнида сўз-гаплардан оғзаки нутқда кенг фойдаланиш имконияти яратилган;

инсон феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвирини ёритиш, эркак ва аёллар нутқига хос хусусиятларни изоҳлаш ҳамда миллий тимсоллар тасвирининг тарихий тараққиёт босқичларидаги тадрижий тақомилига доир илмий хулосалардан ИОТ-2019-42 рақамли “Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш” (2019-2020) мавзусидаги инновацион лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 5 ноябрдаги 89-03-4453-сон маълумотномаси). Натижада луғатда инсон феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тавсифи янада мукаммаллашган;

хорижий журналда (EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) - Peer Reviewed Journal) нашр этилган “Classification of Uzbek and English Interjections according to the age” (Özbekçe ve ingilizce ünlemlerinin yaşa göre sınıflandırılması) номли мақоладаги ўзбек ва инглиз тилларидаги ундов сўз-гапларнинг ёшга кўра таснифланишига оид илмий хулосалардан Niğde Ömer Halisdemir университетининг “Чоғдош турк лаҳчалари ва адабиётлари” бўлимидаги талабаларга ўзбек тили дарсларида фойдаланилган (Niğde Ömer Halisdemir университети “Чоғдош турк лаҳчалари ва адабиётлари” бўлимининг 2020 йил 22 декабрдаги маълумотномаси). Натижада талабаларнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги ундов сўз-гапларнинг ёшга кўра таснифига оид билим ва кўникмалари ошишига хизмат қилган.

ўзбек ва инглиз тилларида сўз-гапларнинг социопрагматик хусусиятлари тадқиқига оид илмий-назарий хулосалардан “Ўзбекистон” телеканалининг “Тилга

эътибор”, “Муносабат” номли кўрсатувларида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканалининг 2020 йил 9 октябрдаги 01-13-940-сон маълумотномаси). Натижада эркак ва аёллар томонидан салбий баҳо ифодаловчи сўзларнинг ўзлаштирилишида ижтимоий муҳит, хусусан, оилавий муҳитнинг ўрни ҳақидаги масалалар илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та республика, 3 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, 1 та изоҳли луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та, хорижий илмий журналларда 2 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 140 бетни ташкил қилади.

I БОБ. ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА СЎЗ-ГАПЛАР: ЛИНГВИСТИК МОҲИЯТИ ВА ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАСИ

1.1. Ўзбек тилшунослигида сўз-гаплар ҳақидаги назарий қарашлар таҳлили

Ўзбек тилшунослигида сўз-гаплар хусусида ўтган асрнинг 60-йилларига қадар жиддий изланишлар олиб борилмаган. Тилшунос олим профессор А.Ғуломов сўз-гапларни “Бўлақларга ажратилмайдиган гаплар” мавзуси доирасида ўрганган. Бу ҳақда тилшунос Р.Бобокалоновнинг номзодлик ишида ҳам таъкидлаб ўтилган.⁶ Сўз-гаплар муаммоси Э.Шодмонов⁷, С.Усмонов,⁸ А.Бобоева⁹, Р.Қўнғуров,¹⁰ С.Саидов¹¹, Б.Ўринбоев,¹² Ў.Лафасовлар¹³ томонидан ҳам турли йўналишларда тадқиқ этилган. М.Қурбонова¹⁴, ва Л.Раупованинг¹⁵ тадқиқотида эса сўз-гаплар формал-функционал ёндашувда таҳлилга тортилган.

Шуниси характерлики, ўтган асрнинг 40-йилларида ўзбек тилшунослигида тақлидий сўзлар ундовларнинг бир кўриниши сифатида эътироф этилган бўлса,¹⁶ 50-йилларга келиб улар ундовлар гуруҳидан ажратилган ва алоҳида сўз туркуми сифатида эътироф этилган¹⁷.

Ғарб тилшунослигида эса бу анъана анча аввал бошланган. Ўзбек тилшунослигидаги илк тадқиқот ишларида дастлаб ундовлар, кейинчалик сўз-гаплар атамаси остида жамланган бу birlikлар инглиз тилшунослигида

⁶ Бобокалонов Р.Р. Ўзбек тилида семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2000. – Б. 33.

⁷ Шодмонов Э. Ҳозирги замон ўзбек тилида сўз-гаплар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1970.

⁸ Усмонов С. Ҳозирги замон ўзбек тилида ундовлар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1952.

⁹ Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар. – Тошкент: Фан, 1978.

¹⁰ Қўнғуров Р.Қ. Ўзбек тили грамматик қурилиши масалалари. – Тошкент. 1980.

¹¹ Саидов С. Модальные слова в немецком и узбекском языках: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1967.

¹² Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Тошкент, 1974.

¹³ Лафасов Ў. Диалогик нутқда субъектив модалликнинг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996.

¹⁴ Қурбонова М.М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талкини: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент, 2001.

¹⁵ Раупова Л.Р. Диалогик нутқнинг дискурсив талкини. – Тошкент: Фан, 2011.

¹⁶ Кононов А.Н. Грамматика узбекского языка. – Тошкент, 1948.

¹⁷ Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. – Москва: Ленинград, 1956.

ундов сўзлар деб номланган. Бу масалага биринчи марта Э.Сэпир муносабат билдирган¹⁸. Кейинчалик эса Ф.К.Амека ундовлар устида тадқиқот олиб борган¹⁹. Шунингдек, Р.Г.Монтес²⁰, Ж.Г.Хердер²¹, Д.П.Вилкинслар²² ҳам ўз тадқиқотларида инглиз тилидаги ундовлар ҳақида турли фикрларни билдиришган.

Изланишларимиз шуни кўрсатадики, сўз-гаплар бўйича шаклланган дастлабки назарий қарашлар Ғарб, айниқса, рус тилшунослигига таянган ҳолда юзага келган. Бу ҳолат сўз-гаплар талқинида ҳам кўзга ташланади.

Юқорида А.Ғуломовнинг сўз-гапларни “Бўлақларга ажратилмайдиган гаплар” доирасида ўрганганлигини таъкидлаб ўтган эдик. Олим сўз-гаплар атамасини қўлламаган. У ҳозирда *модал сўзлар* деб юритилаётган бирликларни *кириш сўзлар* деб атаган ва унга шундай таъриф берган: “Сўзловчи ўз нутқини тасдиқлаш ё гумон билан қараш ёки нутқининг бошқа кишига тегишли эканини билдириш учун гапига *албатта, шубҳасиз, балки* каби сўзларни қўшади. Сўзловчининг ўз нутқига бўлган ишонч, гумон, севинч каби ҳодисаларни билдирадиган сўзлар *кириш сўзлар* дейилади”.²³ Тилшунос бундай *кириш сўзларни* қуйидагича таснифлаган: “*Кириш сўзлардан албатта, шубҳасиз, ҳеч шубҳасиз, сўзсиз* кабилар ишонч ва тасдиқни; *эҳтимол, балки* кабилар гумонни; *шояд, кошки* кабилар умидни; *афсуски, эссизгина, аттанг* кабилар ачинишни; *унинг сўзига кўра, унинг айтишича, менинг фикримча, айтишларича* кабилар гапнинг кимга қарашли эканини; *демак, умуман, шундай қилиб* кабилар олдинги ё кейинги гапга муносабатини билдиради. Мисол: *Бизнинг ишимиз ҳаққоний иш, шунинг учун душманни, шубҳасиз, енгамиз*”.²⁴

¹⁸ Sapir E. Language. New York: Harcourt Brace, 1921. <https://www.ugr.es/~fmanjon/Sapir>.

¹⁹ Ameka F.K. Interjections: The universal yet neglected part of speech // Journal of Pragmatics 18. P. 101–118. 1992, North-Holland.

²⁰ Montes R.G. The development of discourse markers in Spanish: Interjections // Journal of Pragmatics 31. – P. 1289–1319. 1999.

²¹ Herder J.G. On the origin of language: Two essays. Translated by J.H.Moran, A. Gode. – P. 84-166. Chicago: University of Chicago Press, Ltd., London 1966.

²² Wilkins David P. Interjections as deictics // Journal of Pragmatics 1992, 18. – P. 119-158. Netherlands.

²³ Ғуломов А. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент, 1948.

²⁴ Ғуломов А. Кўрсатилган манба.

Муаллиф ушбу қўлланмасида тасдиқ ва инкор сўз-гаплар ҳақида ҳам фикр юритиб, уларга қуйидагича тавсиф берган: “Баъзан сўзловчи ўз нутқини тасдиқлаш учун *ҳа* сўзини, инкор учун *йўқ* сўзини ишлатади. *Ҳа* сўзи одатда гап бошида келиб, тасдиқни билдиради, *йўқ* сўзи инкорни билдиради. *Ҳа*, *йўқ* сўзлари гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмайди. *Ҳа*, *йўқ* сўзлари гап ўрнида ҳам қўлланади. *Ҳа*, *йўқ* сўзлари ўзи тасдиқлайдиган ва инкор қиладиган сўзлар билан бирга ҳам келади”.²⁵ Бу ўринда олим тасдиқ ва инкор сўз-гапларни ҳам *кириш сўзлари* сифатида эътироф этган. Аммо кейинчалик баъзи сўз-гапларни *ундаш гаплар* сифатида баҳолаган²⁶.

С.Усмонов эса “Ўзбек тилида ундовлар” номли китобида сўз-гапларни *ундовлар* (чунки тилшуносликда сўз-гап термини ўтган асрнинг 50-йилларидан сўнг қўллана бошлади) термини остида ўрганди ва уларни 2 гуруҳга ажратди. Булар: 1. Эмоционал ундовлар; 2. Буйруқ-хитоб ундовлари.

Олим эмоционал ундовларни яна кичик гуруҳларга бўлган: ҳис-ҳаяжон ундовлари ёки от характеридаги эмоционал ундовлар: *оҳ*, *ух*, *ура*, *дод* ва ҳ.; равиш характеридаги эмоционал ундовлар: *ҳу*, *ҳов*, *ҳа* ва ҳ., эшитувчига қаратилган ёки феъл характеридаги эмоционал ундовлар: *ҳей*, *эй*, *баракалла*, *офарин* ва ҳ.²⁷

Китобда эшитувчига қаратилган эмоционал ундовлар қуйидаги гуруҳларга бўлинган: 1. Вокатив ундовлар: *ҳай*, *эй*, *ҳой*, *алло*; 2. Императив ундовлар: *тисс*, *марш*, *бас*; 3. Расм-одат ундовлари: *ҳорманг*, *марҳамат*, *салом*, *хайр* ва ҳ. 4. Табрик ундовлари: *баракалла*, *офарин*, *балли* ва ҳ. 5. Буйруқ-хитоб ундовлари: *гаҳ*, *куч-куч*, *чух!*, *дирр!*, *пишт!* ва ҳ.²⁸

Кўринадики, С.Усмоновнинг “Ўзбек тилида ундовлар” асарида фақат ундовлар ва қисман модал бирликлар аралаш ҳолда тургани маълум бўлади

²⁵ Ғуломов А. Кўрсатилган манба.

²⁶ Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги замон адабий тили, синтаксис. – Тошкент, 1965. – Б. 177-178.

²⁷ Усмонов С. Ўзбек тилида ундовлар. – Тошкент, 1953.

²⁸ Усмонов С. Ўша манба. – Б. 3-8.

ва Р.Бобокалонов томонидан бундай сўз-гаплар алоҳида 4 турга тўғри ажратилган.

Бу ўринда айтиб ўтиш жоизки, инглиз тилшунослигида ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Инглиз тилидаги ундов ва модал сўзлар, тасдиқ-инкор сўзлар, таклиф-хитоб сўзларининг аксарияти *ундовлар* умумий номи билан ўрганилади.

С.Усмонов юқорида кўрсатилган китобида ундовларнинг оҳангига ҳам эътибор қаратган. Олим бундай ундовларга хос оҳангни нота белгилари орқали тасвирлаб берган²⁹. Дарҳақиқат, ундовларнинг ишлатилишида оҳангнинг ўрни катта. Ундовлар турли хил оҳангда талаффуз қилинади. Оҳангнинг қай тарзда ифодаланиши эса вазиятдан келиб чиқади. Шунингдек, фикрнинг ижобий ёки салбий эканлигини оҳангдан билиб олиш ҳам мумкин.

С.Усмонов ундов сўзларнинг келишик, эгалик, кўплик шакллари қабул қилишидаги ўзига хос жиҳатларни ҳам ёритган. У бу ҳақида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтган: “1) ундовлар кўплик қўшимчаси -лар ва эгалик қўшимчаси -и (си)ни олади: *ҳой-ҳой+лар+и, оҳ+лар+и, ҳай-ҳуй+лар+и*; 2) эгалик қўшимчасидан сўнг келишик қўшимчалари қўшилади, бироқ қаратқич келишиги бундан мустаснодир. Мисоллар: *оҳимни, додимни, оҳ-воҳларига*”³⁰.

Тилшунос “қаратқич келишиги бундан мустаснодир” деганда *оҳларнинг, оҳ-воҳларнинг* тарзидаги қўлланишларни назарда тутган. Аслида ундовлар юқорида айтилган қўшимчаларни олиши мумкин, бироқ бу қўшимчаларни олганда бошқа сўз туркуми, хусусан, от сўз туркумига хос вазифа бажаради ҳамда гапда бошқа гап бўлаклари билан бирикиб, сўз-гаплик хусусиятини йўқотади.

Сўз-гапларнинг “тасдиқ-инкор” тури деб ҳисобланувчи “*йўқ*”, “*ҳа*”, “*хўп*” сўзларини кўп тилшунослар, жумладан, С.Усмонов ҳам

²⁹ Усмонов С. Ундов гаплар. - Тошкент, 1955. – Б. 6-7.

³⁰ Усмонов С. Ўзбек тилида ундовлар. – Тошкент, 1953. – Б. 10.

Н.К.Дмитриевнинг фикрига қўшилган ҳолда модалларга киритган³¹. Буни куйидаги мисоллар таҳлилида ҳам кўриш мумкин:

1. *Мулладўст. Эшитяпсизми? Қози. Ҳа, жуда ҳайронман, нима товушлар? Бошим қотди, ақлим йўқ!* (Ҳ. Ҳакимзода).

2. *Салтанат. Одилов ака... ҳозир гаплашинг... Хўн.* (А.Қаҳҳор).

Бизнингча, бу масалада Р.Бобокалоновнинг куйидаги хулосаси тўғри: “Ҳақиқатан ҳам тасдиқ-инкор сўзлари, хусусан, “Ҳа” ва “Йўқ” сўзлари сўзловчи нутқидаги нейтрал маънонинг тасдиғи ёки инкорини ифодалайди. Лекин модал сўзларда асосий белги сўзловчининг муносабатини белгилаш бўлганлиги сабабли сўзловчининг муносабати нейтрал- [Ø] бўлган “Ҳа”, “Йўқ” сўзларини модаллар гуруҳига қўшиш тўғри бўлмаса керак. Чунки тасдиқ-инкор сўзларни модаллар гуруҳига киритувчи олимлар ҳам уларни модаллар ичида алоҳида гуруҳ сифатида ажратадилар. Модалларда биринчи ўринда сўзловчининг муносабати – модал маъно туради. Шу сабабдан “Албатта” сўзида тасдиқ эмас, балки сўзловчининг қатъий ишонч маъноси, “Ҳа” сўзида эса аксинча, тасдиқни ифодалаш биринчи ўринда туриб, сўзловчининг муносабати иккинчи ўринга кўчади”³².

Р.Бобокалонов “Хўн” сўзини модаллашган сўзлар қаторига қўшади. Унинг фикрича, “– *Хўн, саломатмисиз мирзо, ... ? – Шукур. Ўзларидан сўрасак? – Алҳамдулиллоҳ*” (А.Қодирий) контекстида “Хўн” сўзи модал маъно кашф этган. Модал маъно тасдиқ маъносидан кучлироқ бўлади. Ундан сўзловчи бирон-бир воқеа-ҳодисанинг тасдиғи учун эмас, балки унга муносабат билдириш учун фойдаланган. Бу ҳолат сўз-гапларнинг функциядошлик қобилиятидан далолатдир.³³

Англашимизча, мана шу функциядошлик бошқа тилшуносларни бир оз чалкаштирган бўлса керак. Юқорида С.Усмонов келтирган мисолларда “Ҳа” ва “Хўн” сўзлари фақат тасдиққа ишора бўлиб келаётгани яққол сезилиб

³¹ Усмонов С. Ундов гаплар. – Тошкент, 1955. – Б. 21.

³² Бобокалонов Р.Р. Ўзбек тилида семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2000. – Б. 55.

³³ Бобокалонов Р.Р. Кўрсатилган тадқиқот иши. – Б. 55.

турибди. Демак, сўз қайси функцияни бажариб келаётганини унинг контекстадаги маъно нозиклигига қараб ажратиш керак бўлади.

Бундай функциядошлик модал сўзлар ва юкламалар ўртасида ҳам кузатилади. Вазифадош юкламалар субъектив баҳо ва муносабат ифодалашига кўра модал сўзлар билан семантик-функционал умумийликка эга бўлса-да, уларни модал сўзлардан фарқлаш зарур³⁴.

Ўзбек тилшунослигида сўз-гаплар муаммосини махсус ўрганган Э.Шодмонов сўз-гапларнинг ўзига хос табиати, алоҳида синтактик категория эканлиги, морфологик асоси; сўз-гапларда предикативлик, модаллик ва интонациянинг ўрни; ундалма, кириш сўзларга муносабати ва улардан фарқи; сўз-гапларнинг шаклланишида контекст, ситуация ва мимиканинг ўзига хос роли; диалог ва монологлар, қўшма гап, кўчирма гапли қурилмалар таркибида қўлланилиши, бунинг ўзига хос томонлари; нутқда якка, такрор, ёндош гаплар билан келиши; сўз-гапларнинг кузатилган мақсад ва интонациясига кўра турлари каби қатор масалаларни батафсил ёритиб берди³⁵. Б.Ўринбоев ҳам Э.Шодмонов сўз-гапларнинг моҳияти, грамматик белгилари, морфологик асоси, структураси, маъно турлари ҳақида муҳим фикрларни баён этганлигини “Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари” китобида эътироф этади³⁶.

Э.Шодмоновнинг қайд этишича, чет эл тилшунослигида, жумладан, туркологияда ҳам сўз-гап терминининг ишлатилиши *ҳа* ва *йўқ* сўзларининг мустақил гап ҳолида қўллана олишини ўрганишдан бошланган. Олим сўз-гапларга тавсиф берар экан, унинг, асосан, диалогик нутққа хослигини таъкидлаб, қуйидаги хулосани келтиради: “Биз эътироф этаётган синтактик ҳодиса – туб моҳияти билан ана шу сўзлашув нутқининг бир формаси бўлган диалогик нутққа хосдир”³⁷.

³⁴ Пардаев А.Б. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси. Филол. фан. ...д-ри.дисс. (DSc) автореф. – Тошкент, 2017. – Б. 26.

³⁵ Шодмонов Э. Ҳозирги замон ўзбек тилида сўз-гаплар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1970. – Б. 50–61.

³⁶ Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Тошкент:Фан., 1974. – Б. 91.

³⁷ Шодмонов Э. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 19.

Тилшунос сўз-гапларда кузатиладиган интонация, пауза, синтагма ходисасини етарлича изоҳлаб беради, шунингдек, “... интонация сўз-гапларни шакллантирувчи ва гаплигини таъминловчи етакчи критерийдир”³⁸ деган хулосани беради.

Э.Шодмонов С.Саидовнинг ўзбек тилида модал сўзлар миқдори, яъни 115 та модал сўз ва 24 та модал ибора мавжудлиги, буларнинг 4,4 фоизи сўз-гап вазифасида кела олиши ҳақидаги фикрига муносабат билдирар экан, модал сўзларнинг синтактик мавқеини белгилашда уларни қуйидаги 2 турга ажратиш лозимлигини таъкидлайди: 1) фақат кириш сўз ёки кесим вазифасида келадиган модал сўз ва иборалар; 2) ҳам кириш сўз, ҳам сўз-гап ва гап бўлаги (кўпроқ кесим) вазифасида келадиган модал сўз ва иборалар. Унинг қайд этишича, бундай модал сўз ва ибораларнинг синтактик ҳолатини белгилашда улар ифодалаган семантик маънога ҳам эътибор бериш лозим³⁹.

Олим тўплаган фактик материаллари асосида ўзбек тилида 38 та модал сўз ва 16 та модал иборанинг гапда кўпинча сўз-гап вазифасида келишини аниқлаган. У сўз-гапларнинг лексик-морфологик асоси нуқтаи назаридан уларнинг материал томонини иккига ажратиш кераклигини эътироф этади: 1) сўз-гаплар учун мосланган типик сўз ва иборалар. Булар айрим модал сўз, модал иборалар, ундов сўз ва айрим ундов иборалардир; 2) маълум шароитдагина сўзловчининг мақсадини ифодалаш учун турли воситалар (интонация, юклама) ёрдамида сўз-гап сифатида шакллана оладиган сўз ва иборалар⁴⁰.

Р.А.Комилжонова ҳам модалларга мансуб бўлган сўзларни икки гуруҳга бўлади: 1) кириш-модал сўзлар; 2) қўшма кесим компоненти бўлиб келувчи модал сўзлар. Тилшунос уларни семантик жиҳатдан ҳам ички турларга ажратади. Жумладан, кириш-модал сўзларни ўн уч турга, қўшма кесим компоненти бўлиб келувчи модал сўзларни олти турга таснифлайди⁴¹.

³⁸ Шодмонов Э. Кўрсатилган манба. – Б. 49.

³⁹ Шодмонов Э. Кўрсатилган манба. – Б. 56.

⁴⁰ Шодмонов Э. Кўрсатилган манба. – Б. 57.

⁴¹ Комилжонова Р.А. Ҳозирги замон ўзбек тилида модал сўзлар. – Тошкент, 1975. – Б. 128–143.

Ў.Лафасов Р.А.Комилжоновадан фарқли тарзда тадқиқот ишида *кириш-модал сўзлар* эмас, *модал сўзлар* терминидан фойдаланган. У кириш сўз вазифасидаги модал сўзларни субъектив модалликни ифодалашига кўра ўн икки гуруҳга, мураккаб кесимнинг унсури бўлиб келувчиларни эса икки гуруҳга бўлишни маъқул топади. Тилшунос диалогик нутқда субъектив модалликни ифодаловчи асосий воситалар сифатида ундов ва модал сўзларни кўрсатади, ундовларнинг хилма-хил модал маъноларни ифодалашида оҳангнинг муҳим ўрин тутишини қайд этади.⁴² У бу ҳақда қуйидаги хулосани билдирган: “Субъектив модалликни ифодаловчи синтактик воситалар: такрорлар, реплика такрорлардан иборат. Бироқ шуни айтиш жоизки, санаб ўтилган воситаларнинг реаллашувида оҳанг муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у асосий вазифани бажаради”.⁴³

Ў.Лафасов бошқа ўринда субъектив модалликнинг реаллашувида вақт, овознинг кучи, баландлиги ҳам муҳим аҳамият касб этишини қайд этади ва бунда субъектив модаллик шахснинг ички кечинмалари, руҳияти ҳамда воқелик билан боғлиқ равишда рўёбга чиқишини кўрсатади⁴⁴.

Б.Ўринбоев ҳам сўз-гапларга тавсиф бериб, қуйидаги хулосани келтирган: “Сўз-гапларнинг ўзига хос специфик хусусияти шундаки, улар гап бўлакларига бўлинмайдилар. Бу хусусият уларни бошқа ҳар хил структурадаги гаплардан фарқлайди”⁴⁵. Олим Э.Шодмоновнинг сўз-гаплар бўйича билдирган фикрларини маъқуллайди, бироқ унинг “... сўз-гапларни бошқа гап типлари, жумладан, инфинитив, номинатив, вокатив, тўлиқсиз гаплар билан аралаштириш ҳоллари учрайди” деган фикрига қўшилмайди.

Англашиладики, бу икки тилшуноснинг сўз-гаплар бўйича фикрлари турлича. Б.Ўринбоев сўз-гапларни вокатив гаплардан фарқлайди, вокатив гапларга нисбатан *сўз-гап* терминини қўллаш мумкин эмаслигини, вокатив гап функциясида келган сўзлар доим ҳам сўз-гап бўлиб келавермаслигини

⁴² Лафасов Ў. Диалогик нутқда субъектив модалликни ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1996.

⁴³ Лафасов Ў. Кўрсатилган манба. – Б. 27.

⁴⁴ Лафасов Ў. Кўрсатилган манба.

⁴⁵ Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Тошкент, 1974. – Б. 120.

таъкидлайди. Тилшунос сўз-гаплар ва вокатив гапларнинг маъно оттенкалари, структураси, қўлланиш ўрнини ёритади, шунингдек, сўз-гапларни мазмунига қараб бир нечта типга ажратади:

1. Инкор оттенкасини билдирувчи сўз-гаплар.
2. Тасдиқ оттенкасини билдирувчи сўз-гаплар.
3. Сўроқ сўз-гаплар.
4. Эмоционал сўз-гаплар⁴⁶.

Олим ҳар бир типни ўз ўрнида яна ички турларга бўлади ва ҳар бир турни бирма-бир изоҳлайди.

Хуллас, Б.Ўринбоев “Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари” китобида сўзлашув нутқининг турли қирраларини очиб бериш билан бирга, сўз-гаплар ва вокатив гапларни бир-биридан фарқлаб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, маъно оттенкаларини мисоллар орқали ёритиб берган.

Юқорида Р.Бобокалоновнинг сўз-гаплар тадқиқига доир илмий ишига муносабат билдирган эдик. У ўз ишида сўз-гапларни “*семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар*” (СФШСГ) деб атаб, уларнинг субстанциал табиатини очиб берган. “*Семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар*” (қисқ. СФШСГ) терминининг “семантик” таркибий қисми ҳодисанинг луғавий-маъновий томонига ишора қилиб туради, “*функционал*” таркибий қисми эса сўз-гапларнинг синтактик вазифасини, гап ёки гап маркази вазифасида кела олиши билан чегараланишини бўрттириб туради. Умуман, гап маркази мавқеида келиши бундай лексемаларнинг онтологик жиҳатдан икки табиий хусусиятга эгалигини белгилаб беради.

Р.Бобокалонов сўз-гапларнинг белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатади: “1. Маъно имкониятлари чегараланган. 2. Ўзида грамматик шакллари талаб этмайди. 3. Бошқа сўзлар билан бирикиш қобилиятларидан маҳрум. 4. Гапда бажара оладиган вазифаси чекланган. Шунинг учун ҳам бу лексемалар бошқа лексемаларга нисбатан фарқли ва ғайриоддий, бироқ

⁴⁶ Ўринбоев Б. Кўрсатилган манба. – Б. 100-111.

маъно ва вазифа жиҳатидан алоҳида барқарор тил бирлиги ҳисобланади. Бундай бирликларнинг мазмуний тизимида ҳар доим алоҳида бир семемаси ажралиб туради ва унда кесимлик маънолари мужассамлашган бўлади. Бошқа лексемаларда эса кесимлик маънолари [Pm] воситасида киритилади. Шу боис тилнинг лексик ва грамматик сатҳлари бирликлари орасида уларнинг ўрни ўзига хосдир”⁴⁷.

Айтиш мумкинки, Р.Бобокалонов ушбу масалани чуқур тадқиқ этиб, ўзбек тилида сўз туркумларини *мустақил сўзлар*, *ёрдамчи сўзлар* ва *сўз-гаплар* сифатида уч катта гуруҳга ажратишни таклиф этди. У сўз-гаплар деб номланувчи бирликларни алоҳида сўз туркумлари сифатида ажратди. Сўз-гапларни ўз ичида қуйидаги турларга ажратди: 1) модал сўзлар; 2) ундов сўзлар; 3) тасдиқ-инкор сўзлар; 4) таклиф-хитоб сўзлар.

Шунингдек, тилшунос СФШСГларни мустақил қўлланилишига кўра қуйидаги турларга бўлди: 1. Мустақил қўлланиладиган модаллар. 2. Мустақил қўлланиладиган ундовлар. 3. Мустақил қўлланиладиган тасдиқ-инкорлар. 4. Мустақил қўлланиладиган таклиф-хитоблар.

Номустақил қўлланилишига кўра эса СФШСГларни қуйидагича таснифлади: 1. Номустақил қўлланиладиган модаллар. 2. Номустақил қўлланиладиган ундовлар. 3. Номустақил қўлланиладиган тасдиқ-инкорлар. 4. Номустақил қўлланиладиган таклиф-хитоблар⁴⁸.

Тадқиқотда СФШСГга бириктирилган модаллар (*албатта*, *шекилли*, *балки*, *эҳтимол* в.х), ундовлар (*оҳ*, *уҳ*, *вой* в.х), таклид-хитоб (*ма*, *қани*, *марҳамат* в.х) ва тасдиқ-инкор (*ҳа*, *йўқ* в.х) сўзларнинг алоҳида гап сифатида ҳамда боғлиқ, яъни гап таркибида қўлланиш ҳолатлари, уларнинг маъновий турлари ва функционал кўринишлари ҳам ёритиб берилган. Олим ўз ишида 400 дан ортиқ соф сўз-гаплар, сўз-гаплашган, сўз-гаплашаётган, сўз-гапсимон бирикмаларни ҳозирги тил нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, уларга тавсиф берган.

⁴⁷ Бобокалонов Р.Р. Ўзбек тилида семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2000. – Б. 43.

⁴⁸ Бобокалонов Р.Р. Ўша манба. – Б. 63.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, сўз-гапларнинг нутқда қўлланиш имкониятлари, албатта, инсоннинг коммуникатив нияти, ижтимоий мавқеи, касб-кори, ёши, жинси каби билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Инсон касби, ёши, жинси, ижтимоий келиб чиқиши ёки яшаш жойига қараб ҳар хил вазиятларда улардан турлича фойдаланади. Бу ҳолат сўз-гапларнинг социопрагматик хусусиятга эгаллигини кўрсатади. Бундан ташқари, ундовлар инсоннинг мимикаси билан, модаллар ва тасдиқ-инкорлар нутқ эгасининг бирор нарсага бўлган ишончи, гумони, рози ёки норозилиги билан, таклиф-хитоблар эса тана аъзоларининг махсус ҳаракатлари билан узвий боғлиқ. Бу ҳолат ҳар бир сўз-гап турини, юқорида айтиб ўтилгандек, социопрагматик аспектда ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

Қуйида инглиз тилшуносларининг бу борадаги қарашларини кўриб чиқамиз.

1.2. Инглиз тилшунослигида сўз-гаплар талқини

Инглиз тилшунослигида ҳис-ҳаяжон ифодаловчи ва семантик жиҳатдан бошқа сўзлар билан боғлана олмайдиган ундов сўзлар алоҳида сўз туркуми сифатида ажратилади. Умуман, Ғарб тилшунослигида илк даврларданок ундовларнинг эмоция билан боғланиши қайд этиб келинади. Манбаларда келтирилишича, эрамининг I асрида яшаб ўтган олим Ремни Палемон ундовларни алоҳида сўз туркуми сифатида ажратган.⁴⁹

Бу ўринда савол туғилади: инглиз тилида *сўз-гаплар* термини мавжуд эмасми? Нега инглиз тилшунослигида бу муаммонинг ўрганилиши ҳақида гапирганда фақат *ундовлар* ҳақида фикр юритиляпти?

Ўзбек тилидаги каби инглиз тилида ҳам ундовлар, модаллар, таклиф-хитоб ва тасдиқ-инкор сўзлар мавжуд, албатта. Фақат ўзбек тилшунослигидаги каби “*сўз-гаплар*” деб номланиб, 4 турга ажратилмаган. Ўзбек тилидаги аксарият сўз-гаплар (тўлиқ қамраб олинмаган бўлса ҳам) инглиз тилида “*ундовлар*” термини остида жамланади. (Ишимизнинг инглиз

⁴⁹ Бўронов Ж.Б. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Тошкент, 1973. – Б. 12.

тилшунослигига оид қисмида сўз-гапларни *ундовлар* ёки *ундов бирикмалар* деб юритамиз).

Ундовларнинг келиб чиқиш ҳақидаги назарий қарашлар жуда қадимий. Тилшунослар ундовларнинг келиб чиқишини инсониятнинг илк даврлари билан боғлайдилар. Айрим манбаларда қайд этилишича, ундов сўзларнинг юзага келиши ҳайвонлар ҳайқириғи билан боғлиқ. Ибтидоий одамлар ҳайвонларнинг бақир-чақириқларини ўрганиб, улар орқали ички кечинмалари, ғам-аламларини *oh! uh! ah!* каби сўзлар билан ифодалашган, тилдаги бошқа сўзлар эса шундай сўзларнинг бирикувидан келиб чиққан⁵⁰.

Ж.Г.Хедернинг фикрича, ундовларни билдирувчи инсон ва ҳайвонларнинг товушлари бир-бирига тенг, ҳар иккиси ҳам ҳиссиёт тили ва бу табиат қонуни⁵¹.

Инглиз тилшунослигида ундовларга турлича таъриф берилганлиги ва уларнинг тавсифи борасида олимлар ўртасида доим келишмовчиликлар бўлиб келганининг гувоҳи бўламиз. Баъзи тилшунослар ундовларни тил бирлиги ҳисоблашса, яна бир гуруҳ тилшунослар ундовлар фақат онгнинг ҳолатини кўрсатиб, ҳис-туйғуни ифодаловчи, бироқ сўз бўлмаган бирликлардир деган қарашни илгари суришади. Баъзи тилшунослар ундовларга паралингвистик бирлик сифатида ҳам баҳо беришган⁵². Жумладан, Тим Вартон Бенфейнинг фикрича, ундовлар ва сўзлар ўртасида етарлича тафовут бор⁵³. Лекин кейинчалик ундовлар алоҳида туркум сифатида ажратилган⁵⁴, бошқа кичик элементларга бўлинмайдиган, мустақил бирлик сифатида эътироф этилган⁵⁵.

⁵⁰ Холманова З. Тилшуносликка кириш. – Тошкент, 2007 // <http://n.ziyouz.com/kutubxona>.

⁵¹ Herder J.G. On the origin of language. In *On the origin of language: Two essays*. Translated by J.H.Moran, A. Gode. Chicago: University of Chicago Press, Ltd., London, 1966. – P. 88.

⁵² Wharton T. Interjections, language and the showing-saying continuum // *Pragmatics & Cognition*, Volume 11, Issue 1, Jan 2003. – P. 39 -91. <https://www.jbe-platform.com/content/journals/10.1075/pc.11.1.04wha>

⁵³ Warton T. *Pragmatics and no-verbal communication*. – Cambridge University Press, 2009. – P.70. www.cambridge.org.

⁵⁴ Ashdowne R. Interjections and the Parts of Speech in the Ancient Grammarians // *Henry Sweet Society Bulletin*, 2008.–№ 50.– P. 1-16,

⁵⁵ Ashdowne R. Кўрсатилган манба; Hismanglu, M. Interjections in English: Neglected but important aspect of foreign language learning and teaching // *Journal of Theory and Practice in Education*.–. 2010.–6 (1). – P. 17-35.

Тилшунос олим Э.Сэпирнинг фикрича, ундовлар нутқ бирликлари ичида энг кам аҳамиятга эга бўлган бирликлардир. У ундовларга қуйидагича изоҳ берган: “Булар [ундов сўзлар] - тилнинг луғат бойлигининг кичик ва функционал жиҳатдан аҳамиятга эга бўлмаган нисбати ... Улар мато четининг якуний декоратив қисмига ўхшашдир”⁵⁶.

Ундов сўзларнинг инсон ҳис-туйғулари билан алоқадор эканлиги бошқа олимлар томонидан ҳам эътироф этилган. Жумладан, Р.Траск ундовларнинг ҳис-туйғуни ифодалашга хизмат қилишини таъкидлаб, уларнинг лексик бирликлар ёки бирикмалар шаклида бўлишини кўрсатади⁵⁷. Л.Блумфилд ундовларнинг кучли бир туртки натижасида содир бўлишини таъкидлайди⁵⁸. Р.Жакобсон наздида эса ундовлар тилнинг соф эмоция қобиғининг моделидир⁵⁹.

“Grammar of the English Language” китобининг муаллифлари ҳам ундов сўзларнинг синтактик алоқага кириша олмайдиган соф ҳис-туйғуни ифодаловчи сўзлар эканлигини алоҳида қайд этишади.⁶⁰

Инглиз тилшуноси Ф.Амека ундовларга қуйидагича таъриф берган: “Одатда ундов сўзлар морфологик жиҳатдан сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчи қўшимчаларни ўз ичига олмайди. Шунингдек, ундов сўзлар ўзгармас шаклга эга ҳисобланади. Бу уларнинг юкламалар ва ўзгармайдиган равишлар сингари таснифланишининг сабабларидан биридир”⁶¹.

Инглиз тилшунослигида ундов сўзларнинг вазифасига кўра таснифланиши кузатилади. Жумладан, манбаларда келтирилишича, Л.Треснер ундовларни вазифасига кўра қуйидаги турларга бўлган: 1) *императив ундовлар (Imperative interjections)*. Бундай ундовлар тингловчи

⁵⁶ Sapir E. Language. – New York: Harcourt, Brace, 1921. <https://www.ugr.es/>

⁵⁷ Trask, R.L. A Dictionary of Grammatical Terms in Linguistics. – London. Routledge, 1993.

⁵⁸ Bloomfield L. Language. Chicago: University of Chicago Press, 1984. (1933). <https://www.yumpu.com/en/document/read/11576293/language-bloomfield-leonard-1887-1949-pdf-rare-books-at>

⁵⁹ Jakobson, R. Linguistics and poetics: in Style in language. Edited by T. Sebeok. – Cambridge: MIT Press, 1960. – P. 350-377.

⁶⁰ Quirk, R., Greenbaum, S., Leech, J. & J. Svartik (eds.) A Comprehensive Grammar of the English Language. Longman, 1985.

⁶¹ Felix K.Ameke & David P. Wilkins. Interjections. Handbook of Pragmatics, 2006. – Amsterdam/Philadelphia: John Benjamins Publ. Co.

онгига таъсир этиш мақсадини ифодалайди; 2) *импульсив ундовлар (impulsive interjections)*. Бу турдаги ундовлар гапирувчининг бирор ҳодисага ҳаракатли, ҳис-ҳаяжонли муносабатини акс эттиради; 3) *имитатив (imitative interjections) ундовлар*. Бу турга тақлидий товушлар киради.⁶²

Ф.Амека эса бу фикрга қарши тарзда семантик жиҳатдан ономотопеа (тақлид сўзлар) ундовларга кира олмаслигини, чунки улар жонли ифодадан кўра тасвирловчи бирликлар ҳисобланишини таъкидлайди ва ундовларга қуйидагича таъриф беради: “Ундовлар контекстга боғлиқ лингвистик белгилардир. Экстралингвистик контекстда улар алоҳида вазиятлар ва қўшимча элементлар билан боғланади. Шундай қилиб уларни вазиятларга боғланган ифодалар (ВБИ) - situation bound utterances (SBU) номи билан танилган элементларнинг кичик бир синфи сифатида қабул қилишимиз мумкин....”⁶³.

Шуниси характерлики, инглиз тилшунослигида ундовларнинг ижтимоийлик хусусияти, мулоқот жараёнида ишлатилиш меъёрлари ҳам ёритилган. Ф.Амека ундов сўзларнинг қўлланиш хусусиятлари ҳақида қуйидаги хулосани билдиради: “Ундов сўзлар прагматик нуқтаи назардан олиб қаралганда, сўзловчи муносабатларини ва мулоқотга киришиш мақсадларини очиб берувчи бирликлар гуруҳи бўлиб, улар ҳолат ва вазиятга йўналтирилган бўлади”⁶⁴.

Р.Г.Монтес ундовларнинг қўлланиш хусусиятини нутқ эгасининг мақсади билан боғлайди. Унинг фикрича, “кўпгина ундовлар сўзловчининг тингловчига ҳурмати остида унинг ички муносабатини жамлайди”⁶⁵.

Ф.Амека инглиз тилидаги ундовларни характерига кўра 2 гуруҳга ажратади: 1) биринчи даражали ундовлар (primary interjections); 2) иккинчи даражали ундовлар (secondary interjections).

⁶² O’Connell D.C., Kowal S., King S.P. Interjections in literary readings and artistic performance. Pragmatics, 17. International Pragmatics Association, 2007. – P. 420.

⁶³ Felix K.Ameke & David P. Қўрсатилган манба.

⁶⁴ Felix K.Ameke & David P. Қўрсатилган манба.

⁶⁵ Montes R.G. The development of discourse markers in Spanish: Interjections // Journal of Pragmatics 1999. – № 31. – P. 1289–1319.

Биринчи даражали ундовлар (PI билан берилади) сўз билан ифодаланмайдиган, товушлардан ташкил топиб, бошқа сўз туркумлари билан кириша олмайдиган бирликлардир. Масалан, *Oops!, Oh!, Wow!, Gee!, Ugh!, Ow!, Aw!* кабилар. PI фақат ундов сифатида ишлатилади.

Иккинчи даражали ундовлар (SI) мустақил маъно қийматига эга бўлган сўзлар бўлиб, улар ёлғиз ёки бирикма ҳолатида ишлатилади ва сўзловчининг руҳий ҳолатини ёки воқеага муносабатни билдиради: *Heavens!, Hell!, Shame!, Christ!, God!, Gosh!* каби сўзлардир.

SI – иккинчи даражали ундовларнинг фарқли томони шундаки, улар бошқа сўз-туркумига ҳам мансуб сўзлардир. Масалан, *God* сўзини мисол тариқасида оладиган бўлсак, бу сўз, асосан, от сўз туркумига оид бўлиб, ўзбек тилига “Аллоҳ”, “Худо” деб таржима қилинади. Бошқа томондан эса ҳайронликни, аччиқланишни, хавотирланишни ифодаловчи ундов сўз сифатида ишлатилади. Масалан: “*God! Would you shut up for a minute?*” Албатта, ўзбек тилшунослигида ҳам бундай ҳолат кузатилади. Масалан, *диққат* – от, *Диққат!* – сўз-гап.

Инглиз тилшуносларининг ундовлар борасидаги қарашлари турлича бўлишига қарамай, албатта, умумий жиҳатлар ҳам мавжуд. Инглиз тилидаги ундовлар, асосан, қуйидагича таснифланади:

1-турдаги ундовлар инсон руҳий ҳолатини ифода этади, улар аниқ адресатга қаратилган бўлмайди. Бундай ундовлар инсон ҳиссиётининг, хоҳиш-истаги ва бирор нарсага муносабати остидаги табиий оқим (‘natural outflowing’) ҳисобланади. Бу синфга *oh,ow, ugh* ҳис-ҳаяжон ундовлари; *Wow! Oops, Cool!* когнитив ундовлар ва *Shit!, Damn!, Hell!* каби сўқиниш сўзлари киради.

2-турдаги ундовлар тингловчига қаратилиб, ундан жавоб талаб қилувчи ундовлардир. Бундай ундовлар диққат қаратишга ундовчи, чақирик ундовлари ҳисобланади: *Hey!, Yoohoo!* кабилар. Нолисоний ҳаракатларни талаб қилувчи *Shh!* ва ҳайвонларга қаратилган ундовлар ҳам шу гуруҳга киритилган.

3-турга мансуб ундовлар адресат томонидан гапирувчининг фикрини таҳлил қилиш, унга ўз муносабатини ижобий тарзда ифода этиш ёки фикрини такроран айтишига ишора қилишни англатади. Шунингдек, гапирувчи ўз фикрини давом эттиришини мақсад қилади. Бу гуруҳ ундовларига *Huh?*, *hmm*, *mhm*, *uh-huh* кабилар киради.

4-турдаги ундовлар 3-гуруҳга кировчи ундовлар каби адресат томонидан ишлатилувчи ундовлар бўлиб, улар орқали адресат гапирувчининг саволига жавоб беради, фикрига қўшилади ёки уни инкор этади. Бундай ундовларга *yes*, *yeah*, *mhm* тасдиқ ундовлари; *no* инкор ундови киради. Розиликни билдирувчи *ok* ундови ҳам шу гуруҳга киритилади. Бу гуруҳ ундовлари ўзбек тилидаги сўз-гапларнинг тасдиқ-инкор (*ҳа*, *йўқ*, *хўп* кабилар) шаклига тўғри келади.

5-турдаги ундовлар муносабатни ифодалайди. Улар ўзбек тилидаги модал сўзларга тўғри келади.

Тилшунослар Ф.Амека ва Д. Вилкинслар “Ундовлар” деб номланган қўлланмасида ундовларнинг қуйидаги хусусиятини ҳам очиб беришган: Ундов сўзлар, турли тиллардаги баъзи бир сўз ҳосил қилиш жараёнларида иштирок этади. Яъни, улар бошқа морфемалар билан бирлашиб, сўз туркумларини ўзгартириши мумкин. *Wow!* “*I am surprised*” (“*Мен ҳайратдаман*”) ундов гапида феъл сифатида ишлатилган “*to be*” феъли *She wowed them during the talk or You should wow them at the interview* каби нол конверсияда ишлатилмоқда. *Yum!* ‘*I like this*’ ёки *Yuck!* ‘*I feel disgusted, I don’t like this*’ каби бошқа ундов сўзлар сўз ясовчи қўшимчалар қўшилиши билан сифатлашиши мумкин ва қуйидаги каби ишлатилиши мумкин: *This is yummy or That is a yuckie thing*⁶⁶.

Демак, айрим сўз туркумларидан нутқда ундов сўз сифатида фойдаланилиш мумкин. Шу билан бирга, ундовлар орқали бошқа сўз туркумларини ҳосил қилиш ҳам мумкин бўлади. Масалан, ўзбек тилида: *бай-*

⁶⁶ Felix K. Ameka & David P. Wilkins. Interjections. Handbook of Pragmatics. – Amsterdam. Philadelphia: John Benjamins Publ. Co. 2006.

бай – ундов сўз, *байбайламоқ* – феъл, *вой* – ундов сўз, *войвойламоқ* – феъл каби.

Морфологик жиҳатдан ундовлар одатда, шакл ясовчи ва сўз ясовчи кўшимчаларни олмайди, улар ўзгармас бўлади. Ундовларнинг юкламалар ва равиш сингари бошқа ўзгармайдиган сўзлар билан бирга таснифланишига ҳам мана шу хусусияти сабабдир⁶⁷. Лекин инглиз тилидаги ундов сўзларга хос бўлган бу хусусият бошқа тиллардаги ундовларда бошқачароқ бўлиши мумкин. Чунки инглиз тилида 2-шахсга нисбатан қўлланувчи *сен* олмоши йўқ бўлиб, 1-шахс бирликда ҳам кўпликда ҳам *сиз* ишлатилади. Бошқа тилларда эса бундай эмас. Шу сабабли баъзи ундов сўзлар шахсга қарата айтилганда, сизлаш вазифасини бажариши мумкин. Масалан, ўзбек тилида *Яша!* – *Яшанг!* – *Яшасин!*, *Хорма!* – *Хорманг!* – *Хорманглар!*, *Ўла!* – *Ўлинг!* – *Вой, ўлсин!*; рус тилида *Здравствуй!* – *Здравствуйте!* кабилар шулар жумласидандир.

Демак, инглиз тилида сўз-гаплар ўзига хос лингвистик-функционал хусусиятларга эга. Шунга мувофиқ, уларнинг маъно мундарижаси, семантик таснифи ҳам ўзбек тили нуктаи назаридан анча мунозарали. Инглиз тилшунослиги уларни бир умумий ном - *Interjections* номи остида ўрганади. Ўзбек тилидаги сўз-гаплар таснифи каби морфологик бўлинишга эга эмас. Бироқ семантик жиҳатдан инглиз тили ундов сўзлар тизимида ўзига хос мазмун хилма-хиллиги кўзга ташланади. Тарихий тадрижи жамият аъзоларининг ҳайвон овозларига тақлиди билан боғланади. Контекст мазмунини бойитиш, ҳис-туйғуни ифодалашда ундовларнинг ўрни беқиёс. Инглиз тили луғат фондида ундовлар асосида ясалган сўзлар камчиликни ташкил этади. Гапда ҳеч қандай грамматик-синтактик вазифа бажармайди, бироқ сўзловчининг нутқий вазиятга муносабатини ифодалашда қимматли аҳамиятга эга. Умуман, инглиз тилшунослиги ундовлар грамматикаси бўйича муайян илмий-назарий хулосаларга эга, бу борада салмоқли илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

⁶⁷ Felix K. Ameka & David P. Wilkins. Кўрсатилган манба.

1.3. Сўз-гапларнинг диалогик ва монологик нутқ таркибида

қўлланиш хусусиятлари

Сўз-гаплар хусусида гап борар экан, уларнинг монологик ва диалогик дискурда қўлланиш имкониятларини таҳлил қилиш лозим бўлади. Сўз-гаплар ҳам монологик, ҳам диалогик нутқ таркибида иштирок этади. Лекин аксарият ҳолларда сўз-гапларнинг диалогик нутқда фаол қўлланилиши кузатилади.

Тилшуносликда нутқнинг монологик ва диалогик турлари, уларда сўз-гапларнинг қўлланилиши масаласи бўйича турли қарашлар мавжуд. Жумладан, рус тилшуноси Л.Б.Щерба биринчилардан бўлиб диалогни синтактик ҳодиса сифатида баҳолаб, унинг монолог билан муносабати, фарқли жиҳатлари хусусида қимматли фикрларни баён қилган⁶⁸.

Тилшунослар монолог ва диалогни мулоқот шакллари сифатида бири-биридан фарқлайдилар. Жумладан, Л.А.Франко диалогни мулоқот шакли турлари типологиясидаги битта элемент сифатида эътироф этади. Тилшунос баҳс (debate), ишонтириш (persuasion), диалог (dialogue), музокара (negotiation) ва муҳокама (deliberation)ларни бир-биридан фарқлайди⁶⁹.

Д.Бомнинг фикрича, “Dialogue” юнонча *dialogos* сўзидан келиб чиққан бўлиб, *logos* “сўз” деган маънони ва *dia* “иккита” деган маънони англатмай, “орқали” деган маънони англатади. Ушбу жараён шуни англатадики, бизнинг орамизда ёки биз орқали билдирилаётган маъно оқимидир. Бу бутун бир гуруҳда янги тушунча пайдо бўлиши мумкин бўлган маъно оқимини келтириб чиқаради. Бу бошланғич нуктада умуман учрамайдиган янги бир ижодий ходисадир ва бу халқ ва жамиятни бирлаштирувчи “жипслаштирувчи” ёки “маҳкамловчи” жараёндир⁷⁰. Дарҳақиқат, диалог икки ёки бир неча шахс ўртасидаги мулоқот бўлиб, шахслар томонидан айтилаётган фикрларнинг алмашинуви жараёнидир.

⁶⁸ Щерба Л.Б. Восточно-лужическое наречие. Т. I. – Петербург, 1915.

⁶⁹ Franco L. A. Forms of conversation and problem structuring methods: aconceptual development // Journal of the Operational Research Society. Vol. 57, 2006. – P. 813–821.

⁷⁰ <https://www2.clarku.edu/difficultdialogues/learn/index.cfm>.

Манбаларда монологга қуйидагича тавсиф берилади: “Монолог (солилок), диалогдан фарқли ўлароқ, суҳбатдош нутқидан мазмуни ва тузилиши жиҳатидан бутунлай ажралиб чиққан нутқ шакли. Диалогнинг репарти билан таққослаганда монолог лингвистик, композицион жиҳатдан анъанавий бўлиб, қоида тариқасида анча мураккаб синтаксисга эгадир”⁷¹. Демак, монолог шахслар ўртасидаги мулоқот эмас, балки бошқа шахсларга ёки гапирувчининг ўзига қаратилган мурожаат шаклидир.

Англашиладики, диалог ҳам, монолог ҳам мулоқотнинг ўзига хос шакллари ҳисобланади. С.И.Абакумов ҳам диалогнинг сўзловчи учун ҳам, тингловчи учун ҳам алоқа қилиш бирлиги эканини эътироф этади⁷².

Б.Ўринбоевнинг қайд этишича, “Диалог – нутқ тузилишининг асосий кўринишларидан бири бўлиб, социал нутқий алоқаларнинг табиий формаларидан ҳисобланади. Диалог, академик Л.Б.Шчерба фикри билан айтганда, “шундай устахонаки, унда тилнинг ҳар турли ўзгаришлари қуйилади ва йиғилади”⁷³.

Тилшуносликда диалог ва монологнинг семантик-синтактик структураси бўйича турли қарашлар баён қилинган. Жумладан, А.А.Шахматов ва А.М.Пешковский диалогик нутққа тавсиф беришар экан, унинг таркибида доимо тўлиқсиз гапларнинг мавжуд бўлишини эътироф этишади.⁷⁴

П.С.Попов ва Н.К.Дмитриев эса диалогик нутқда фақат сўроқ гапдан фойдаланилиши ва бу нутқ тури сўроқ гап натижасида келиб чиқадиган ҳодиса эканлигини баён қилишган.⁷⁵

С.Усмонов “Ҳозирги замон ўзбек тилида ундовлар” номли тадқиқот ишида “диалогларда ҳис-ҳаяжон ундовларидан иборат бўлган гаплар

⁷¹ The Columbia Electronic Encyclopedia™. – Columbia University Press. 2013.

⁷² Абакумов С.И. Современный русский литературный язык. – М., 1949. – С. 117.

⁷³ Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари, – Тошкент, 1974. – Б. 19.

⁷⁴ Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. – Л., 1941. – С. 128; Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении изд. 6-е. – М. 1938. – С.365.

⁷⁵ Дмитриев Н.К. Грамматика кумыкского языка. – М.-Л., 1940. – С. 162; Попов. П.С. Суждение и предложение // Вопросы синтаксиса современного русского языка. – М., 1950. – С. 20.

эшитувчига қаратилган эмоционал ундовлардан, даставвал, семантик жиҳатдан фарқ қилиши”ни⁷⁶ қайд этган.

А.И.Чижик-Полейконинг фикрича, “оғзаки нутқ моҳиятига кўра диалогдир. Диалог – сўроқ ва жавоб сўзларнинг маъносига кўра лексик ва грамматик жиҳатдан ўзаро бириккан лўқмалар каторидир”⁷⁷. Х.Абдурахмонов ҳам диалогик нутқ учун сўроқ гапларнинг характерли эканлигини эътироф этади.⁷⁸ Албатта, бу хулосани диалогик нутқ фақат савол-жавобдан иборат деб тушуниш тўғри бўлмайди.

Бу муаммога муносабат билдирар экан, А.Ҳазратқулов “Ўзбек тили диалогик нутқ синтаксиси” китобида қуйидаги хулосани илгари суради: “Бунда диалогни сўзлашув нутқининг шакли дейиш ҳақиқатга мос келади. Лекин диалог фақат савол-жавоб шаклидан иборат, дейиш ҳақиқатга унча мос келмайди, чунки бу шакл диалогнинг бир кўринишидир. Агар биз, диалог фақат савол-жавоб шаклидан иборат десак, унинг доирасини чеклаб қўйган бўламиз”⁷⁹.

Бизнингча, А.Ҳазратқуловнинг мазкур хулосаси тўғри. Ҳақиқатдан ҳам, сўзлашув нутқини ҳеч қачон чегаралаб бўлмайди. Сўзлашув тили чегарасиз ва ранг-барангдир. А.Ҳазратқулов диалогнинг ўзига хос жиҳатларини очиб берар экан, ундаги грамматик бузилишлар ҳақида ҳам фикр билдиради: “Баъзан эмоционал, ҳаяжонли нутқда гапнинг етарли шаклланмаганлиги, узилиши ва боғланишининг йўқлиги кучли сезилади. Ҳаяжон сўзловчининг ўйлашига ва гапнинг шаклланишига ҳалақит беради. Сўзловчининг диққати, асосан, гапнинг мазмунига қаратилган бўлади”.⁸⁰

Албатта, бу ҳолат сўз-гапларнинг диалогик нутқда қўлланилишида ҳам кузатилади. Диалогик нутқда сўз-гаплар нутқий вазиятдан келиб чиққан ҳолда ишлатилади. Диалогик нутқда қўлланган сўз-гаплар гапнинг бошқа

⁷⁶ Усмонов С. Ҳозирги замон ўзбек тилида ундовлар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1952. – Б. 110.

⁷⁷ Чижик-Полейко А.И. Стилистика русского языка. Ч. I. – Воронеж, 1962. – С. 74.

⁷⁸ Абдурахмонов Х. Синтаксические особенности узбекских народных пословиц: Автореф. дисс ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1966. – С. 6.

⁷⁹ Ҳазратқулов А. Ўзбек тили диалогик нутқ синтаксиси. – Тошкент, 1991. – Б. 16.

⁸⁰ Ҳазратқулов А. Кўрсатилган манба.

бўлаклари билан синтактик жиҳатдан боғланмаган бўлса-да, семантик жиҳатдан, албатта, алоқада бўлади. Масалан:

– *Бола қолаверсин! – “Қора аммам” ҳарсиллаб нафас олганча дадамга юзланди. – Юраверади. Ҳали жўхори кабоб қилиб бераман.*

– *Ҳа! – дедим иргишлаб. – Жўхори кабоб ейман!*

– *Йўқ! – Дадам менга қараб қовоғини солди. – Тўполон қилиб, яна бир балони бошлайсан. (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)*

Ушбу диалогик нутқда *Ҳа*, *Йўқ* сўз-гаплари қўлланган. Улар ифода этган ахборотга контекст асосида аниқлик киритилади. Бошқача айтганда, бу сўз-гапларнинг мазмуни диалогик нутқ ичида белгиланади. Мазкур сўз-гаплар жумла таркибидаги бошқа бўлаклар билан грамматик жиҳатдан боғланмаган бўлса-да, матннинг семантик структурасини шакллантиришда муҳим ўрин тутган. Шунингдек, диалогда реплика асосий ўрин эгаллаган.

Умуман, диалогларда репликанинг тез-тез алмашиб туриши унинг характерли жиҳатидир. Б.Ўринбоев диалогнинг шаклланишида репликанинг ўрни масаласига муносабат билдирар экан, қуйидаги хулосани баён қилади: “Маълумки, ҳар бир диалог таркибидаги репликалар ўзидан олдинги ёки кейинги репликалар асосида ривожланади. Натижада диалог шакллана бошлайди”⁸¹.

Диалогик нутқ ўзаро мулоқот жараёнида фаол қўлланувчи нутқ туридир. Кишилар ижтимоий ҳаётида, яъни оилада, ишхонада, жамоат жойларида (транспортда, бозорда, кўча-кўйда, тўй-ҳашамда ва ҳ.) нутқнинг бу шаклидан унумли фойдаланиб, бир-бирларига ахборотни тез, таъсирли, аниқ етказишга ҳаракат қиладилар. Мулоқот жараёнида сўзловчи нутқининг асосини, асосан, содда гаплар, шунингдек, ҳис-туйғуни ифодаловчи сўз-гаплар ташкил қилиши диалогик нутқнинг энг характерли томонларидандир. Ў.Лафасов қайд этганидек, “табiiй зарурият туфайли кишилар бир-бири билан турли муносабатда бўлади. Бу муносабат эса бир бутунлигича жонли

⁸¹ Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Тошкент, 1974. – Б. 26.

сўзлашув нутқи ва унинг бирлик шакли бўлган диалог орқали амалга ошади”.⁸²

Л.Раупова “Диалогик нутқнинг дискурсив талқини” китобида диалогик ва монологик нутқнинг бир-биридан фарқини кўрсатар экан, диалогик дискурс, уларда содда ва қўшма гапларнинг ишлатилиши масаласини ҳам таҳлил қилади. У диалогни жонли (реал), хаёлий (тасаввурдаги) ва ички диалог кабиларга ажратган. Олима монологга қуйидагича тавсиф берган: “Монолог эса мураккаб нутқ шакли бўлиб, жамоа томонидан қўлланиладиган ифода формаси бўлмасдан, балки индивидуал шахс томонидан тузилган нутқ формасидир. Монологик нутқ бадий асар қаҳрамонларининг ўз-ўзига ёки ўзгаларга қаратилган нутқидир”⁸³. Англашиладики, диалогик нутқдан фарқли тарзда монологик нутқдан бадий асарларда ёки шеърӣ жанрларда қаҳрамоннинг ички кечинмаларини акс эттиришда фойдаланилади. Қуйидаги монологик нутқнинг структур хусусиятлари, унда қўлланган сўз-гапларга эътибор қаратамиз:

Мендақа юраги порокларга тўрттасиям етади. Фенобарбитал кучли препарат. Мана, олтига, саккизта... Мана, бўлди... Ўнтаси етадими? Етади эмиш! Ортиб қолар! Яхши. Ҳаммаси жойида! Нима бало, таъсир қилмаяпти-ку! Кўрамиз! Мана ўрнимга эсон-омон етиб олдим. Энди кўзимни юмиб ётсам... Кўп эмас, чорак соат. Биламан... Ҳозир ошқозонда эрийди, қонга ўтади. Аввал мияни карахт қилади. Кейин...

Яна кўнглим ағдариляптими?

Оҳ! Бўлмаяпти! Керакмас! Қусаман! Ўрнимдан туриб олсам бас. Ие, қўлим нега қимирламайди? Оёғим ҳам карахт-ку! Бундан чиқди... Йўқ, туришим керак! Қўрқиб кетяпман. Ҳаво етишмаяпти. (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Ушбу монологик нутқ орқали ориятга чидолмай, жонига қасд қилиш мақсадида ўйламасдан қадам босиб, сўнг хато иш қилиб қўйганини

⁸² Лафасов Ў. Диалогик нутқда субъектив модалликнинг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1996. – Б. 22–27.

⁸³ Раупова Л.Р. Диалогик нутқнинг дискурсив талқини. – Тошкент:Фан, 2011. – Б. 23–24.

тушунган, лекин кеч бўлганини англаб етган қиз образи яратилган. Бу монологда *мана, яхши, оҳ, ие, йўқ* сўз-гаплари иштирок этган. Бу сўз-гаплар нутқ эгасининг ички кечинмалари, ҳис-туйғусини ифода этишга, шу билан бирга, бадий матннинг таъсир кучини оширишга хизмат қилган.

“Монолог диалогнинг бир қисми, суҳбат иштирокчисининг кенгайтирилган лўқмаси ҳисобланади. Диалог ҳосил бўлиши учун қабул қилинадиган нутқий стимулни кодсизлантириш, асосланган реакция билдириш, адекват стимул узатиш маҳорати талаб этилади; монолог учун эса айни мавзунинг мантиқий чизма асосида адекват очиш, ёйиш ва деталлаштириш учун шу мавзу ичидаги кичик мавзуларни қўя билиш маҳорати зарур бўлади”.⁸⁴

Маълумки, солилог ҳам, монолог ҳам ягона шахс томонидан ишлатиладиган нутқ шакли ҳисобланади, лекин иккисининг фарқи шундаки, монолог яқка шахснинг нутқи ҳисобланса-да, у бошқа шахсга ёки шахсларга қарата айтилади, солилок эса шахснинг ўзига қаратилган нутқи ҳисобланади. Муҳими, диалогик нутқда фаол ишлатиладиган сўз-гаплар ушбу нутқ кўринишларида ҳам бирдек иштирок этади.

Шуни айтиш жоизки, диалогик нутққа нисбатан монологик нутққа камроқ эътибор қаратилганлиги учун гўё уларда сўз-гапларнинг фаоллиги сезиларли даражада эмасдек. Инсон бирор нарсадан таъсирланганда, ҳайратланганда, таажжубланганда ёки кутилмаган вазиятлардан дили хуфтон бўлган ҳолатларда монологик нутққа мурожаат қилади. Бундай пайтда инсон ўз ҳис-туйғуларини яшира олмайди. Албатта, инсоннинг ички кечинмалари ифодасида, асосан, ундов сўзлар намоён бўлади. Қуйидаги матнга эътибор қаратамиз:

Ўлим шуми? У энди... турмайдими ўрнидан? Йўқ. Ҳеч қачон қўзғалмайди. Индамасангиз кунлаб ётаверади... Лекин индайсиз, қўзғатасиз.

⁸⁴ Насирова У.К. Касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг инглиз тилини ўқитишдаги нутқ компетенциясини ривожлантириш: Филол. бўй. фалс. фан. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 24 б.

Илло, унинг жойи энди – бошқа ерда... Вой, ўша ерга бориш учун шунча йил яшайдими одам?

Жуда жўн нарсa, а, ўлим?

Ҳе, Ботиржон, сенинг бошингни тутиб ҳасрат қиладиган Гамлет керак бўлди-да: О, Ёрик. Ёрик! Қани, сенинг кулгиларинг, Ёрик?... (Ш.Холмирзаев. Сайланма)

Ушбу матнда муаллифнинг машҳур санъаткор Б.Зокиров вафоти муносабати билан унинг тобути олдида айтган монологик нутқи акс этган. Бу нутқ таркибида *йўқ, илло, вой, а, ҳе, о* каби сўз-гаплар қўлланган бўлиб, нутқ эгасининг ички кечинмалари, ҳис-туйғусини намоён қилишга хизмат қилган.

Эътироф этиш жоизки, сўз-гаплар монологик нутққа қараганда диалогик дискурда анча фаоллиги билан ажралиб туради. Диалогик нутқда қўлланган сўз-гапларнинг эмоционаллик даражаси юқори. Айниқса, сўз-гапларнинг турли мимик ифодалар, ҳатти-ҳаракатлар билан бирга берилиши, ўзига хос оҳанг билан айтилиши диалогик нутққа янада таъсирчанлик руҳини бағишлайди. Бизнингча, диалогик дискурда учрайдиган сўз-гаплар таҳлилига кўпроқ эътибор қаратилишининг сабаби ҳам шундадир.

Диалогик нутқнинг ўзига хос белгиларидан яна бири шуки, унда интонациянинг турли кўринишлари учрайди. Интонация сўз-гапларнинг маъносини ўзгартириб юбориш хусусиятига эга. У орқали сўз-гапларнинг маъноси салбий ёки ижобий томонга ўзгариши мумкин. Масалан, Ў.Ҳошимов асарларида биргина *вой* ундови қуйидаги маъноларда ишлатилган:

1. ... *Олд томонига паранжи, орқасига мурсак ёпилган тобутни олиб чиқишганида ҳаммаёқ дилни ўртовчи фарёдга тўлиб кетди. Келинойи, Баҳри хола, Муаттар хола, аллақандай қизлар, келинлар чуввос солиб тобут кетидан югуришди.*

– *Вой онам!*

– *Рўшнолик кўрмаган онам!*

2. – Нима дединг? Вой, сенинг эрингни ужде опкелишдими? Яна битта койка тайёрлаб қўй, жоним! Эрта-индин меникиям бориб қолади-ёв...

3. У совуннинг биттасини Баҳри холага, биттасини Муаттар холага беради.

– Вой, мунчаям яхиш! – Муаттар хола «польский» совунни ҳузур қилиб ҳидлайди. Баҳри хола ҳам ҳидлаётганида Муаттар холадан дашном эшитади.

Кўриниб турибдики, биринчи мисолда *вой* ундови орқали онасидан айрилиб қолиб, тобути кетидан йиғлаётган фарзандларнинг ички кечинмалари акс этган, иккинчи ҳолатда ҳайрат, ажабланиш ифодаланган, учинчи мисолда эса ҳузурланиш, роҳатланиш маъноси юзага чиққан.

Инглиз тилида:

1. Ahhhhh. *They felt so good.* (A.Brashares. “The second summer of the sisterhood”). Бу мисолда *Ah* ундов сўзи роҳатланишни ифодалаган.

2. Ah, *now I understand*. Ушбу мисолда эса бирор ҳолатни тушуниб етганлик ифодаланган.

3. Ah, *but so many of them weren't, and was that a reason or only an excuse? Was it even true?* (Stephen King & Owen King. “Sleeping Beauties”). Аввалги айтилган фикрга қўшилишни истамаётганини билдиради.

4. Ah, *my dear. You've won!* Бу мисолда эса ҳайратни ифодалаган.

Хуллас, сўз-гаплар ҳам монологик, ҳам диалогик нутқда фаол қўлланилади. Монологик ва диалогик нутқда қўлланган сўз-гаплар нутқ эгаларининг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, воқеликка муносабати кабиларни акс эттиришга ҳизмат қилади.

1.4. Ўзбек ва инглиз тилларидаги сўз-гапларнинг умумий ва фарқли хусусиятлари

Қиёсий типология умумий типологиянинг бир қисми бўлиб, икки ва ундан ортиқ тилларни қиёсий ўрганиш билан шуғулланади. Тилларни қиёсий ўрганишда нечта тил қиёсланишидан қатъи назар аввал иккита тил танлаб олинади, кейин эса бошқа тиллар билан доира кенгайтириб борилиши мумкин.

Типологик метод қиёсий-тарихий методни кучайтириш ва тўлдириш учун хизмат қилади, уларни керакли фактлар билан қайта қуроллантиради. Қиёсий-тарихий метод бир оиллага кирувчи тилларни қиёсласа, типологик метод турли оилалар ва системаларга хос бўлган тилларни қиёсий ўрганади. Хорижий тилларни ўрганиш жараёнида ундаги фонологик, грамматик ва стилистик хусусиятларни она тили билан чоғиштириш *қиёсий-типологик метод* деб аталади⁸⁵.

Тил системаларини қиёслаш тилнинг кичик системаларини (small systems) қиёслаш натижасида юзага келади⁸⁶. Демак, мана шу кичик системаларни қиёсий ўрганиш билан тилнинг умумий хусусиятларини аниқлаб олиш мумкин бўлади.

Ўзбек ва инглиз тилларидаги сўз-гапларни қиёсан ўрганиш тадқиқталаб масалалардан биридир. Муаммонинг бу тарзда қўйилиши ўзбек ва инглиз тилларининг типологик хусусиятларини ойдинлаштиришга хизмат қилади. Ҳар қайси тилда сўз-гаплар алоҳида тизим бўлиб, ундан бир қанча бирликлар ўрин олади. Бу лисоний тизим ҳам бошқа семантик майдонлар каби марказ ва қуршов бирликларидан ташкил топади. Қиёсланаётган тилларнинг сўз-гаплар тизимини, бу тизимдан жой олган тил бирликларининг миқдори ва ўрнини белгилаш алоҳида аҳамият касб этади.

Муаммонинг чоғиштира-типологик аспектда ўрганилиши ҳар икки тилга хос типологик ҳамда тиллараро фарқли жиҳатларни очиб беради ва

⁸⁵ Умархўжаев М.Э. Умумий тилшунослик. – Андижон, 2010. – Б. 67.

⁸⁶ Бўронов Ж.Б. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Тошкент, 1973. – Б. 76.

қиёсланаётган тилларнинг структур-семантик, социопрагматик, лингвокультурологик хусусиятлари ҳақида муайян тасаввур уйғотади.

Сўз-гап тушунчаси ҳар икки тилларда ўхшашлик ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ўзига хослиги ўзбек тилшунослигида кенг камровли “сўз-гап” термини билан берилади ва 4 та турга бўлинади. Инглиз тилшунослигида эса булар яхлит ҳолатда “ундовлар” (Interjections) деб юритилади. Биз сўз-гапларни инглиз тилида *Interjection phrases*, яъни *ундов бирликлар* деб номладик. Чунки ундов бирликлар тизимига нафақат ундов сўзлар, балки ўзбек тилида берилаётган *модал сўзлар, таклиф-хитоб* ва *тасдиқ-инкор* сўзлар ҳам бирикади.

Сўз-гап категорияси миллий маданиятни ўзида акс эттирувчи турли тизимли тилларда ўхшаш ва фарқли томонлари билан ажралиб туради. Сўз-гап ифодасидаги фарқли жиҳатлар тилнинг миллий-маданий (лингвокультурологик) хусусиятлари билан белгиланади.

Сўз-гапларни ишлатиш орқали нутқ эгаси, яъни адресант ўз даражаси, хоҳиш-истаги, мақсадини билдиради, адресат ҳам ўз мавқеидан келиб чиқиб унга жавоб қайтаради. Жумладан, ҳар икки тилда *рухсат, розилик*ни билдирувчи ундовлар жавоб репликаларида турлича лингвомаданий сўз ва ибораларда ўз аксини турлича топади. Масалан:

– *Энди тўйни қовун пишигида қиламиз.*

– *Иншооллоҳ, – деди Исломбей ўйчан.* (Т.Малик)

Ушбу матнда қўлланган *Иншооллоҳ* гарчи тўлиқ розилик ифодасини бермаса-да, яхши ният қилинган ҳолда «*Худо хоҳласа*», «*Оллоҳ рози бўлса*» деган маънони англатади. Бундай ифодалар, тўлиқ розилик билдириш ҳолатидан фарқли ўлароқ, *Худо хоҳласа, Оллоҳ рози бўлса, насиб қилса* маъноларини билдиради ва ўзбеклар нутқида кенг учрайди.

Иншооллоҳ сўзини инглиз тилига таржима қилганда эга-кесимдан иборат бўлган тобе гап – *if God wills(it)* га айланади ва сўз-гап ҳолатини йўқотади. Лекин ўзбек ёки араб тилидан бадий асарларни инглиз тилига таржима қилаётганда бу қўлланиш *Insha Allah* тарзида берилади. Чунки бу

ибора мусулмонлар томонидан кенг ишлатилиши боис, қайси тилда бўлмасин, шу тарзда берилади. Лекин изланишларимиз давомида мусулмон бўлмаган халқлар, шу жумладан, инглизларнинг ҳам нутқида ҳам баъзан унинг қўлланилишига гувоҳ бўлдик. Уилям Шекспирнинг “Ромео ва Жулетта” пьесасидаги 6-сахна кўринишида Лаврентийнинг нутқидаги жумлаларга ва унинг ўзбек тилидаги таржимасига эътибор берамиз:

Friar Laurence: So smile the heavens upon this holy act,

That after hours with sorrow chide us not! (W.Shakespeare. “Romeo and Juliet”)

Лаврентий: Иншоолоҳ, никоҳ бўлгай тангрига маъқул,

Иншооллоҳ, оқибати беозор бўлгай! (У.Шекспир. Танланган асарлар)

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек ва инглиз тилларида илтимос ва ўтинчни ифода этишда махсус сўзлар ва модал сўз шакллари билан бир қаторда оҳанг ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, ўзбек тилида *илтимо-о-ос*, инглиз тилида *ple-e-ease* тарзидаги қўлланишлар кўп учрайди. Айнан оҳангнинг интенсивлиги, бир томондан, илтимосни ифодаловчи ундов сўзга ўтинч тусини киритади ёки суҳбатдошни маълум бир фаолиятга ундашни кучайтиради, иккинчи томондан, адресантнинг адресатга муносабати, унинг нутқ маданияти ва миллий қадриятларини намоён қилади. Ҳар икки тилда ҳам мулойимлик, юмшоқлик ва меҳр билан ифода этилган фикрлар тингловчига ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, инглиз тилида: *Tell me about it, ple-e-ease!*

Ўзбек халқи таклифни ифода этиш учун сўз-гапларнинг таклиф-хитоб туридан унумли фойдаланишади. Бунда таклифни ифодалаш учун махсус сўзлар, яъни *марҳамат*, *қани-қани* кабилар билан бир қаторда *келинг-келинг* феъл шакли кўп қўлланилади. Инглиз тилида эса бу сўзларнинг ўрнида *please* сўзи ишлатилади. Қиёсланилаётган тилларда таклиф-ишора сўз-гапларининг қўлланишидаги фарқлар таклиф ифодалашнинг миллий-маданий хусусиятлари билан боғлиқ. Масалан, сўз-гапларнинг киноя орқали ҳам

берилишини ўзбек сўзлашув нутқида кузатиш мумкин. Инглиз тилида эса бундай ҳолат деярли кузатилмайди.

Нутқ жараёнида билдирилган илтимос, ўтинч ва таклиф кабиларнинг адресат томонидан қай даражада бажарилиши олдиндан аниқ бўлмайди, албатта. Бу вазиятда мулоқотнинг самарадорлиги адресант томонидан адресатни қандай йўналтира олганлигига бевосита боғлиқ бўлади⁸⁷. Масалан:

1. *Қизга ёнма-ён келгач, машинага тормоз бердим, бунчалик журъат қаердан пайдо бўлди менда, ўзим ҳам билмайман, ўриндикда ўтирган еримда ёнбошлаганча абжирлик билан кабина эшигини шартта очдим-да:*

– *Марҳамат!* – деб эҳтиром билан қўл узатдим. *Қиз тўхтамади. «Ана холос!»* – дея бошимни қаший бошладим. *Бояги жасорат ва эҳтиромдан асар ҳам қолмаганди. Мен унга яна етиб олдим. Бу гал узр сўраб, илтимос қила бошладим:*

– *Хафа бўлманг. Мен, ахир, шунчаки... Ўтиринг. Аммо қиз лом-мим демади (Ч.Айтматов. “Сарвқомат дилбарим”)*

2. *Буфетчидан тарелка сўраб, унга солди ва қошиқ билан қизнинг олдига қўйди.*

– *Раҳмат,* – деди.

– *Марҳамат, олинг!*

Қиз қошиқни олди, ея бошлади ва:

– *Кечирасиз, бу мороженое кимга олинган эди? – деб сўради (Ш.Холмирзаев. Сайланма)*

3. *Кимлардир:*

– *Йўқ, ундай эмас... – дейишди. Энди Исмат уларни босди:*

– *Охиригача эшитинглар. Илтимос, огажонлар... Буюм бир нарсани билар... (Ш.Холмирзаев. Сайланма)*

4. – *Паспортсиз бермаймиз, – деди қиз.*

– *Илтимос, жуда зарур хат эди. Ҳозир ўзим Қўқонга кетаман.*

⁸⁷ Мўминова А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларида ундашни ифодаловчи тил бирликларининг лингвوماданий хусусиятлари: Филол. бўй. фалс. фан. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 22 б.

– *Ўзингиз борар экансиз, хатни нима қиласиз?* (Ў. Умарбеков. “Одам бўлиш қийин”)

Мисоллар таҳлилидан маълум бўладики, сўз-гаплар милатнинг миллий-маданий қарашлари, менталитети кабилар ҳақида маълумот бера олади. Қуйида сўз-гапларнинг ҳар икки тилда маъно ва структура жиҳатидан ишлатилишига ҳам эътибор қаратамиз.

Ҳар икки тилда ҳам сўз-гаплар, жумладан, ундовлар, асосан, севиш, нафратланиш, ҳайратланиш, ажабланиш каби ҳис-туйғуларни ифодалаш ёки бирор ҳолатни бўрттириш учун ишлатилиши аниқланди. Улар ҳар икки тилда ҳам ёлғиз ёки гап таркибида келиши мумкин. Сўз-гаплар гап таркибида келганда гап бошида, ўртасида ва охирида кела олади ва вергул билан ажратилиб ёзилади. Шунингдек, улар турли ҳолатларда ҳар хил оҳангда айтилади. Масалан, инглиз тилида *ah* ундовининг нутқда қуйидаги маъноларни ифодалаб келиши учрайди:

1. *Ah, I see your point* (*Аҳа, сизни тушундим*) – бирор нарсанинг фаҳмлаб қолинганлиги.
2. *Ah, that smells good* (*Оҳ, жудаям ҳушбўй экан*) – роҳатланиш, хузурланиш.
3. *Ah, it hurt* (*Ай, оғриб кетди*) – оғриқли ҳолат.
4. *Ah, you're early. Come in, let's chat* (*Ие, эрта келибсиз-ку. Келинг озгина гаплашиб ўтирамиз*) – кутилмаган ҳолат, ажабланиш.

Инглиз тилида *huh* ундовининг ҳам турли мазмуний муносабатларни ифода этишда қўлланилиши кузатилади:

– *Today we are going to learn some words. – Huh?* (– Бугун сизлар билан баъзи сўзларни ўрганамиз. – *A*, нима?) – тушунилмаганликнинг ифодаланиши, “*Нима дедингиз? Нима дегани у?* маъносида)

– *Huh. That's strange. (Ха. Бу ғалати)* – ҳайратнинг юмшоқроқ ифодаланилиши ҳолати.

Агар *huh* ундови гап охирида келса, нутқ эгаси суҳбатдошининг фикрига қўшилишини хоҳлаётганини акс эттиради: – *They did a pretty good job, huh?* (*Улар жудаям яхши иш қилишди - а?*)

Мисоллардан кўриниб турибдики, инглиз тилида баъзи ундов сўзлар талаффузи жихатидан ўзбек тилидаги ундовларга яқин. *Ah* ундовини ўзбек тилида ҳам *аҳ* ҳолатида бериш мумкин. Масалан:

Aaah, I cut myself. Aaah, қўлимни кесиб олдим.

Hey, ha ундовлари ҳам ўзгармаслиги мумкин: *Hey, you! Look at me, please! Хей, сиз, менга қараб юборинг, илтимос! На!*

I told you they would get here first. Xaa! Айтгандим-ку, улар бу ерга биринчи бўлиб келадилар деб.

Берилган мисолларда қўлланган ундов сўзлар якка сўз ёки иборалардан иборат бўлиб, асосан, ҳис-туйғуни ифодалаб келган. Энди уларнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги алоҳида ўзига хос турларини кўриб чиқамиз.

Инглиз тилида саломлашув ундовлари *hey, hello, hi* кабилар бўлиб, саломлашилаётган шахсга илиқлик ҳис-туйғусини билдириш учун ишлатилади ва ўзбек тилидаги *салом, ҳой, ҳей* каби ундовларига тўғри келади. Масалан:

– *Hey! Nice to see you here in the party.* (– *Хей! Сизни базмда кўрганимдан хурсандман*).

– *Hello! I am Rooja.* (– *Салом! Мен Пужаман*)

– *Hi, John, how are you?* (– *Салом, Жон, яхшимисан?*)

Хурсандчилик ундовлари *hurrah, wow, hurray* кабилар бўлиб, бирор хабардан хурсанд бўлиб кетганликни ифодалаш учун қўлланилади. Бу ундовлар ўзбек тилидаги *ура, ўхў, вуй, ўйў* кабиларга тўғри келади. Масалан:

– *Wow! You're looking gorgeou.* (– *Ўхў! Кўринишинг жуда зўр-ку!*)

– *Hurray! We successfully won this football match.* (– *Уппраа! Биз бу футбол мусобақасида галаба қозондик*)

Маъқуллаш ундовлари *well done, bravo, brilliant* кабилар бўлиб, бирор ҳаракатни маъқуллаш ёки фикр-мулоҳазага қўшилиш туйғусини ифодалайди.

Бундай ундовлар ўзбек тилидаги *офарин*, *балли*, *баракалла*, *яшанг*, *зўр сўзларига* тўғри келади:

– *Well done! You win the race.* (– *Баракалла! Сиз ютдингиз*)

– *Bravo! The first rank is yours.* (– *Офарин! Биринчи поғона сизники!*)

Диққат-этибор қаратишни ифода этувчи ундовлар (баъзилари феъллардан ташкил топган) *look*, *hush*, *behold* кабилар бўлиб, бирор кишининг диққат-этиборини жалб қилишда ишлатилади:

– *Look! You so arrogant.* (– *Қарая! Жуда кеккайгансан*)

– *Hush! She is coming.* (– *Жим* (– *Тини*)! *У келяпти*)

– *Behold! Someone strange is there.* (– *Қара! У ерда бегона одам боракан*)

Хайратланиш, ажабланиш ундовлари *ha*, *what*, *hey*, *ah*, *oh*, *eh* кабилардир. Улар ўзбек тилидаги *ўйў*, *ааа*, *нима*, *эээ*, *эхэ*, *воҳ* ундовларига тўғри келиб, кучли хайратланиш туйғусини ифодалайди. Масалан:

– *Oh! Really you completed the task, I can't believe.* (– *Ўйўй! Вазифани ростдан тугатдингми-а, ишонгим келмаяпти*)

Ачиниш ундовлари *alas*, *ouch*, *ah*, *oh* кабилар бўлиб, ўзбек тилидаги *афсус*, *аттанг*, *эх*, *оҳ* кабиларга тўғри келади ва нутқ эгаларининг афсус-надомати, ачинганлиги, хафа эканлиги каби туйғуларини ифода этиб келади:

– *Alas! He is no more.* (– *Афсус! У энди йўқ*)

– *Ouch! It's very raining.* (– *Оох! Бу жуда аламли*)

Aha ундови нутқ эгасининг бирор нарсани тўсатдан англаб етганлиги, ачиниши, ғамгинлиги, хайрати кабиларни ифодалайди:

– *Aha, so you were the one who phoned me!* – *Хаа, менга қўнғироқ қилган сиз экансиз-да!*

– *Aha! So you took the money!* – *Ха аттанг! Шундай қилиб пулни сен олибсан-да!*

– *Aha! You have finished it!* – *Ўхўй! Ишни тугатибсан-да!*

Айрим пайтларда бир ундов сўз ҳар хил эмоцияни билдириши мумкин. Бунда ўша сўз оҳанг жиҳатидан фарқланади. Масалан, инглиз тилида *ah* ундовидаги *a* товушига урғу берилиб, чўзиб айтилса, кўрқув ҳисси ифодаланади. Ўзбек тилида эса бу ҳолат *войдоод*, *aaa(х)* ундовлари билан ифодаланади. Масалан:

– *Aaah! The monster's got me (Войдоод! Мени маҳлуқ ушлаб олди)*

Агар бу ундов сўзда *h* товушига урғу берилса, сўзловчининг бирор нарсани фаҳмлагани, тушуниб етгани ёки бирор нарсани қабул қилиши ифодаланади. Ўзбек тилида бу ҳиссиёт *эҳаа* сўзи билан берилади. Қиёсланг:

– *Ahh, now I see what you mean (– Эҳа, сен нимани ўйлаётганингни энди билдим)*

Инглиз тилидаги “*Wow*” ундов сўзи ижобий ёки салбий ҳолатлардан кучли ҳайратланишда ишлатиладиган эмоционал сўз ҳисобланади. Бу ундов ўзбек тилидаги “*Вуй*”, “*ЎЎЎ*”, “*Ўҳў*” ёки “*Вой*” ундовларига тўғри келади. Масалан:

– *Wow! How a nice dress! – Вуй! Қандай чиройли кўйлак! (ижобий муносабат).*

– *My husband was just fired from his job. – Wow, I'm sorry to hear that.*

– *Турмуш ўртоғимни ишдан бўшатишибди. – Воой, эссизгина (салбий муносабат)*

Лекин ҳозирда кўпроқ ўзбек ёшлари нутқида ижобий ҳиссий муносабатни ифодалашда “*Вау*” ундовининг таржима қилинмай шу ҳолатида ишлатилаётганлиги кузатилмоқда. Масалан, *Wow! It's great. (Вау! Зўр-ку!)*

Ҳар икки тилда шундай ундовлар борки, улар сўзловчининг бирор нарсани ўйлаётганини билдириш учун ишлатилади. Бу ундовлар, асосан, коммуникант нима дейишини билмай иккиланиб турган ҳолатларда қўлланилади. Бундай ундовлар *иккиланиш* ундовлари дейилади. Масалан:

а) *Uh (Уфф)* ундови паузани билдиради: – *Wait I know this ... uh... is it France? – Тўхта, мен буни биламан... Уфф... Бу Франциямиди? Нмм (Ҳмм, Хўйи);*

б) нутқ эгасининг бирор нарсани ўйлаётганини, иккиланаётганини билдиради ёки нима дейишни билмай қолган ҳолатини акс эттиришда қўлланилади: – *Hmm, I'm not sure this dress is for you.* – Хмм, менимча, бу қўйлак сен учун эмас. *Er* (а, э-э);

в) нутқ эгаси бирор кимсанинг гапига шубҳа билан қараганда, унга ишонмаганда қўллайди: – *I don't know ... er ... I'll just ask him.* – Билмасам, ... эээ ... ҳозир ундан сўраб кўраман. *Um* (ҳмм). – *I don't believe you but, um, you say it's a ghost?* – Мен сенга ишонмайман, лекин, ҳмм, уни арвоҳ дедингми?

Ҳиссий муносабатларни ифодалашда турли тилларда қўлланувчи нутқий этикет шакллари ҳам муҳим ўрин тутди. “Нутқий этикет индивидуал маданият, қадриятларга кўра англашилувчи тушунчадир. Инсонда нутқий этикет атроф муҳит, оила ва жамиятдаги вазият ҳамда бошқа омиллар таъсирида болаликдан шакллана боради. Турли миллатларда нутқий этикет шу миллатнинг ўзига хосликларидан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиши табиий”.⁸⁸ Масалан, ўзбек тилида *Ассалому аллайкум! Салом! Ҳуш келибсиз!*; инглиз тилида *Hallo! Good morning! You are welcome!* каби этикет ундовлари мавжуд. Бундай ҳиссий этикет кўринишлари вазифа жиҳатидан ўхшаса ҳам, конкрет маънолари ва структурасига кўра ўзаро фарқ қилади.

Хуллас, инглиз ва ўзбек тилларида сўз-гаплар, жумладан, ундовлар нутқ эгаларининг ҳиссий муносабатлари, асосан, шодлиги, қувончи, ҳайрати, нафрати кабиларни ифодалашга хизмат қилади. Бундай ундовлар турли халқларнинг миллий-маданий қарашлари, дунёқараши, менталитети кабиларни акс эттиришига кўра бир-биридан фарқ қилади.

⁸⁸ Турдиева Ҳ.К. Нутқий этикет бирликларининг лингвопрагматик тадқиқи (форс ва ўзбек тилларидаги материаллар асосида): Филол.фан.бўйича фалс.д-ри (PhD) дисс. – Тошкент, 2020. – Б.13;

Боб бўйича хулосалар

Ўзбек тилшунослигида шу кунга қадар сўз-гаплар “Бўлақларга ажратилмайдиган гаплар”, “Тўлиқсиз гаплар”, “Ундовлар” ва “Семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар” терминлари билан аталиб, турли йўналишларда ўрганилган. Сўз-гапларнинг функциядошлиги тилшуносларнинг бу ҳодисага турлича ёндашувига сабаб бўлган.

Инглиз тилшунослигида *сўз-гап* термини учрамайди, ўзбек тилидаги сўз-гаплар таркибига кирувчи бирликлар инглиз тилида *ундовлар* термини остида ўрганилган. Инглиз тилида ундовлар PI (Primary Interjection) ва SI (Secondary Interjection) турларига бўлиб ўрганилган.

Ўзбек тилида ундовлар, модал сўзлар, тасдиқ-инкор сўзлар ва таклиф-ишора сўзлар “*семантик функционал шаклланган сўз-гаплар*” атамаси остида бирлашса, инглиз тилида эса “*ундов сўзлар*” деб юритилади.

Тадқиқ қилинаётган ҳар икки тилда ҳам сўз-гаплар (инглиз тилида ундовлар)нинг монологик нутққа қараганда диалогик дискурда жуда фаоллиги кузатилди. Сўз-гапларнинг эмоцияга бойлиги, ранг-баранглиги, мимик ҳаракатлар билан боғлиқлиги, нутқий вазият, тил эгаларининг миллий-маданий қадриятлари билан алоқадорлиги диалогик нутқнинг ўзига хослигини таъминлайди.

Ўзбек ва инглиз тилларида сўз-гаплар ўзига хос тизимни ташкил қилади. Бу тизимдан жой олган бирликлар сон жиҳатидан у қадар кўп бўлмаса-да, коммуникатив-прагматик жиҳатдан жуда фаол бирликлардир. Сўз-гапларни қиёсий аспектда ўрганиш ўзбек ва инглиз тилларининг типологик хусусиятларини ойдинлаштиришга хизмат қилади.

Сўз-гапларни қиёсий-типологик аспектда ўрганиш ҳар икки тилга хос типологик ва тиллараро фарқли жиҳатларни очиқ беради, қиёсланаётган тилларнинг структур-семантик, социопрагматик, лингвокультурологик хусусиятлари ҳақида муайян тасаввурлар уйғотади.

Қиёсланаётган тиллардаги айрим ундов сўзлар вазифаси ва талаффузи жихатдан ўхшаш. Бу ўхшашлик асосан ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи бирликлар орасида учрайди.

II БОБ. ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА СЎЗ-ГАПЛАРНИНГ СОЦИАЛ ХОСЛАНИШИ

2.1. Сўз-гапларнинг гендер жиҳатдан хосланиши

Ўтган асрнинг охиридан бошлаб дунё тилшунослигига тил бирликларини антропоцентрик аспектда тадқиқ этиш тамойили кириб келгач, ўзбек тилшунослигида ҳам бу йўналишда қатор ишлар амалга оширила бошланди. Кейинги йилларда тилшунослигимизда тил бирликларини социолингвистик аспектда тадқиқ этишга жиддий эътибор қаратилди ва бу соҳада кўплаб ютуқларга эришилди.⁸⁹ Шундай бўлишига қарамай, айнан сўз-гапларнинг социал хосланиши ва уларни қиёсий ўрганиш олдимизда турган муаммолардан бири саналади. Ишимизнинг ушбу бобида ўзбек ва инглиз тилларидаги сўз-гапларнинг социал хосланиши хусусида сўз юритамиз.

Тил кишилиқ жамиятида узоқ давом этган тарихий тараққиёт жараёнида яратилган барча маданий ва илмий бойликларни сақлайдиган ва авлоддан – авлодга етказиб берадиган асосий восита бўлиб хизмат қилади⁹⁰. Профессор Н.Маҳмудов таъкидлаганидек, “...тил ва жамият муносабатларини тадқиқ этувчи социолингвистика йўналиши бугун дунё тилшунослигида энг устувор йўналишлардан бири сифатида тараққий топиб бораётганига қарамасдан, бизнинг тилшунослигимизда социолингвистик тадқиқотлар ҳали кўлам касб этиб улгурганича йўқ”⁹¹.

⁸⁹ Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 1993; Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2000; Расулов Қ. Ўзбек мулоқот ҳулқининг функционал хосланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008; Сулаймонов. М. Ўзбек тилидаги дастхатларнинг социолингвистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009; Қурбонова М.А. Ўзбек болалар лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009; Раупова Л. Диалогик дискурдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2012; Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек нутқ маданияти риторик аспектининг чоғиштира тадқиқи: Филол. фан. д-ри (DSc)... дисс. – Тошкент, 2017; Раҳимов Ғ.Х. Инглиз тилининг Ўзбекистонда тарқалиши (социолингвистик ва прагматик жиҳатлари): Филол. фан. д-ри (DSc) ... дисс. – Тошкент, 2018; Йўлдашева Х. Қ. Ўзбек тарихий романларининг социолингвистик тадқиқи: Филол. фан. бўй. фалс. д-ри (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2017.

⁹⁰ ШариповаЎ., Йўлдошев И. Тилшунослик асослари. – Тошкент, 2016. – Б. 80.

⁹¹ Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослигининг бугунги муаммолари // “Ўзбек тилшунослиги: тараққиёти ва истикболлари” мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2016. – Б.156.

Дарҳақиқат, олимнинг фикрлари жуда ўринли. Айниқса, “социоллингвистлар олдида жонли сўзлашув нутқини ўрганиш муаммоси турибди. Жонли сўзлашув нутқининг шеваларда хосланиши, ёшлар нутқининг ўзига хос томонлари ечимини кутаётган масалалардан биридир”⁹². Шу ўринда айтиш жоизки, сўз-гапларни социоллингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш, бундай бирликларни эркак ва аёллар, болалар, ёшлар ва кексалар нутқига хослигини ўрганиш, шунингдек, бошқа тиллар билан қиёслаш масалалари ҳам алоҳида тадқиқотларни талаб қилади. Қуйида ўзбек ва инглиз тилидаги сўз-гапларнинг гендер жиҳатдан хосланиши масаласини ёритамиз.

Дунё тилшунослигида ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб тил бирликларининг гендерологик хусусиятларини ўрганишга қизиқиш янада кучайди, гендер лингвистикасининг замонавий тилшуносликнинг алоҳида йўналиши сифатида шаклланиши ҳам худди шу даврга тўғри келди.

Ғарб тилшунослигида бугунги кунга келиб гендер лингвистикаси соҳасида бир қанча ишлар амалга оширилган⁹³. Бу ишларда *гендер* терминига турлича ёндашувлар, талқинлар кузатилади. Жумладан, Г.Брандтнинг қайд этишича, “гендер маданият таъсири остида бўладиган, маънавий жиҳатдан аёл ва эркакларнинг нутқий, хулқ-атворий томонларини баҳолай оладиган хусусиятлар мажмуидир”⁹⁴. Демак, *гендер* концепти нафақат биологик жиҳатдан фарқланишни, ўз навбатида, жинсларнинг нутқи, дунёқараши, одоб-ахлоқи, кийиниши, феъл-атвори, юриш-туриши, оиладаги мавқелари жиҳатидан тафовутларни ҳам қамраб олади. Х.Б.Самигова бу ҳақда қуйидагиларни ёзган эди: “Биз мазкур терминни эркак ва аёлларга хос бўлган

⁹² Ёўлдашева Х.Қ. Кўрсатилган тадқиқот. – Б.20.

⁹³ Jespersen O. The Woman. In Cameron, Deborah (ed) // The Feminist Critique of Language. – London: Routledge, 1990. – P. 225-241; Gray J. Men are from Mars, women are from Venus: A practical guide for improving communication and getting what you want in your relationship. – New York: Harper Collins Publishers, 1992; Брандт Г.А. Природа женщины как проблема: концепция феминизма // Общественные науки и современность. – Москва, 1998. – №2. – С.167-189; Lakoff R.T. Language and a Woman's Place. In Bucholtz, Mary (ed) // Language and a Woman's Place. – New York: Oxford University Press, 2004. – P. 39-76.

⁹⁴ Брандт Г.А. Кўрсатилган манба. – Б. 167-189.

дунёқараш, маданият, одобнинг уларнинг нутқи ҳамда тилидаги акси ва ифодасидир, деб талқин қиламиз”⁹⁵.

Маълумки, ҳар бир жамиятда икки жинс ўртасида ўзига хос ахлоқ меъёрлари мавжуд бўлиб, “ана шундай ахлоқ меъёрлари ичида мулоқот хулқи масаласи марказий масалалардан бири бўлганлиги боис гендерологик муаммоларни лингвистик аспектда ўрганиш зарурати туғилди ва гендролингвистика ана шу зарурат туфайли алоҳида бир соҳа сифатида пайдо бўлди”⁹⁶.

Инсониятнинг узоқ йиллик эволюцияси жараёнида бу икки қарама-қарши жинс ўзига хос бўлган умумийлик ҳамда фарқларга эга бўлиб борди. Натижада аёл ва эркакни бир-биридан фарқловчи ва умумлаштирувчи хусусиятлар тизими шаклланди. Гендер эркаклар ва аёллар айнанлиги ва хулқ-атворидаги тафовутни назарда тутди.⁹⁷

Тил ва гендер – фанлараро тадқиқотлар соҳаси бўлиб, гендер, гендер муносабатлари ва гендер амалиётлари нуқтаи назаридан нутқнинг турли шакллари (ва оз даражада ёзишни) ўрганади.⁹⁸

Ўтган асрнинг 70-йилларида гендер лингвистикаси соҳасида изланишлар олиб борган тадқиқотчилар орасида Калифорния университетининг профессори Р.Лакофф ҳам бўлиб, унинг изланишлари натижасининг маҳсули бўлган “Language and Woman’s Place” китоби алоҳида эътибор қозонди. Тилшунос ушбу китобини тил, аёл ва унинг жамиятдаги ўрни масаласига бағишлаган. Бундан ташқари, олим нафақат эркак ва аёллар нутқида хос бўлган хусусиятларни ёритиб берган, балки ёш болаларда ҳам нутқнинг жинс жиҳатдан фарқланиши масаласини ўрганган. У аёлларнинг эркакларга қараганда тасдиқловчи сўроқ гаплардан, ундов ва

⁹⁵ Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек нутқ маданияти риторик аспектининг чоғиштирма тадқиқи: Филол. фан. д-ри (DSc) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 30 б.

⁹⁶ Қурбонова М.М. Гендролингвистик тадқиқ янги парадигма сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти, – Тошкент, 2014. – № 2. – Б. 43.

⁹⁷ Islomjonova X.I., Annazarova T.D. Paralingvistik vositalarning gender xususiyatiga oid lingvopragmatik tahlil. “Фан ва таълим масалалари” илмий электрон журнали. №4, 2018. – Б.7.

⁹⁸ Абдурашитова Э.Т. Инглиз тилидаги аёл нутқининг стереотиплари // Сўз санъати, №6 (2019). – Тошкент. – Б.6.

эркалаш сўзларидан кенг фойдаланишини таъкидлаб ўтган⁹⁹. Масалан, инглиз аёллари нутқида қуйидаги типдаги тасдиқловчи сўроқ гаплар кўп учрайди: *Sure is hot here, isn't it?* (*Бу ер иссиқ экан, а?*)

Бу хусусият ўзбек аёллари нутқида ҳам хос. Тасдиқловчи сўроқлар аёллар нутқида турли мақсадларда ишлатилади. Масалан, аёллар турмуш ўртоғидан бирор нарсани илтимос қилишда кўпинча шу типдаги сўроқ гаплардан фойдаланишади: – *Дадаси, битта бриллиант кўзли узук кўрдим, олиб беринг. – Олиб берасиз, а?*

Ҳар икки миллат аёллари нутқида панд-насиҳатни билдирувчи жумлалар кўп учрайди. Шу асосида аёллар нутқий таъсирчанликка эришадилар. Бу жиҳат, айниқса, ўзбек аёллари нутқида тез-тез учрайди. Улар панд-насиҳатларини кўпинча узун жумлалар шаклида баён этадилар, ривоятлар, ҳадислардан олинган мисоллар орқали ўз мулоҳазаларини билдирадилар. Инглиз аёллари эса жумлаларни қисқа тузиб, фикрни лўнда ифода этадилар¹⁰⁰.

Эркаклар ва аёллар нутқида сўз-гапларнинг ишлатилишида ҳам айрим тафовутлар кузатилади. Д.С. О'Коннел ўз кузатишлари асосида шуни маълум қиладики, Америка инглиз тили, Британия инглиз тили ва немис тилида олиб борилган телекўрсатувларда аёллар эркакларга қараганда ундов сўзлар ва тасдиқ сўроқ гапларни кўпроқ ишлатишар экан¹⁰¹.

Т.Ҳаяси турк фильмларида эр ва хотин ўртасида кечган суҳбатларни таҳлил қилиб, рафиқалар нутқида эрига нисбатан мурожаат шакллари ва ундов сўзларнинг нисбатан кўп қўлланишини аниқлаган¹⁰². П.Кокелмен ҳам кузатишларига асосланиб, қизиқарли маълумотларни келтириб ўтган. Унинг қайд этишича, Квекчи Мая аёллари эркакларга қараганда ундов сўзларни кутилгандан ҳам кўпроқ ишлатишар экан. Айниқса, улар *Ay, ay dios*

⁹⁹ Lakoff R.T. Language and Woman's Place. – New York: Harper and Row, 1975. – P. 48-49.

¹⁰⁰ Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек нутқ маданияти риторик аспектининг ҳошиштирма тадқиқи: Филол. фан. д-ри (DS) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 30 б.

¹⁰¹ O'Connell D.C., Kowal S. & Dill E.J III. Dialogicality in TV news interviews // Journal of Pragmatics. – Netherlands, 2004. – P. 185-205.

¹⁰² Hayasi T. Gender differences in Modern Turkish Discourse // International Journal of the Sociology of Language. – Walter de Gruyter, Berlin / New York | 1998. – P. 117-126.

(*Худойим, вой, Худойим*) жумласини кўп қўллашар экан¹⁰³. Бу маълумотлар Ф.Амеканинг бобнинг аввалги бандида таҳлил этилган мақоласида ҳам қайд этилган¹⁰⁴.

Машҳур немис олими В.Гумбольдт тилда миллат руҳининг акс этиши масаласи ҳақида фикр юритар экан, миллатнинг характери ахлоқ-одоби, хатти-ҳаракатларидан кўра тилига қараб осонлик билан билиб олиш мумкинлиги ҳақида гапирган эди. Унинг “Тил – миллат кўзгусидир” деган оқилона фикри бежис илгари сурилмаган¹⁰⁵. Дарҳақиқат, тил инсоннинг жинси, ёши, касб-кори, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, нафақат унинг ўй-фикрларини, балки ички олами, дунёқараши, миллий-маданий қарашларини намоёни қилувчи қудратли воситадир.

Миллий маънавият, уни рўёбга чиқаришида муҳим ўрин тутадиган тил маданияти ва нутқ маънавиятининг ўзига хос хусусиятлари инсонларнинг лисоний когнитив фаолиятида ўз аксини топади. Масалан, стол устидаги бирор нарсани ерга тушиб кетишидаги эмоционал ҳолатни инглиз аёли “*Oops*”, немис аёли “*Mein Gott!*”, рус аёли “*Боже мой*” ўзбек аёли эса “*Вой, ўлай*” тарзида ифодалайди.¹⁰⁶ Келтирган ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, биргина эмоционал ҳолат турли халқларда турлича ифодалади.

Шуни айтиш мумкинки, эркак ва аёлларнинг нутқига умумий таъриф берилганда, эркакларнинг нутқи дағал, аёлларнинг нутқи эса юмшоқ, мулойим бўлиши ҳақида фикр юритишади. Шу жумладан, ўзбек аёллари ва эркаклари ўртасида ҳам бу фарқ яққол билиниб туради. Аёлларнинг нутқи ундов сўзларга бой, уларнинг нутқий калималарида олқиш ва эркалаш сўзлари билан бир қаторда қарғиш сўзлари ҳам фаол иштирок этиши нутқининг ранг-баранглигини, эмоционал бўёқдорлигини кўрсатиб туради.

¹⁰³ Kockelman P. The meanings of interjections in Q’eqchi’ Maya: From emotive reaction to social and discursive action // *Current Anthropology*, 2003. – P. 467-490.

¹⁰⁴ Ameka F. Interjections. *Handbook of Pragmatics* // <https://www.researchgate.net/publication/289752120>. 2006.

¹⁰⁵ Гумбольдт В. Язык и философия культуры. – Москва: Наука, 1985.

¹⁰⁶ Аҳмедова О.А. Лингвокультурология тилнинг маданий феномени сифатида // *Хорижий филология*. –2019.– № 2.– Б.102.

Табиийки, турли миллат аёллари нутқида қўлланувчи олқиш ва қарғиш сўзларини қиёслашда бирмунча қийинчиликлар туғилади. Айниқса, турли миллат вакиллари ҳар хил динларга мансуб бўлса, нутқий тафовутлар янада кўпроқ сезилади. Ўзбек аёллари барча миллат аёллари ичида нафақат ибоси, ҳаёси, орияти, номуси, хатти-ҳаракатлари билан, балки қалби меҳрга тўлалиги билан ҳам ажралиб туради. Аммо шу билан бир вақтда бошқа миллат аёлларида кам учрайдиган ранг-баранг қарғиш турлари уларнинг нутқидан жой олганлигига гувоҳ бўламиз. Демак, инглиз ва ўзбек аёлларига хос нутқ бирликларини қиёслашда уларнинг характери, табиати, ҳудудий жойлашуви, урф-одатлари, дини ва оилавий муҳитига эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, эркаланиб гапириш ҳар икки миллат аёллари нутқига хос. Аммо ўзбек аёллари нутқида *ўргилай, ўргилиб кетай, онанг ўргулсин (холанг, амманг ўргулсин), айланай, айланиб кетай, онанг айлансин, жоним тасаддуқ* каби муносабат билдирувчи модал бирликлар кенг ишлатилади. Инглиз аёллари нутқида эса бу каби эркалашни билдирувчи бирликлар учрамайди. Уларнинг нутқида эркалашлар бошқача кўринишда намоён бўлади. Масалан, инглиз аёллари бу мақсадни ифодалаш учун *my honey, dear, my sweet, darling* каби отли бирикмаларни ишлатадилар. Юмшоқлик, ялинчоқлик ва эркаланиб гапириш ёки нутқида панд-насиҳатларнинг кўплиги ҳам уларнинг табиатига хос.

Дуо қилиш борасида ҳам аёллар бирмунча олдинда. Ўзбек аёлларининг узундан узун дуоси ўзбек менталитетига хос. Инглиззабон аёллар нутқида бу ҳодиса камдан-кам ҳолларда учрайди¹⁰⁷. Уларнинг тилаклари қисқа ва аниқ ифода этилади. Қиёслаймиз:

Хусния ҳаммага қуллуқ қилиб таъзимга эгилди:

– Илоҳи оми-ин! – Ойим косовдек қўлларини фотиҳага очди. – Омон-эсон келганинг рост бўлсин, болам! Жумла-мўминни дилидаги ниятига етказсин. У дунёю бу дунё уруш бўлмасин! Сув балосидан, ўт балосидан,

¹⁰⁷ Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек нутқ маданияти риторик аспектининг чоғиштира тадқиқи: Филол. фан. д-ри (DSc) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 30 б.

туҳмат балосидан яратган Эгамнинг ўзи асрасин! (Ў.Ҳошимов. “Ҳадикли тушлар”)

That I leave you to discover,” replied Mrs. Maylie. I must go back to her. God bless you!” (Ch. Dickens. “Oliver Twist”)

Ўзбек аёллари нутқида шундай модал сўз-гаплар, иборалар учрайдики, улар нутққа юмшоқлик бағишлайди. Бундай бирликлар ёши улуғ аёллар нутқида одатий калималарга айланган бўлиб, турли вазиятда ҳар қандай кишиларга нисбатан қўлланилади. Масалан:

Ер ўчоқдан гўзапоянинг алангаси гуриллаб кўтарилади. Тўти хола ҳали у уйга киради, ҳали бу уйга киради. Кирган-чиққанларга: “Қуллуқ, айланай! Қуллуқ, ўргилай!”, деб яна оиҳонага ўтиб кетади. (С.Аҳмад. “Уфқ”)

Кўринадики, ушбу матнда келтирилган *айланай, ўргилай* модал сўз-гаплари жинси ёки ёшидан қатъи назар барча келган меҳмонларга нисбатан қўлланилган.

Қуллуқ сўз-гапи сўзлашув нутқида миннатдорликни ифодалашда ишлатилади ва “*раҳмат, миннатдорман*” маъносини англатади¹⁰⁸. Бу бирлик ҳам аёллар, ҳам эркеклар нутқида учрайди. Тарихий асарларга назар солсак, бу сўз-гапдан азалдан ёшлар ва кексалар *раҳмат* сўзи ўрнида бирдек фойдаланишганлигига гувоҳ бўламиз:

Ҳамроҳрафиқ унинг бу “хизматлари” муқобилига “Қуллуқ” дегандай қилиб, қўлини кўксига қўйиб бошини эгди. (С.Айний. “Судхўрнинг ўлими”)

Инглиз тили эгалари эса бундай ҳолатларда *Раҳмат* сўзининг муқобили бўлган *Thanks* сўзидан фойдаланади.

“That’s a party I’d love to attend,” Clint said.

“Thanks, Doc.” (King.S & King O. “Sleeping Beauties”) Кўриниб турганидек, *Thanks* сўзи *Қуллуқ* сўз-гапининг айнан муқобили эмас.

Ҳозир кунда кекса ёшдагиларнинг нутқида “*раҳмат*” маъносида учрайди холос. Шунингдек, халқимизда янги олинган молк-мулкка нисбатан

¹⁰⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-жилди. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.369.

“Қуллуқ (қутлуғ) бўлсин!” жумласи ишлатилади. Бунга жавоб тариқасида ҳам баъзан “Қуллуқ (қутлуғ)” деб жавоб қайтарилади. Масалан:

– *Яхши, қуллуқ бўлсин! – Қутлуғ, раҳмат.* (Н.Ҳошимов. “Тоғлик қиз қисмати”)

Инглиз халқи эса янги олинган молк-мулкга нисбатан “Қутлуғ бўлсин” маъносидаги “*Congratulations!*” ундовини қўллайдилар. Масалан, *Oh, it's beautiful, congratulations!* каби:

Katie was twice divorced already, but I saw a ring on her finger. “Congratulations,” I said. (Miranda M. “All the missing girls”)

Лекин бу ундов жавоб репликаси сифатида ишлатилмайди. Жавоб тариқасида “*Thanks*” ёки “*Thank you*” ишлатилади:

“Wow. I’m happy for you guys,” I managed to respond, despite the wailing siren going off inside my head. “Congratulations.” I knew that was all I could I say.

“Thanks,” she said, followed by a smiley face emoji. (A.Hatvany. “It happens all the time”)

Шуни таъкидлаш лозимки, аёл ва эркеклар нутқида хос бўлган бирликлар уларнинг ижобий ёки салбий феъл-атвори, воқеликка нисбатан субъектив муносабатини намоён этади. Қуйидаги мисолда аёл нутқи орқали унинг феъл-атвори ёрқин тасвирланган:

... *Қўнғироқ бўлмаганини билиб, умиди синган ҳолда бўшашиб кетаётганида рўпарасидан Муаттар чиқиб, истамайгина тўхтаб, сўрашди.*

– *Айланай, эсон-омонгина юрибсизми? Кеча Ҳалимахонларникида ифторликда учрашамиз дедим, кўринмадингиз-а? Бирам хавотирландим, ифтордан кейин хабар олай десам, уйингизнинг чироқлари ўчиқ экан.*

– *Вой, ҳозир ифторингиз юрагимга сизгадими?*

– *Яна нима бўлди, айланай?*

– *Нима бўларди?.. – Моҳина қизидан хавотирда эканини унга айтгиси келмади. – Гўрда чиригур ўғрини ҳалиям топишмади.* (Т.Малик. “Энг кичик жиноят”)

Ушбу парчада икки хил характерга эга бўлган ўзбек аёлларининг нутқи акс этган. Муаттар кампирнинг суҳбатдошига “*Айланай*” деб мурожаат қилиши, *Бирам хавотир олдим, ифтордан кейин хабар олай десам...* каби гаплари унинг оккўнгил, меҳрибон ўзбек аёли тимсоли эканини кўрсатади. Моҳина кампирнинг ... *Ифторингиз юрагимга сизадими? Гўрда чиригур...* гаплари уни бойликка ружу қўйган, қўпол, шаллақи аёл сифатида гавдалантирган.

Шуниси характерлики, *айланай, ўргилай, тасаддуқ* каби сўз-гаплар ўзбек эркаклари нутқида деярли кам ишлатилади. Айрим эркаклар нутқида *Тилингдан айланай* жумласи учрайди. Шунингдек, эркаклар нутқида кўпинча *бўйингдан аканг, оғзингга (тилингга) шакар; ҳа, ота ўғил* каби эмоционал баҳо билдирувчи қўлланишлар ҳам кузатилади. Эга ва кесим составига ажралмайдиган *бўйингдан айланай, оғзингга шакар* типли бир лексик маънони ифодаловчи бирикмалар ҳам эмоционал баҳо берувчи сўз-гаплар бўлиб келади.¹⁰⁹ Масалан:

– *Ўзимизнинг гапку-я, Тартало деганлари зап азамат йигит эди-да! Хушсурат, арслонкелбат, алпқомат. Кўрганда, ҳа бўйингдан аканг, деворардингиз.* (А.Намозов. “Нотаниш”)

Маълумки, бир тилга мансуб сўз ва ибораларни иккинчи тилга таржима қилишда уларнинг миллий-маданий хусусиятлари инобатга олинishi лозим. Бир тил бирликлари иккинчи тилга тўғридан-тўғри ўгирилмайди. Акс ҳолда матннинг семантик структурасига путур етиши мумкин. Англашиладики, тиллар ўзаро қиёсланганда нафақат ҳар бир тилга хос структур, семантик белгилар, балки тилда ўз изини қолдирган халқ маданияти, миллий-маданий қарашлар ҳам ҳисобга олинishi жуда муҳим. Масалан, ўзбек аёллари нутқида фаол қўлланувчи *айланай, ўргилай* эркалаш сўзларининг асоси *айланмоқ, ўргилмоқ* феълларига бориб тақалади. Лекин инглиз тилида бу феъллар асосида эркалаш сўзларини ясаб бўлмайди. Демак, бу бирликларни

¹⁰⁹ Бу ҳақда қаранг: Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Тошкент: Фан, 1974. – Б.114.

инглиз тилига қиёслаганда уларнинг эквивалентсиз, муқобили йўқ бирликлар эканлигига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Инглиз тилида бундай бирликлар ўрнида *my dear, darling, honey, sweet* сўзлари қўлланади. Улар ўзбек тилидаги *қадрдоним, суюклигим, асалим, шириним* кабиларга мувофиқ келади. Масалан, “*Mama! Are we going to live in America now?*” “*Yes, darling.*” (M.Benjamin. “The Aviator’s Wife”) Лекин ушбу қўлланишлар ўзбек тилидаги *айланай, ўргилай (ўргилиб кетай)* бирликларнинг ўрнини боса олмайди.

Ўзбек эркаклари нутқида ишлатиладиган *Ола-а! (Олла!)* ундов сўз-гапи ҳақида ҳам шундай хулосани билдириш мумкин. Бу сўз-гап бирор-бир ишдан ёки кимдандир норози бўлиш, бировнинг гапига ишонмаслик, кутилаётган натижадан ҳафсаласи пир бўлишлик ёки бировнинг устидан енгил кулиш каби маъно оттенкаларини ифодалайди. Масалан:

– *Сиз Тартало ҳақида эшитганмисиз? Йўқ? Ҳазиллашмаяпсизми? Ола-а! Ҳай, майли, шунақасиям бўп туради. Агар юзингиздан самимий, оқкўнгил одам эканингиз кўриниб турмаганда, сипогарчилик қияпсиз, деб ўйлаган бўлардим.* (А.Намозов. “Нотаниш”)

– *Абдукаримничи? – деб сўради оқсоқол синовчан.*

– *Йўқ. У кишини танимайман.*

– *Олла! Бу ёғи тоза қизиқ бўлдику!* (Н.Ҳошимов. “Эр либосли аёл”)

Берилган мисолларда икки фонетик вариантдаги *Ола-а!, Олла!* ундов сўз-гаплари қўлланган бўлиб, нутқ эгасининг ҳайратланиш, ҳафсаласи пир бўлганлик каби ҳиссий муносабатини акс эттиришга хизмат қилган. Бизнингча, бу сўзнинг асос қисми *олмоқ* феълига алоқадор. Бу ундов сўз *Гапниям оласан-да (ўйламай гапирсан-да)* ахборотини ҳосил қилади. *Ола!* ундов сўз-гапи инглиз тилида *Wow!* ундови билан ифода этилади.

Wow! ундови сўзлашув нутқида турли маъно оттенкаларига эга бўлади. Унинг маънолари контекст асосида ва оҳангига кўра белгиланади. Масалан, “*Wow,*” *he said, and I rolled over onto my side, resting my head on an outstretched arm.* (A.Hatvany. “It happens all the time”)

Ола! ундов сўз-гапи инглиз тилидаги ҳайратланиш, ажабланишни англатувчи *Oh my! My!* ундовларига ҳам мос келади:

My! Have I been asleep? Oh, partly, partly. (Mark Twain. “The Adventures of Tom Sawyer”)

Ўзбек аёллари нутқида қўлланувчи *ўлай, вой ўлай* сўз-гаплари ҳам эквивалентсиз бирликлар ҳисобланади. *Ўлай* сўз-гапи *ўлмоқ* феълидан ҳосил қилинган, аммо бундай бирликлар ҳам инглиз тилида мавжуд эмас. Бу сўз-гап ифода этган ҳайратланиш, ажабланиш маънолари инглиз тилида *Oh, my God!* ибораси билан ҳосил қилинади. Мисоллар:

– *Жим. Видолашаётган одамнинг гапи бўлинмайди, – деди эри.*

Аёлнинг кўзлари олайиб кетди: “Вой, ўлай!”, – демоқчидай изтироб билан ўз оғзини тез ёнди. (Н.Ҳошимов. “Тоғлик қиз қисмати”)

“Ashley’s dead!” screamed Pittypat, throwing her head back and letting her arms go limp.

“Oh, my God!” cried Scarlett, her blood turning to ice water. (M.Mitchell. “Gone with the Wind”)

Вой ўлай сўз-гапи баъзан *Вой менгина ўлай* шаклида ишлатилади. Сўз-гап таркибига *менгина* сўзининг қўшилиши билан нутқнинг таъсирчанлиги янада ошади. Масалан :

1. – *Вой, менгина ўлай, бу ташвиш ҳам бор эканми, – деб бошимда парвона бўлиб қолди. “Қизгалдоқ офтоб урган”, деб қатик ичирди, “кўзиккансан”, деб исирик солди. Эрталабгача барибир “тузалмадим”.* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Вой ўлай сўз-гапи *Вой ўлмасам* инкор шаклида ҳам қўлланилади. Сўз-гапнинг инкор шаклда ишлатилиши натижасида ҳиссий муносабат янада кучаяди:

2. – *Кўп қарайверма. Тентагинг келмайди. Беш-ўн кун келмайди, хотиринг жам бўлсин. Хотини ялт этиб қаради.*

– *Вой, ўлмасам, мелисага тушиб қолдимми? Индамай қараб ўтиравердингизми?* (С.Аҳмад. “Уфқ”)

Шуниси кизиқки, баъзи аёллар бирор бир хушхабарни эшитиб, ўта хурсанд бўлиб кетганларида ҳам шу сўз-гапдан фойдаланишади:

3. – *Шаҳарнинг бориб турган дилбари... Тўй... Вой ўлай, қаёқдан келди мен шўрликка бу бахт-толе... Вой ўлай...* (А. Мухтор. “Чинор”)

Ўзбек аёллари бирор нарсани тушириб ёки тўкиб юборгани да ҳам *Вой ўлай!* сўз-гапини ишлатишади. Бундай ҳолатда инглиз аёллари *Oops!* ундов сўзини қўллашади: “*Oh. Oops,” I heard Monica say.* (M.Miranda. “All the missing girls”)

Ўлай агар сўз-гапи қасамни билдиради. Нутқда бу сўз-гап кўпинча кимсани бирор нарсага ишонтириш ёки ёлғон гапирилмаётганликни билдириш мақсадида ишлатилади. Ундан ҳам аёллар, ҳам эркеклар фойдаланишади. Лекин аёлларга қараганда эркеклар нутқида кўп учрайди:

– *Ҳа-ҳа! – деб бақариб юборди. – Вой Қувватжон, қизиқ-а? Ўлай агар... Биров шундай бўлдим деса, сира ишонмасдим.* (Ш.Холмирзаев. Сайланма)

Инглиз тилида эса бу ҳолат *I swear* (*Қасам ичаман*) гап билан ифода этилади. Шунга эътибор қаратиш керакки, бир тилдаги сўз-гап бошқа тилда сўз-гап мақомида келмаслиги ҳам мумкин. Масалан:

Did you know about this? I asked. No, Daniel said, frowning at the other pictures. “No, I swear.” (M.Miranda. “All the missing girls”)

Ўзбек тилида *Вой шўрим* сўз-гапи *Энди нима қиламан?!*, *Бу қандай кулфат?!* ахборотларини ҳосил қилади.¹¹⁰ Бу сўз-гап эркекларга қараганда аёллар нутқида кенг ишлатилади. Масалан:

– *Сизнинг нима дардингиз бор? – деди Мирраҳимовга юзланиб.*

Мирраҳимов бирданига учта дарднинг номини айтди.

– *Вой шўрим!.. – деди Мастура, – жиндаккина жонингизга-я! Шу жууссангизга учта дард сизгидими?* (А.Қахҳор. “Даҳшат”)

¹¹⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5 -жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.– Б.12.

Бу сўз-гап инглиз адабиётларида *Woe is me!* шаклида учрайди. Масалан: *Woe is me! exclamation (old use or humorous) a phrase that is used to say that you are very unhappy.*¹¹¹ *Woe is me!* инглиз тилининг қадимий ибораларидан ҳисобланади. Бироқ ҳозирга келиб жуда кам ишлатилади. Яна қиёсланг:

It is required of every man, the Ghost returned, that the spirit within him should walk abroad among his fellowmen, and travel far and wide; and if that spirit goes not forth in life, it is condemned to do so after death. It is doomed to wander through the world – oh, woe is me! – and witness what it cannot share, but might have shared on earth, and turned to happiness! (A. Christmas. “Carol Charles Dickens”)

Маълумки, тил инсоннинг ички дунёси, маънавий савияси, маданияти, одоб-хулқи, оилавий муҳити ва тарбияси, қолаверса, ижтимоий мавқеини очиб берувчи восита ҳисобланади. Нутқ табиатан ўзгарувчан бўлиб, унинг ўзгарувчанлиги бир қанча омиллар таъсирида юзага келади. Бундай омилларга коммуникантнинг жинси, ёши, ижтимоий ҳолати, мулоқот вақти, вазият кабиларни киритиш мумкин.¹¹²

Таниқли ёзувчи А.Қаҳҳор образ яратишда персонажлар нутқига таъсир кўрсатувчи мана шу омилларга алоҳида эътибор қаратган. Унинг “Сўнгги нусхалар” номли комедиясида берилган персонажлар нутқи орқали бевосита уларнинг ижтимоий ҳолати, жинси, ёши кабиларни англаш мумкин бўлади. Жумладан, Нетайхон образи орқали енгилтабиат, бошқалардан ўзини устун кўювчи, гапирганда кўп қарғиш сўзларни ишлатувчи аёллар характери очиб берилган. Масалан:

1. Нетайхон. *Узоқдан танимабман... Дийдори курсин, азонда нима қилиб юрипти! Сўхтаси совуқ! (Чиқади)*

2. Нетайхон. *Эрга тегасанми? ... Хой, калла сенга айтаётиман, жувонмарг, гапирсанг-чи!*

Ҳожар. *Кимга? Ким ўзи?*

¹¹¹ Oxford Advanced Learner's Dictionary. – Oxford University Press, 2015. – P. 1794.

¹¹² Мўминов С. Ўзбек мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ри дисс. – Тошкент, 2000. – Б.19.

Нетайхон (қийқириб юборади). Вой дийдоринг қурсин! (Сухсуровга)
Ким эмиш! Эр бўлса бўлди-да!

3. Нетайхон. Вой ўлай! Нима бўлди?

Обиджоннинг овози. *Она!*

Нетайхоннинг овози. Вой ўлай, Обид-ку!

(Нетайхон ҳовлига чиқади)

Вой дийдоринг қурсин!

4. Нетайхон. *Нима гап ўзи?* (Аҳволни кўриб ваҳимага тушади, капитанни четга суриб сандикни кучоқлайди) Войдод! Дод устига дод!

Обиджон. *Шовқин солманг, сандигингиз билан ҳеч кимнинг иши йўқ!*

Нетайхон (бир оз тинчиб). *Нима билан иши бор бўлмаса?* (Яна ваҳимада) *Участка тўғрисидами?* (Обиджонга шовқин солиб) *Айтмадимми, участкангни номингга ўтказиб ол, деб! Ҳу, участканг бошингдан қолсин!*

Кўриниб турибдики, Нетайхон нутқида қарғишлар, ундов сўз-гаплар кўп қўлланган. Бу ҳолат унинг ҳиссиётга ўта берилувчан, калтафаҳм, ўйламасдан иш тутадиган аёл эканлигини кўрсатади. Ажратиб кўрсатилган сўз-гаплар салбий эмоционал баҳони ифодалашга хизмат қилган.

А.Қаҳҳорнинг “Сўнгги нусхалар” асарида Қори образи орқали аёлмижоз, “*Муллани айтганини қилгин-у, қилганини қилма*” қабилидаги кишилар характери ёритилган. Унинг нутқида *тасаддуқ* сўз-гапи кўп ишлатилган.

Тасаддуқ ундов сўз-гап бўлиб, *садақа бўлай, ўргилай*¹¹³ маъноларига эга. Сўз-гап ҳолатида, асосан, аёллар нутқида ишлатилади. Ўзбек эркаклари нутқида бу сўз-гап деярли ишлатилмайди. Аммо Қори бу сўзни нутқи давомида 12 марта қўллаган. Бундай персонажлар орқали ёзувчи аёлмижоз эркаклар характери очиқ беришга муваффақ бўлган. Масалан:

Қори. *Бу хусусда ҳам хизматларига камарбастаман, тасаддуқ!*

Қорининг овози. *Питбилдиқ! Питпилдиқ!..* (Девордан) *Тасаддуқ!*

¹¹³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.7.

Қори. Тасаддуқ!

С.Мўминов шахсинг жинси, ёши, ижтимоий ҳолати, мулоқот вақти, вазият каби омиллар таъсирида коммуникантларнинг феъл-атвори турлича намоён бўлиши ва бу ҳолат уларнинг нутқида ҳам акс этишини қайд этади.¹¹⁴ Бизнингча, бу омиллар қаторига коммуникантларнинг характер-хусусияти, яъни табиатини ҳам қўшиш мумкин. Жумладан, эркак жинсига мансуб кишиларнинг табиатан, асосан, қаттиққўл, бир сўзли, қатъий бўлиши, аёлларнинг эса нозиктаъб, мулойим, кўнгилчан бўлиши кабилар ҳам уларнинг нутқида бевосита намоён бўлади. Аммо бу тавсиф айрим эркак ва аёлларга мос келмаслиги ҳам мумкин. Р.Лакоффнинг таъкидлашича, бола гапиришни бошлашидан онасининг таъсири остида бўлади. Онаси қайси тилда ва қандай услубда гапирса, болалари ҳам шу тарзда гапира бошлашади. Масалан, Японияда болалар беш ёшгача ҳамма учун битта жинс (род), яъни аёлларга хос бўлган нутқни қўллайдилар. Бола беш ёшдан ўтиб улғайган сари унинг нутқи мукаммаллашиб боради.¹¹⁵

Юқорида қарғишлар кўпроқ аёллар нутқида хослигини таъкидлаган эдик. Қарғишларни кўп қўллаш коммуникантнинг салбий характер эгаси эканлигидан дарак беради. Зеро, қарғишларни баъзан ижобий характерли аёллар ҳам ишлатишади.

Қарғишлар баъзан сўзловчи нутқининг бўёқдорлигини оширишга хизмат қилади. Шуниси характерлики, аксарият ҳолларда нутқда қарғишлар билан бирга ундов сўзлар ҳам ёнма-ён қўлланилади.

Ўзбеклар нутқида қўлланувчи қарғишларни моҳиятан қуйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) *қарғишсимон* сўзлар; 2) *соф қарғиш* сўзлар.

1. Қарғишсимон сўзлар. Бундай қарғишларга қуйидагилар киради: *ҳаҳ, ордона қолсин; вой, ўлсин; адо бўлгур, ҳа ер юткур; вой, афтинг қурсин; э, отинг ўчсин; э, ўл; вой, ишшаймай ўл; ҳе (ҳа) падарингга лаънат; э, ўла кабилар.* Бу birlikлар *салбий эмоционал баҳо ифодаловчи сўз-гаплар*

¹¹⁴ Ёўлдашева Х.Қ. Ўзбек тарихий романларининг социолингвистик тадқиқи: Филол. фан. бўй. фалс. д-ри (PhD)... дисс. – Тошкент, 2017. – Б.62.

¹¹⁵ Lakoff R.T. Language and Woman's Place. –New York, Harper and Row, 1975. – P.41.

гуруҳига мансуб. Ушбу қарғишлар доим *вой, ҳа, ҳой, ҳей, ҳаҳ, э* каби ундов сўзлар билан бирга келади:

1. – *Вой ўлсин!* – *Фотима келин қиқирлаб кулди. – Абзи яна ичиб олди шекилли, заҳарига.* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

2. *Э, ўла! Ўзинг ҳам жса тажсангсан-да! Ёш бўлгиси келса, нима қилсин бу шўрлик ... Қўндоқда теккан-да. Гўринг нурга тўлгур отанг ҳам шунақа кажбаҳс эди... Қизик, бугун отанг тушингга кирибдими?... (Ў.Ҳошимов. “Баҳор қайтмайди”)*

3. – *Вой, Холматсан-ку. Вой, ўлгур-е, қачон келдинг? Шу тобда келишингми? Юр, юр, телеграмма берсанг ўлармидинг? – Асрора югуриб бориб чироқни ёқди.* (С.Аҳмад. “Уфқ”)

2. **Соф қарғишлар.** Бундай қарғишларга *ҳа бўйингинанг узилгур (син), ҳа жувормаг, вой жувормаг бўлгур, ҳа яшишамагур, ҳа қарчинингдан қийилгур, вой оғзингдан қонинг келсин, ҳа кўзинг кўр бўлгур* кабилар киради. Соф қарғишларга хос яна бир жиҳат шундаки, улар орқали нутқ эгасининг “бўлгин” ёки “бўлсин” қабилидаги илтижолари акс этади. Шунингдек, бу типдаги қарғишлар таркибида *илоё, илоҳим, илованда, илойим* каби ундов сўзлари деярли бирга келади. Масалан:

1. – *Илоҳи, катталарнинг уйи куйсин, катталарнинг болалари ўлсин, катталар бир бурда нонга зор бўлсин! – деб катталарни сўкиб-қаргаб, қози калон билан қушбегининг ўзига қилган муомалаларини яна бир бор айтиб берди.* (С.Айний. “Судхўрнинг ўлими”)

2. – *Илоё, икки кўзинг кўр бўлсин! Кўзинг оқиб тушмаса, розимасман! Аёл титроқ кафтлари билан юзига фотиҳа тортди.* (Қ.Норқобил. “Осмон остидаги сир”)

Маълумки, одатда, ўзбек эркаклари нутқида қарғишлар деярли учрамайди. Аммо улар бирор-бир ҳолатдан жуда хафа бўлишса, диллари оғриса, қарғишларни қўллашлари кузатилади. Зотан, халқимизда “*Отанинг қарғиши ўқ*” деб бежизга айтилмаган. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз:

Асқар ота тўсатдан отнинг бошини тортди, тизгинини ташлаб, иккала қўлини кўтарди.

– Илоҳи омин! – деди. *Ҳамма тўхтаб унга қаради. Унинг кўзларидан оппоқ соқолига қатра-қатра ёш томар эди. – Илоҳи омин! Шу аёлнинг кўзи оқиб тушсин-у, Гаффоржон сог-саломат келиб, уни кўча-кўйда етаклаб юрсин. Худое худовандо, шу ёшга кириб даргоҳингдан ҳеч нарса сўраган эмас эдим...* (А.Қаҳҳор. “Даҳшат”)

Шуниси кизиқки, ўзбек аёллар нутқида қарғишлар кўп учраса, инглиз аёллари нутқида салбий маъноли сўкиш сўзлари (*Hell with you! Piece of shit! Son of a bitch!* каби) кенг ишлатилади. Сўкинишни билдирувчи бирликлар, вульгаризмлар ҳам ўзбек, ҳам инглиз эркаклари нутқида бирдек учрайди. Шу ўринда айтиш лозимки, инглиз тилида сўкинишни билдирувчи бирликлар, вульгаризмлар ундов сўзлар таркибига киритилган. Масалан, *Damn! Hell! Shit!* каби.

Ўзбек тилида ҳам сўкиш ёки ҳақоратни билдирувчи бирликлар *салбий эмоционал баҳони ифодаловчи сўз-гаплар* гуруҳига мансуб бўлиб, вазиятга қараб якка ҳолда ёки бошқа ундов сўзлар билан бирга ишлатилади: *Аблаҳ!, Лаънати! Вой ланъати!, Ваҳ ҳароми!, Ҳе баччагар! Вой, разил!* кабилар. Масалан:

Ўсар яна керишиб: «Аҳ, қўл чиқиб кетган экан-да, – деб ўйлади: у мошина педалларини босишдан «оёғи чиқиб кетгани»ни кўзда тутарди.

– *Майли. Ана энди бир мошина тош – ўн сўм... Йўқ, ҳадемай йигирма-ўттиз сўм бўлади, – дея ўйини давом эттирди.*

– *Хўш, кечаси ташийман... Завгарга яна бериш керак. Йўғасам, мошинани чиқартирмайди гараждан. Ҳе, энагар...* (Ш.Холмирзаев. Сайланма)

Баъзи ўзбек аёллари нутқида сўкиш ёки ҳақоратни билдирувчи бирликларнинг қўлланилиши ҳам кузатилади. Бу ҳолат эркактабиатли, енгилтак, маданиятсиз ва ҳаётдан аламзада бўлган аёллар нутқида учрайди. Нутқнинг бундай социал хосланиши асосида инсон руҳий ҳолати ҳақида

маълумотга эга бўлиш мумкин бўлади. Қуйидаги жадвалга эътибор қаратамиз:

№	Ижтимоий мавқеи	Рухий ҳолати	Мисоллар
1	Аввалига бригадада табелчи, кейинчалик уй бекаси	Аламзада	1. “Аканг Тошкентга обориб ўқитади”, деганимга шунча сапчийсанми, <u>жувонмарг!</u> Синглим деб атай поездга осилиб кепти-ку, <u>қиз ўлгур!</u> (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”) 2. ... Ҳали нима деди анави! “Ўғлинг эканини туш кўрибманми, тушунтириброқ гапирсанг бўлмайдимми”, дедими! <u>Вой мунофиқ!</u> <u>Вой разил! Вой разил!</u> Сени билмасам экан. (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)
2	Уй бекаси	Аламзада, норозилик	Ҳа, пардоз қилсам, ўйнашимга қипманми, <u>қирчинингдан қийилгур!</u> Қирмочми, баломи, захрингга еявермайсанми, <u>ергина ютгур!</u> <u>Хаҳ,</u> <u>онамни сўккан тилларинг</u> <u>танглайингга ёпишгур!</u> Тагин нима дейди, денг? Айбни менга тўнкайди: тилинг бир қарич дейди. Вой, тилимни гапирган тилларинг жодиди қийма-қийма бўлсин-а. Елдай келиб, селдек олмаса асло розимасман! (Ў.Ҳошимов. “Нурли дунё”)

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, инглиз тилида қарғишлар ҳақоратни билдирувчи сўз-гаплардан деярли фарқланмайди. Бу тилда соф қарғиш сўзлари ўзбек тилидагидек ранг-баранг эмас. Инглиз қарғишлари таркибида асосан *hell*(дўзах) ва *damn*(лаънат) каби сўзлар бўлиб, бу бирликларни эркак ва аёллар бирдек ишлатадилар. Бундан ташқари, улар билан ундов сўзлари деярли бирга ишлатилмайди. Бундай қарғишларга *God damn you! Goddamn!* (*Худо урсин сени!*), *Go to Hell* (*Дўзахга дўмбира бўлгур!*), *You are damned!* (*Ер*

ютсин сени!) *May you rot in hell! (Дўзахда чиригин!)* кабилар киради. Масалан, *The doctor stares at Scott for a moment longer, then shakes his head. “Goddamn,” he says, smiling.* (N.Howley. “Before the Fall”)

“Oh, goddamn it!” she said. “God, god, god, goddamn it!” (H.Koch. “Dear Mr.M.”)

Лекин *Damn! (Ланъаму!) Hell! (Дўзаху!)* ҳақорат ундовлари ҳисобланади. Шунингдек, уларнинг нутқида қарғишлар билан бир қаторда *Shit! Piece of shit! Son of a bitch!* каби ҳақорат калималари кўп учрайди. Масалан, “*Holy shit.*” *Celia Frode said. “I never seen nothing like that. Never.”* Кўринадики, инглиз халқи қарғиш ўрнида, асосан, вульгар сўзларни ишлатишади.

Ўзбеклар қарғиш ва дуоларни қўллаш бўйича инглизларга нисбатан фаол, аммо ҳақорат, сўкиш сўзларни ишлатиш борасида инглиз тилида сўзлашувчилар юқори поғонада туради.

Дуоларни қўллашда ҳам бу икки халқ ўртасида катта тафовут мавжуд. Бу ҳолат ўзбек ва инглизларнинг қайси динга мансубли билан ҳам алоқадор. Жумладан, *омин* сўзининг ишлатилиши, ундаги қўл ҳаракатларига – ҳаммаси ҳар икки халқда турлича ифода этилади. Масалан, ўзбеклар (мусулмонлар) *Омин!* деб дуо қилиш учун икки қўлни бир-бирига бирлаштирган ҳолда очиб, юзига тортадилар. Инглизлар (христиан дин вакиллари) эса ўнг қўл бармоқларини бирлаштириб, уларни икки елка ва пешона томон ҳаракатлантирадилар. Англашиладики, турли тиллар қиёсланганда халқларнинг миллий-маданий қадриятлари ҳам эътиборга олинishi мақсадга мувофиқ.

Ўзбек аёллари нутқида учрайдиган ижобий эмоционал баҳо ифодаловчи *айланай, ўргилай, тилингга шакар, бўйингдан аканг* каби эркалаш сўз-гаплари инглиз тили эгалари нутқида қўлланмайди. Худди шундай, ўзбек ва инглиз тили эгалари нутқида қарғиш сўзларнинг қўлланишида ҳам катта тафовут борлиги кўриниб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, эркалаш ва қарғиш сўзлари, шунингдек, дуоларни ифодаловчи бирликлар инглизларга қараганда ўзбеклар нутқида кенг ишлатилади. Бу бирликлар маъно кучайтирувчи ундов сўзлар билан бирга қўлланилиши билан ҳам ажралиб туради. Қуйида қиёсланаётган тиллардаги айрим ундов сўзларнинг гендерологик хусусиятларини таҳлил қиламиз.

Ўзбек тилида *вей* ундов сўзи ҳайронлик, таажжуб, норозилик ҳис-туйғуларини ифодалайди.¹¹⁶ Бу сўз-гапдан эркалар кўпроқ фойдаланишади. Айниқса, улар бирор воқеа хусусида лоф уриб мақтанганларида ушбу ундов сўзни ишлатишади. Масалан:

– *Вей, вей, қамоққа йигитнинг гули тушади. Иш билган одам ҳар ерда ҳам нонини топиб кетаверади. Исталовойга завидиш бўлдим. Ҳа, ўшатдаям тортиб турдик* (С.Аҳмад. “Номи йўқ тўй”)

Ушбу жумлада *вей* сўзи мақтаниш учун, бошқаларнинг эътиборини жалб қилиш учун ишлатилган. Унинг такрор ишлатилиши эмоционалликни кучайтирган. Шуниси характерлики, бу ундов ғазабланишда, жаҳл чиққанда ҳам қўлланилади:

– *Винзавод керак бўлса, Козловга осилиб нима қилади? – деди Кесакполвон. – Вей, сен қаеринг билан ўйлайсан, ўзи! – деб аччиқланди Асадбек. – Козлов билан асосий ишимиз нимада, винодами? Қиличга нима учун ётишди.* (Т.Малик. “Шайтанат”)

Баъзан ҳайратланиш, ҳайрон бўлишликни ифода этишда ҳам мазкур ундов сўздан фойдаланилади:

– *Вей, одамзоднинг бир-бирига яқинлигида улуг бир сир, балки қудрат бор-ов! Йўғасам, нега мунча хурсандман?.. Аллақандай Отабой қишлоғида тугилган бир ўзбек бу ерда, ў-ў, оламнинг бир бурчи – гўшасидаги ўзбеклар орасида «меники» деб бораяпти ... Вей, миллатдаям ўша сир-қудрат бор-ов...* (Ш.Холмирзаев. Сайланма)

¹¹⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд.— Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. — Б.454.

Эркаклар нутқида *ие*, *вей* тарзида ҳам ишлатилиб, ҳайратланишни англатади:

Қўнғизмўйлов чап қўли билан қогозни олиб, ўнг қўлини аёлнинг думбасига юборди. Жувон “отстан” деб қўлига аста уриб қўйиб, изига қайтди. Қўнғизмўйлов қогозга кўз югуртирдию ажабланиб шерикларига қаради.

– *Ие, вей*, – деди у, – бу ёғи алламбало бўп кетди-ку, “Сулаймонов ишдан олиниб, Намозов директор вазифасини бажаришига киришсин...” (Т.Малик. “Шайтанат”)

Ҳеҳ ундови норозиликни ифодалайди¹¹⁷. Бу ундов сўз ҳам аёлларга қараганда эркаклар нутқида кўп ишлатилади. Масалан:

– *Бу гапни марҳум Шоматовга нима даҳли бор?*

– *Ҳеҳ! Боядан бери танбур чертяпман экан-да! Шоматов ҳам тарихда қолгиси келадиганлардан эди! Қачон қараса масала талашади. Ўзича ҳақиқат ўрнатмоқчи бўлади. Кўрганмиз бунақаларни!.. Мен ўн беш ёшимдан комиссар бўлганман!.*

– *Ўн беш ёшдан?*

– *Ҳа, ўн беш ёшдан. Сенлар нима? Амаллаб ўқишига кирасан... Амаллаб битирасан. Биладан, коллега, ҳаммасини биладан! Гапингиз ёлгон деб кўрчи! Ҳеҳ! Чекист – чекист бўлиб тугилиши керак! (Ў.Ҳошимов. “Ҳадикли тушлар”)*

Вуй ундов сўз-гапи муболаға, ҳайратни ифодалайди¹¹⁸ ва, асосан, аёллар ва болалар нутқида учрайди. Айниқса, аёллар бирон нарсадан ҳайратланганларида ушбу сўзни қўллайдилар:

Мўрча бурчагидаги лиқилдоқ курсида шамшод тароқ билан сочимни тараб ўтирсам, Зухра келин бошимга эгилди.

¹¹⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 525.

¹¹⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 471.

– *Вуй*, – деди ерга эгиб турган ҳўл сочимни кафтига олиб, – ярмисини беринг, Робияхон. (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Инглиз тилида ҳис-ҳаяжон ифодаловчи ундовлар (Primary interjections) бошқа сўзлар билан бирга келганда унга услубий бўёқ қўшиб, нутқнинг таъсирчанлигини оширади. Мана шундай ундовлардан бири инглиз тилидаги *oh* ундовидир. Инглиз тилида бу ундовдан эркаклар ҳам, аёллар ҳам бирдек фойдаланишади.

Ўзбек тилида ушбу ундов *вой* сўзи орқали ифода этилиб, эркакларга қараганда аёллар нутқида кўп ишлатишади. *Вой* ундовининг хотин-қизлар нутқида кўп қўлланиши улар нутқининг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ. Бу ундов полифункционал характерга эга бўлиб, нутқда турли маъноларни ифодалаб келади.¹¹⁹ Қуйидаги мисоллар орқали *oh* ва *вой* ундовларининг нутқий маъно оттенкаларига изоҳ берамиз:

1. Нутқ эгасининг бирор вазиятдан қувониш, завқланиш ҳиссини акс эттиради:

Эшикни очиши билан дахлизда турган онаси уни кўриб қувониб кетди:

– *Вой*, келдингми-ей, болам! – деб уни бағрига босди.

– *Қаёқларда юрибсан, шу пайтгача?* (Т.Малик. “Талваса”)

– *Вой*, манави отнинг чиройлилигини, буниси унданам яхши, – дер эди Озода қувониб. (Н.Ҳошимов. “Эр либосли аёл”).

2. Нутқ эгасининг ҳайратланиш ҳиссини юзага чиқаради:

*Oh, how wonderful!*¹²⁰

Инглиз тилида завқланиш, ҳайратланиш оттенкалари *Wow* ундов сўзи орқали ҳам ифодаланади: *Wow! You look terrific!*¹²¹

3. Нутқ эгасининг шошиб қолганлиги, довдирашини англатади:

¹¹⁹ Тоирова Г. Нутқий мулоқот ва ёшлар нутқидаги луғавий бирликлар. –Тошкент:” Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2015. – Б. 64.

¹²⁰ Oxford Advanced Learner’s Dictionary. Кўрсатилган манба. – Б.1070.

¹²¹ Oxford Advanced Learner’s Dictionary. Кўрсатилган манба. – Р.1805.

– Анавини қара, йўқлаган одаминг шундоқ йўлингдан чиқиб турса-я. Бунақаси бўлмайди, Нодир. Бўшаима! – деди Исмат ва қўлига икки пакетни олиб Озодага пешвоз чиқди:

– Вой, ассалому-алайкум. Келинглар.

– Воалайкум-ассалом, яхшимисиз қизим? (Н.Ҳошимов. “Эр либосли аёл”)

– Oh! Get dressed. Oh, yeah. (A.Brashares. “The second summer of the sisterhood”)

4. Нутқ эгасининг бирор нарсадан нафратланиши, ғазабини акс эттиради:

– Ҳа, ойи. Мен ҳам сизга шуни айтмоқчийдим. Ўша Нодир деганингиз қамишлар орасидан бизни ҳар куни пойлагани пойлаган.

– Вой исқиртей! – деди Ҳусния баттар асабийлашиб. – Ундан эҳтиёт бўлинглар. Кўрсаларинг ҳайданглар ёки мени тез чақиринглар. (Н.Ҳошимов. “Эр либосли аёл”)

“Aw, hell”, Dan said as he appeared in the doorway.
(<https://sentence.yourdictionary.com/aw>).

5. Нутқ эгасининг норозилик кайфиятини англатади:

– Уч сўмга бўладими? – дея аёл ва Ҳусниянинг афт-ангорига ҳайрон тикилди.

– Вой, озроқ қўшинг, холажон, – деди онасининг ўрнига Хонзода чиройли қошларини чимириб. (Н.Ҳошимов. “Эр либосли аёл”)

6. Нутқ эгасининг эътирозини билдиради:

– Қўни-қўшиларнинг бир-бирларини танимаганлари ҳам маъқул. Тинч яшашади, гийбат қилишмайди.

– Вой қўйинг-э, ёмон бўлса ҳам қўшинининг бори яхши.

– Сен ўша томонларда қолиб яшаган бўлармидинг? – деб ўсмоқчилаб сўради Асадбек.

– Ўлсам ҳам яшамасман.

– *Келинларинг уйимизга кетамиз, дейишса, ўзилларинг уларга қўшилиб жўнашса-чи?*

– *Вой, нафасингизни иссиқ қилинг-а, тавба денг, ўзим юрагим ҳилвиллаб турибди. Бунақа гапларни бошқа гапирманг, – кейинги сўзларни айтаётганида Манзуранинг овози титради. Асадбек уни овутиш мақсадида елкасига қўлини ташлади. Манзура бундан чўчиб, ўзини четга олди:*

– *Вой, нима қиляпсиз? (Т.Малик. “Шайтанат”)*

Oh, heavens! Oh, heavens! How could you think that? (<https://www.thoughtco.com/interjections-in-english-1692798>)

7. Нутқ эгасининг менсимаслик кайфияти, мазах қилишини ифода этади:

– *Мана шу қизни, – деди Ақром Дилдорани кўрсатиб, – бутикка обориб келиш керак.*

– *Вой, шуними?! – дея иржайди Гули. – Нима деяпсан?! Бирга кетаётганимизни кўрганлар нима дейди, тавба! Ундан кейин... (Н.Исмоилов. “Табиб”)*

Кўриниб турибдики, ўзбек аёллари *вой* ундовини ҳар қандай вазиятга мослаштира оладилар. Инглиз тили эгалари эса *oh* ундови ўрнида вазиятга қараб *wow* ундовини ҳам ишлатишади. *Вой* ундовидан фарқли ўлароқ инглиз тилида *oh* ундови ҳар икки жинс вакиллари нутқида бирдек ишлатилади.

Вой ундови ўзбек аёллари нутқида баъзан *тавба* сўзи билан бирга келади: *вой тавба* тарзида. Эркаклар нутқида эса *ё тавба* тарзида ишлатилади.

Инглиз тили эгалари нутқда шу вазифада *Gosh! ёки Oh Gosh!* ундовлари қўлланади.

Вой тавба, ё тавба ундовлари ҳайратланиш маъносини ҳосил қилади. Масалан:

1. – *Вой тавба, – деди Жаннат. – Ҳукумат ҳам сув келтирсин, ҳам ҳаққини тўласин, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган замонлар бўляпти. (С.Аҳмад. “Уфқ”)*

2. *Хуббижсамол алақандай суйиб йигитчанинг кифтига қоқди.*

– *Ўтиринг. Ётинг... Исмингиз нима?*

– *Носиржон! – деди Зиганишин.*

– *Йўқ. Эшон... Эшонжон! – деди Қодир этикдўз.*

Эшим ҳам кулиб, унинг сўзини маъқуллади.

– *Ё тавба. Қулогига азон айтиб қўйилган оти бор-ку! – дея хитоб қилди уйғур йигит. (Ш.Холмирзаев. Сайланма)*

3. *Улар чиқишаётганда девордан мўралаб турган Жаббор ака:*

– *Ё, тавба?! Буларнинг студентми-студент эмасми, кимликларини ҳам билиб бўлмайди. Бири киради, бири чиқади. Шу ҳовлини сотиб олишга ўзимиззи кучимиз етмади-да, қўл қисқалик қилди. Энди ким кирса кираверади, ким чиқса чиқаверади, падарига лаънат... (Б.Худойбергенов. “Ўқилмаган мактуб”)*

Инглиз тилида эса ҳайрат оттенкаси *Oh, gosh* ундови орқали ифодаланади. Масалан:

‘Please,’ pressed Simon. “I’ve never danced with an older woman before. Oh, gosh, I’m sorry, I didn’t mean . . .” he went on, seeing my face. “I mean, someone who’s left school,” he said, seizing my hand passionately. “Would you mind? I’d be most awfully, awfully grateful.” (F.Helen. “Bridget Jone’s Diary”)

Ёпирай! ундов сўз-гапи ҳам ажабланиш, ҳайратланиш маъносини ифодалайди ва, асосан, эркаклар нутқида учрайди:

Ёпирай, – дея Муродхўжа ака қўлини пайнаслади. – *Этим уюшгандек бўлаётувди. Истимам бормикин? (Н.Ҳошимов. “Чаён йили”)*

Инглиз тилидаги *My! Oh, my!* ундовларини ўзбек тилида *тавба, ёпирай* ундовлари билан ифода этиш мумкин:

1. *‘Oh, my! What pretty hair you’ve got,’ prattled Pollyanna; ‘and there’s so much more of it than Mrs. Snow has, too!...’*

2. *‘Oh, but it’s so pretty, Mr. Pendleton! And does just the sun do that? My! If it was mine I’d have it hang in the sun all day long!’ (Jane Austen. “Pride and Prejudice»)*

Инглиз тилида сўзлашувчи эркак ва аёллар нутқида ҳам ўзига хос фарқлар кузатилади. Эркаклар нутқи дағалроқ, аёллар нутқи эса мулойим ва эркаклар нутқида нисбатан жозибадор бўлади. Инглиз аёллари “*Oh dear, dear me, my goodness, good gracious*” каби ундовлардан кўпроқ фойдаланишади. Эркаклар эса улардан фарқли ўлароқ “*O lord, Good lord, Good heavens*” ундовларини қўллашади. Бу хусусида фикр юритар экан, инглиз олими Ж.Лакофф муомала жараёнида аёлларнинг юқори даражада эмпатик бўлишлари ва суҳбатдошига тез мослашиб кета олишларини таъкидлайди. Унинг фикрича, аёллар кўтарилиувчи оҳангдаги тасдиқ-сўроқ гаплардан кўп фойдаланишади. Бундан ташқари, уларнинг нутқида кўпроқ ҳис-ҳаяжон ифодаловчи бирликлар, модал сўзлар қўлланилади. Эркакларда эса бунинг аксини кўриш мумкин. Эркаклар гаплашаётганда жиззакироқ бўлиб, ундов сўзлардан кам фойдаланишга ҳаракат қилишади. Уларнинг нутқида услубий бўёқдор сўзлар кам учрайди, эркаклар кўпол ва ҳақоратни англатувчи жаргонларни ишлатишга мойилдирлар.¹²²

Ж.Коутснинг қайд этишича, эркаклар нутқи меъёрий нутқ ҳисобланади, аёллар нутқида эса мана шу меъёрий нутқдан оғиш кузатилади.¹²³ Бизнингча, аёлларнинг ҳис-туйғуга берилувчанлиги уларнинг нутқий меъёрдан чиқиб кетишига олиб келади. Лекин эркак ва аёллар нутқида берилган бу тавсифлар баъзида асоссиз бўлиши ҳам мумкин. Чунки эркакларнинг кўпол сўзларни кўп қўллаши натижасида меъёрий нутққа риоя қила олмай қолиши ҳам кузатилади.

Англашиладики, эркак ва аёлларнинг борлиқни идрок этиши ва уни тилда акс эттиришида ўзига хос тафовутлар мавжуд. Л.Р.Бродининг фикрича, аёллар ҳиссиётга берилувчан бўлиб, нутқида эркакларга нисбатан ҳис-туйғуларини, истак-хоҳишларини кўпроқ намоён қиладилар. Эркаклар эса ўз ҳиссиётларини тўғридан-тўғри ифодаламайдилар.¹²⁴

¹²² Lakoff G. Language and woman's place. – New York: Harper and Row, 1975.

¹²³ Coates J. Women's speech, women's strength // York papers in linguistics.– 1989.–№13. – P. 65–76.

¹²⁴ Brody L. R. Gender and Emotion: Beyond Stereotypes // Journal of Social Issues.– 1997.–№ 53 (2). – P. 369-394.

Г.Лакофф аёллар нутқини таҳлил қилар экан, “Аёллар нутқи эркекларнинг нутқига қараганда чегараланганми?”, “Аёллар нутқи тугалланмаган бўладими?” “Аёллар кўпроқ енгил-елпи сўзларни ишлатадиларми?” каби саволларни ўртага қўяди. Олим изланишлари асосида аёллар нутқи атрофлича таҳлил қилиниб, қизиқарли маълумотлар берилган “Language and woman’s place” китобини ёзади.¹²⁵

В.О’Барр ва Б.Эткинс ҳам аёллар нутқини текширишган. Улар суд залида қатнашган гувоҳлар нутқини кузатишади ва Г.Лакоффнинг фикрига қарши ўлароқ нутқдаги тафовутлар жинсга эмас, балки вазиятга боғлиқ эканлиги ҳақидаги ғояни илгари суришади.¹²⁶

Хуллас, ўзбек ва инглиз тилида сўзлашувчи эркек ва аёллар нутқи биридан фарқ қилади. Ўзбек тили эгалари нутқида учрайдиган ижобий эмоционал баҳо ифодаловчи *айланай, ўргилай, онанг айлансин, бўйларингга бўйтумор, тасаддуқ, қуллуқ, гиргиттон, бўйингдан аканг, оғзингга шакар* сўз-гапларининг инглиз тилида муқобили мавжуд эмас. Улар эквивалентсиз бирликлар бўлиб, ўзбек миллий маданиятини акс эттиришига кўра миллий-маданий семали бирликлар саналади.

2.2. Сўз-гапларнинг ёшга кўра хосланиши

Маълумки, маданиятлараро мулоқотнинг муваффақиятли кечиши учун фақат тилни билишнинг ўзи етарли эмас. Мулоқотнинг самарали кечиши коммуникантларнинг тил эгаларининг миллий қадриятлари, маданиятларини яхши билишларига ҳам боғлиқ. Шунингдек, турли тилларни қиёсий аспектда ўрганишда бу тиллар мансуб бўлган халқ, унинг маданияти, қадриятларини яхши билмаслик ҳам тиллар орасидаги фарқ ва ўхшашликларни аниқлашда қийинчилик туғдириши мумкин.

Шуниси характерлики, коммуникантларнинг ёш хусусиятлари ҳам улар нутқининг фарқланишига сабаб бўла олади. Жумладан, мурожаат

¹²⁵ Lakoff G. Кўрсатилган манба.

¹²⁶ O’Barr W.M. and Atkins B.K. “Womens Language” or “Powerless Language”? In Language and Gender: A Reader, ed. by Jennifer Coates. Oxford: Blackwell, 1998.– P. 377–387.

шакллариининг ёшга кўра қўлланилиши ўзбеклар мулоқот маданиятида ўзига хосликка эга.¹²⁷ Кўринадик, инсоннинг нутқи ҳам унинг ёши ҳақида хабар бериб туради.

Одам туғилганидан то вафотиғи қадар тўрт тадрижий босқич (давр) ни (ғўдаклик, болалик, ўспиринлик, йигитлик, чоллик) босиб ўтади. Ҳар бир босқич (поғона) ўзининг биологик/психологик/логик хусусиятларига эга бўлиб, улар ўзаро фарқланади ва бир-биридан ажралиб туради.¹²⁸

Сўз-гаплар барча халқлар нутқида, уларнинг ёшидан қатъи назар кўп қўлланиладиган бирликлардир. Лекин шуни эътиборга олиш лозимки, сўз-гаплар барчанинг нутқида бирдек ишлатилмайди. Жумладан, чақалоқларнинг *инга* товуши илк бор қўлланганда уларнинг дунёга келганлиги англашилади. Кейинчалик бу товуш чақалоқнинг эҳтиёжлари (қорни очганлиги, уйкуси келганлиги, бирон жойи оғриганлиги ва ҳоказо)ни акс эттиришга хизмат қилади. Бола улғайиб борар экан, бу товуш ўрнини сўзлар эгаллай бошлайди. Бу ҳолат ҳамма халқларда деярли бир хил кечади. Масалан, ўзбек болалари нутқида *нанна* (нон), *умма* (сув), *қаққа* (конфет), *лалла* (сут) каби ўзлаштирилган дастлабки сўзлар қўллана бошлайди.

Болалар нутқининг ривожланиб боришида мулоқот муҳити муҳим аҳамият касб этади. Улар томонидан *Ассалому алайкум / Good morning / afternoon / evening, Раҳмат / Thank you /, Кечирасиз / Excuse me / I'm sorry, Илтимос / Please* каби сўз-гапларнинг ўзлаштирилишида ота-оналари, тарбиячиларнинг роли катта.

Болалар нутқида айрим бирликлар фаол қўлланишига кўра ажралиб туради. Улар, айниқса, *илтимос* сўзини кўп қўллашади. Бу сўз орқали болалар нутқий таъсирчанликка эришишни мақсад қилиб қўядилар. М.А.Қурбонованинг қайд этишича, болалар кўпинча хабар, буйруқ, сўрок

¹²⁷ Ёўлдашева Х.Қ. Ўзбек тарихий романларининг социолингвистик тадқиқи: Филол. фан. бўй. фалс. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 20 б.

¹²⁸ Зияев А.И. Тилда интенсификация/деинтенсификация категориясининг градуал антонимлар парадигмаларини шакллантириш // Сўз санъати.–2019.– №6.– Б. 45.

актлари орқали нутқий таъсир кўрсатишни мўлжаллайдилар¹²⁹. Улар таъсирчан, ҳис-ҳаяжонга берилувчан бўлганликлари учун ҳам нутқида ундов сўзларни кўп қўллашади. Қуйида болалар нутқида фаол қўлланувчи айрим сўз-гапларни таҳлил қиламиз:

Кичик ёшдаги ўзбек болалари нутқида кўп ишлатиладиган ундовлардан бири *ай, эй* сўзларидир. *Ай* ундови *эй* ундовининг фонетик варианты ҳисобланади. Масалан, *Ай, менга қара! Ай, ундай қилма! Ай, қаёққа бораяпсиз?* каби.

Гарчи *ай* ундови *эй* ундовининг фонетик варианты саналса-да, уларнинг қўлланишида муайян стилистик фарқлар кузатилади. Бу фарқ ушбу ундов сўзлардаги халқона услуб ва ифодаланадиган расмийлик оттенкаси билан изоҳланади¹³⁰. Лекин болалар нутқида *ай, эй* ундовлари бундай маъноларда ишлатилмайди. Кичик ёшдаги ўзбек болалари нутқида *ай* ундови, асосан, оғриқ ҳиссини ифода этишда билдиради: *Ай, қуйиб қолдим. А-ай, оғрияпти* каби.

Инглиз тилида бу ҳиссий ифода *aw, ouch* ундовлари билан берилади: *Ouch, you're hurting me!*

Кичик ёшдаги ўзбек болалари нутқида *ажу* сўзи ҳам кўп ишлатилади. Бу сўз болалар ўйинида юзини қўллари билан тўсиб, аҳён-аҳёнда кўрсатиб (кўриниш бериб) айтиладиган сўз саналади¹³¹. Масалан:

– *Вой, Мунзира қани? – Ажу! Манаман.* (Ғуламқодирова Мунзира, 4 ёш)

Ажу ундов сўзи катталар нутқида болаларга нисбатан ҳам ишлатилади.

Кичик ёшдаги инглиз болалари нутқида бу ифода *peekaboo* тарзида ишлатилади. Масалан: *– Peekaboo!* (Румейса, 3 ёш).

¹²⁹ Курбонова М.А. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 214.

¹³⁰ Каримов С.А. Ўзбек тилининг грамматик услубияти. – Самарқанд: Алишер Навоий номидаги СамДУ, 2012.

¹³¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 1-ж., – Б. 44.

Ўзбек тилида вуй ундовининг нафақат катталар, балки болалар нутқида учраши ҳам кузатилади. Бу ундов ҳайратланишни ифодалашга хизмат қилади. Ў.Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романида бош қаҳрамонлардан бири Музаффарга “қўқонлик” онаси янги дўппи билан пул бериб кетади. Буни унинг партадоши Абдували кўриб қолади. Моҳир ёзувчи Абдувалининг ҳайратини ифодалаб бериш учун унинг нутқида вуй ундовини кетма-кет ишлатади:

Янги дўппини чўнтагимдан олиб, секин папкага тиқаётсам, Абдували кўриб қолди.

– Вуй! Қаёқдан олдинг

– Топиб олдим!

– Қаний? Битта кўрий?

– Шомуродов! – ўқитувчи хуноб бўлиб бақирди. – Сен йўзингда синф сув қуйгандек эди. Мунча ёмонсан-а!

Ана, яна мен айбдор бўлдим! Алам билан Абдувалининг биқинига тушириб қолдим.

– Шомуродов!.. Шеърда уруш туфайли етим қолган минглаб болаларни ўзбек халқи бағрига босгани...

Дўппини секингина папкага тиқдим.

– Нариги чўнтагингдаги нима?

Ўзи ёмонда, сариқмашак! Калтак есаям жим ўтирмайди. Алам қилсин! Бир кўриб қўйсин! Керак бўлса ўзим ҳам велосипед сотиб оламан. “Динамо” магазинидан! Ёзда дадам билан шаҳарга тушганимизда кўрганман! Тўппа-тўғри! Шимни нима қиламан. Уйда бошқаси бор! Яхшиси, велосипед оламан.

Секин пулни чиқардим.

– Вуй! – Абдувалининг кўзи олайиб кетди. – Қаёқдан олдинг?

– Нима ишинг бор?

– Шомуродов! Ҳозир синфдан чиқариб юбораман. (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Вуй ундовининг вой-вуй тарзида ишлатилиши хайратнинг янада кучлилигини билдиради. Инглиз тилида бундай вазиятларда wow ундови ишлатилади.

Ўзбек тилида ура, урре ундови ҳам нафақат катталар, балки болалар нутқида ҳам кенг қўлланади. Масалан:

– Салим чиққунча мен овқатга қарай, – онам инқиллаб сўридан тушаётган эди, дарвоза томондан шодон қийқириқ эшитилди...

– Ур-ре! Кичик дадам кептилар!

Акамнинг икки ўғли ҳовлига отилиб кирди. Ўқдай учиб келиб, иккаласи икки томондан ётишди. Иккови аллақадарда роса футбол тепган шекилли, терга ботиб кетган. (Ў. Ҳошимов. “Ҳадикли тушлар”)

Шу пайт болаларнинг “Урра. Туя қайтиб келяпти!” – дея қичқириқлари янграй бошлади. Паризода тез дўнг тепа устига чиқиб қаради ва қувониб қичқирди:

– Ойи қаранг, онам туясини ушлаб олибди! Уни етаклаб келяпти. (Н.Ҳошимов. “Эр либосли аёл”)

Урра ундов сўз-гапи инглиз тилига *hurrah* шаклида таржима қилинади. Бу ундов кичик ёшдаги болалар нутқида кам ишлатилади.

Инглиз болалари хурсанд бўлиб кетишганда Wow! ёки Yay! ундов сўз-гапларини ишлатадилар. *Hurrah* ундови эса катталар нутқида учрайди:

Yay! *I’ve finished my exam!*

Бизнингча, ёш болалар нутқида *hurrah* ундовига қараганда уаунинг ишлатилишига унинг осон талаффуз қилиниши сабаб бўлади. Масалан:

Here’s Martha, mother!” said a girl, appearing as she spoke.

Here’s Martha, mother!” cried the two young Cratchits. “Hurrah! There’s such a goose, Martha! (Ch.Dickens. “A Christmas Carol”)

Then he took the skulls and put them in the lathe and turned them till they were round. ‘There, now they will roll better!’ said he. ‘Hurrah! now we’ll have fun!’ He played with them and lost some of his money, but when it struck twelve, everything vanished from his sight. (The Brothers Grimm. “Grimm’s Fairy Tales”)

Кичик ёшдаги ўзбек болалари нутқида *оҳ-оҳ-оҳ* ёки *аҳ*, инглиз болалари нутқида эса *уит*, *уитту* ундовлари ҳам фаол ишлатилади. Бу ундовлар мазали таомни еганда ёки кўрганда айтиладиган унов сўзлардир.

Ваҳ ундови ҳам болалар нутқида кўп ишлатиладиган сўздир. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу сўзнинг бировни чўчитиш учун тўсатдан, билдирмасдан айтилиши кўрсатилган. Масалан, *Орқадан келиб, “ваҳ” деса, бир чўчиб тушибман*¹³². Фикримизча, бу изоҳ унинг тўла маъно имкониятини камраб ололмаган, яъни луғатда унинг бошқа маъно оттенкалари берилмаган. *Ваҳ* ундови нутқда бўҳ шаклида ҳам учрайди. Бу унов ўрта ёшлилар нутқида ҳазил қилишда ҳам ишлатилиши мумкин.

Инглиз болалари нутқида эса бировни чўчитиш мақсади учун “*Boo!, booh*”: «*My brother scared me when he jumped out from behind the door and shouted ‘Boo!’*» ундовлари қўлланилади.

Шуниси характерлики, нутқда *ваҳ* ундови бошқа маъноларда ҳам ишлатилади. Қуйидаги гапларда *ваҳ* уновининг катталар нутқида афсусланиш, иложсизлик, куйиниш, ачиниш, изтироб сингари маънолари билан бирга ҳузурланиш, ҳайратланиш ҳис-туйғусининг реаллашувига хизмат қилганлигини кузатиш мумкин:

1. *Кесакполвон Ойсанамни дуркун қизалоқ пайтида кўрган эди. Илёсов никоҳлаб олгач, меҳмонга бориб жувонни кўрди-ю, “Ваҳ!” деб юборишига озгина қолди. «Кўлимга қўниб турган шундай қушчани учуриб юбордимми?!» деб афсусланди. Кейин эса «Гидамни ўзимга яқин одамга сотибман, хоҳлаган пайтимда бир чеккасида ўтириб тураман», деб ўзини овутди. (Т.Малик. “Шайтанат”)*

2. *Муштарий бир оз жим турди. Худди сукунатга қулоқ тутиб опаси айтмоқчи, ҳилолнинг шивирлашларини эшитгандек бўлди. Сўнг бошини қўтариб, Чўлнонойга тикилди:*

¹³² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд.— Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. — Б. 450.

– Оллоҳ, Оллоҳ, айрилиқ шомининг зимзиёлиги қанчалар дилни хуфтону жонни саргардон этгувчи эмиш.

Чўлноной синглисининг дардли гапларини эшитиб, кулимсиради-да, қошлари, юзларини силай туриб, деди: – Ваҳ, вах! Висол тонгининг равшанлиги қанчалар дилга ёқимлигу жонни қувонтиргувчи эмиш... (Т.Малик. “Шайтанат”)

Ўзбек аёллари ва эркаклари нутқида бошқа миллат вакиллари нутқида жуда кам кузатиладиган ўзига хос мурожаат ундовларининг ишлатилиши алоҳида аҳамиятга эга. Аксарият ўрта ва ундан каттароқ ёшли аёллар турмуш ўртоғига *дадаси, отаси* деб, эркаklar эса *онаси, аяси* деб мурожаат қилишади. Баъзан эркаklarнинг аёлига *хай, ҳей, ҳўй, эй, э*, баъзи худудларда *оҳай* деб мурожаат қилиши ҳам кузатилади. Бу ўзбек халқига хос одат, анъана ҳисобланади. Унга кўра ўзбек халқида эр ва хотиннинг бошқалар олдида бир-бирининг исмини айтиб чақириши уят ҳисобланган. Бу анъана ҳозирда ҳам айрим жойларда давом этиб келмоқда. Қуйидаги матнга эътибор қаратамиз:

Махдум бу хабарни илгаридан кутиб турган бўлса ҳам яна шошиб қолди. Сўйинчига келган йигитни тўхтатиб қўйиб, дарҳол икки болани меҳмонхонани супуриб жой солишқа буюрди ва бошқа болаларни ёппа озод қўйиб юборди. Алпанг-талпанг ичкарига кириб, ўқуғучи қизлар ичида Нигор ойимни ўз ёнига чақирди:

– Хай, – деди, – *Анварингдан киши келди, сандигингни оч-чи!*

Нигор ойим махдумнинг шошиб айткан бу сўзига тушунмади.

– *Анвардан нима учун киши келади, сандиқни нега очай?*

– Хай, *аҳмақсан*, – деди махдум энтикиб, – *Анвар ёрлиг олган, сўйинчига йигит келди; сандиқни очиб, шунга бир нарса бериб юборайлиқ, дейман, тез бўл!* (А.Қодирий. “Меҳробдан чаён”)

Инглиз тили эгалари ёшидан қатъи назар бир-бирларига исмлари билан мурожаат қиладилар. Бир-бирларига эркалаш сўзлари билан мурожаат қилиш

уларнинг ҳам маданиятига хос. Улар ўз турмуш ўртоқларига мана шундай мурожаатлар орқали муносабатини билдириб туришади.

Ё+пир бирикмаси нутқда фақат I шахс бирлик шаклида *Ё пирим* тарзида қўлланилади. Бу мурожаат шаклининг маъносида кенгайиш юз берган. Дастлаб, *ё пирим* дейилганда мурожаат маъноси кучли бўлган. Масалан:

Ё пирим, дея, жойидан қўзғалди. Оёқланиб, қалқиб-қалқиб олди (Т.Мурод. “От кишнаган оқшом”)

Ё пирай тарзида қўлланганда ҳайратланишни ифодалайди: *Ё пирай, сен қаёқдан пайдо бўлдинг!?¹³³*.

Ё пирим, Ё пирай! сўз-гаплари, асосан, кексалар нутқида кўп учрайди. Кексалар ўринларидан тураётганда, ўтираётганида, бирор нарсани даст кўтаришда мадад сўраш мақсадида шу бирликни ишлатадилар. Масалан:

– *Унинг бошига тушган таъвишни билмаганлар орасида шивир-шивир гап ўрмалаб қолди. Зирилламадан келган полвон қарқиноқдан чиққан булбул экан. Кечаги келганлари нўкиллаб қолди дейишяпти. Канал битишига жиндек қолди. Наҳотки, “ё пирим” деб, бир кетмон уролмаймиз.* (С.Аҳмад. “Уфқ”)

Ҳар кун тонг қоронғисида ишга тушиб, то пешин намозига қадар ҳеч қаёққа қўзғалмайдиган «бачканадўз» бу кун қиём бўлмасданоқ дўконхонадан чиқди. У эриб билч-билч лойга аралашган ифлос қор ва балчиқ сув билан тиззага қадар тўлган кўчанинг бир четидан юриб, деворларга тиралиб, катта ҳассасини авайлаб қўя-қўя, ҳар қадамда “ё пирим!” деб базўр гузарга чиқди. (Ойбек. “Қутлуғ қон”)

Мазкур мисолларда қўлланган *ё пирим* сўз-гапи ҳайратланиш, ажабланиш маъноларини ҳам ҳосил қилган

¹³³ Каримов С.А. Ўзбек тилининг грамматик услубияти. – Самарқанд: Алишер Навоий номидаги СамДУ, 2012.

Қуйидаги контекстда эса *ё пирим-ей* шаклида такрор ишлатилиб, хайратни янада кучайтирган. Бу кўринишдаги ифода аёллар нуткида кўп учрайди:

– *Тегмайман, калласи кал, – дебди.*

Ё, пирим-ей, ё пирим-ей! Кал бўлса нима бўпти? Гап жундами? Жунда ақл борми, хоҳлаган ерига бита беради-да. Бировга қуюқ битади, бировга сийрак битади. Яна бировга биттада битмайди. Бу яратганнинг иши-да! (Т.Мурод. “От кишнаган оқшом”)

Ё Оллоҳ, Ё раббим, Ё фалак, Ё тавба, Ё алҳазар каби сўз-гапларнинг ҳам ажабланиш, хайратни ифодалаш учун ишлатилиши кузатилади. Бу бирликлар нафақат кекса ёшдагилар, балки ўрта ёшдагилар, баъзан ёшлар нуткида ҳам учрайди:

1. *У отхонага боргач, Шоқосим қичқирди:*

– *Хўжайин, бугун нича эртароқ уйғонибсиз? – Парнихўжа ёгчи жавоб бериш ўрнига, чўзибгина: “Ё Олло!” деди ва отлар орасида туртиниб, чўп-хашак қидира бошлади. (Ойбек. “Қутлуғ қон”)*

2. *Шу баҳона келингизни ўпиб олмоқчи эдим, даврада “Лазги” авжига чиқди. Кокилахоннинг бояги ўйинлари гап эмас экан! “Лазги”га гал келганида шунақанги учиб кетдики! Ё тавба! Одам боласиям шунчалик бўладими!*

Ё алҳазар! Суяги йўқ-ку, бунинг! (Ў.Ҳошимов. “Икки карра икки беш”)

Шуни қизиқки, бундай бирликлар диний илмлардан хабардор бўлган кишилар нуткида кўп ишлатилади. Ёш болалар нуткида бундай сўзлар деярли учрамайди.

Маълумки, тилимизда араб тилидан ўзлашган диний терминлар талайгина. *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм, Алҳамдулиллаҳ, Оллоҳу акбар, Иншооллоҳ, Астағфируллоҳ, Аллоҳу акбар, Субҳаноллоҳ, Омин* кабилар шулар жумласидандир. Булардан болаларга энг биринчи ўргатиладигани *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм* ва *омин* ҳисобланади. Мусулмон оилаларда болаларга овқат ейишга қўл узатишдан олдин, албатта, “*Бисмиллаҳир*

роҳманир роҳийм”ни айтиш, овқатланиб бўлингач, омин қилиш уқтирилади. Бу бирликлар ўзлаштирилгач, уларни қўллаш мусулмон оила фарзандининг доимий одатига айланади.

Ўзбек мулоқот маданиятида кексалар нутқи ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Кексалар мулоқот жараёнида нутқий этикетларга амал қилган ҳолда гапирадилар. Бундан ташқари, уларнинг нутқида панд-насиҳатларнинг кўп учраши ҳам алоҳида эътиборга лойиқ:

– *Омин! Ой бориб, омон келинлар. Мазза қилиб дам олинлар, лекин Хўжақўчқорнинг суви кўп бўлса, тушманлар. Хўпми, Жўражон? Келинжон, сиз, кўз-қулоқ бўлиб турунг. Мен у шаршарани биламан, тошдай келиб уради одамнинг елкасига. Хўпми... Айтмоқчи, сизларнинг хотинларинг ҳам боради-я?.. Ҳа-а, ҳа, уларнинг ҳам эси бор. Кечга қолманлар, тоғ совуқ бўлади, келинжон, тайинланг буларга. Булар ҳазил-ҳазил билан қоп кетаверади-ям. Хўпми? Мен кечқурун попукли палов пишириб тураман. Виллис-а мошиналаринг? (Ш.Холмирзаев. Сайланма).*

Ушбу матндан нутқ эгасининг кекса инсон эканлиги сезилиб турибди. Демак, адиб кекса инсон нутқини яратишда унинг нутқида қўлланувчи бирликларни тўғри ва мақсадга мувофиқ тарзда танлай олган.

Маълумки, ўзбек тилидан ўрин олган диний терминлар нафақат диний муассаса кишилари нутқида, балки турли соҳа вакиллари нутқида қўлланади. Инглиз халқи (айниқса, Буюк Британияда) эса нутқида диний сўзларни қўллашдан иложи борица қочадилар. Диний сўзлар, асосан, руҳонийлар нутқида учраши кузатилади.

Юқорида берилган терминлар, асосан, ўзбек тили эгаларида ўзаро мулоқот жараннида қўлланилади:

– *Астагфидуллоҳ! Кимни қандай синашни ўргатмоқ оғиз бандаларнинг юмуши эмас. Кимни иймонга қайтарми ё йўқми, деб синаса, кимни иймони нақадар собит эканини аниқламоқдир, валлоҳи аълам... (Т.Малик. “Ов”)*

– *Хато қилмасам жаноблари мирзо Анварнинг устозлари бўлсалар керак?*

– *Фақир...*

– *Уй ичлари билан хўб саломатмилар?*

– *Алҳамдулиллоҳ.*

Махдумга кутулмаган равишида меҳрибон муомала қилгучи бу ўрдалиқ қирқ ёшлар чамасида, узун бўйлиқ, қора узун соқоллиқ, симоби салласининг пешини туширган қорачатуслик бир йигит эди. (А.Қодирий. “Меҳробдан чаён”)

Ўзбек ва инглиз тилларида *Оллоҳ* терминининг қўлланишида ҳам фарқли жиҳатлар кузатилади. Бу термин ўзбек тилида *Худо* вариантыга ҳам эга, инглиз тилида эса *God* термини ишлатилади. *Оллоҳ*, *Худо*, *God* терминларининг мурожаат birlikлари вазифасида қўлланишида ҳам ўзига хос жиҳатлар мавжуд.

Ўзбек тилида *Оллоҳ*га мурожаатда қуйидаги birlikлардан фойдаланилади: *Оллоҳ! Оллоҳим-ей! Ё Худо! Ё Оллоҳ! Ё парвардигор! Э парвардигорим! Э Худойим! Э Оллоҳим! Вой худо! Вой худойим! Ё раб! Ё раббий! Ё тангрим!*

Инглиз тилида эса қуйидаги birlikлар мурожаат шакллари сифатида қўлланилади: *God! My God! Oh God! Oh, my God!* Шунингдек, нутқда буларга синоним бўлган *Lord! My Lord! Good Lord!* birlikлари ҳам учрайди.

Ўзбек тилида *Оллоҳ*га мурожаат шакллари таркибида кўпинча э, эҳ, ё, о, оҳ, ў, эй, вой ҳис-ҳаяжон ундовларининг қўлланилиши характерлидир. Бу ундовлар мурожаатни кучайтиришга хизмат қилади, унинг таъсир кучини оширади. Масалан:

Худойдод ҳам, Худоёрхон ҳам ўша кечаси мижэса қоқишмади. Икки кўзлари телефонда бўлди. Ниҳоят тоқати тоқ бўлган Худойдод ўзи телефон рақамларини терди.

– *Қаерда юрибсан, ярамас?! Нега қўнгироқ қилмайсан?! – дея ўшқириб берди у жаҳли чиқиб.*

– *Иш чатоқ, ака!*

– *Хўш-хўш, гапирсанг-чи!*

– *Омонзодани ўлдиришибди.*

– *...Э худойим-ей! Худо раҳмат қилсин.*

– *Хуллас, ака, гап бундай, Омонзода қамалмаган экан. У қочиб кетмоқчи бўлганида отиб ташлашибди. Қамалган Нурмат ака билан уйнинг эгаси экан. (Н.Ҳошимов. “Чаёнлар сўқмоғи”)*

– *Тўлқин амакиникига, Тўлқин танкникига тўйга деб қичқиринглар, овозларинг Вахшворга етсин, – деди хўрсиниб синиқ оҳангда. – Ҳа, шундай денглар, болаларим. Бугун Тўлқин танк тирилган кун. Тўлқин танк овозларингни эшитадиган кун. Бугун Тўлқин танк ҳаммаларингни кўриб, билиб ётибди. – Сўнг ўзича: – Эҳ, худойим-а, тақдири-амал дегани шумикин? – деб қўшиб қўйди. (Қ.Норқобил. “Осмон остидаги сир”)*

Инглиз тилида эса юқорида кўрсатилган мурожаат шакллари таркибида *О* ёки *Oh* ундовлари қўлланиши мумкин. Бу бирликлар ўрта ёшдаги кишилар ҳамда кексалар нутқида учрайди. Масалан:

Jonathan kept looking after him, and said, as if to himself,

“I believe it is the Count, but he has grown young. My God, if this be so! Oh, my God! My God! If only I knew! If only I knew!” He was distressing himself so much that I feared to keep his mind on the subject by asking him any questions, so I remained silent. (Bram Stoker. “Dracula”)

“Of course not,” said Lady Tamplin. “She has been a companion, I tell you. Companions don't play tennis – or golf. They might possibly play golf croquet, but I have always understood that they wind wool and wash dogs most of the day.”

“O God!” said Mr. Evans; “do they really?”

Lenox drifted upstairs again to Katherine's room. (A.Christie. “The Mystery of the Blue Train”)

“Good Lord! Sir William, how can you tell such a story? Do not you know that Mr. Collins wants to marry Lizzy?” (J.Austen. “Pride and Prejudice”)

Маълумки, суҳбатдоши шаънига дуо қилиш, аксарият ҳолларда, ёши улуғ ўзбек онахонлари нуткида кузатилади. Ўзбек тилидаги дуолар узун жумлалар шаклида тузилади. Инглиз тилида эса улар қисқа шаклга эгаллиги билан характерланади¹³⁴.

Ўзбек онахонларининг кўли ҳамиша дуода, шунингдек, оталаримиз ва боболаримиз ҳам дуо қилишда қолишмайди. Албатта, дуо қилиш жараёнида *илоҳим, илоҳи, илойим, илоё, илоҳо омин, омин, аллоҳу акбар* каби ундов сўз ва бирикмалар кўп қўлланилади. Масалан:

... *Ниҳоят, қариянинг фотиҳаси, яъни:*

– *Омин, мурод-мақсадларингга етинглар. Юртимиз тинч, бой-бадавлат бўлсин, илойи. Озодликнинг нашидасини, сизлар айтгандек, суриб юрайлик бизлар ҳам...* – деганидан кейин саёҳатчилар қўзғалишди. (Ш.Холмирзаев. Сайланма)

Инглиз тилида эса дуолар қуйидагича ифодаланади:

Then Bob proposed:

‘A Merry Christmas to us all, my dears. God bless us.’

Which all the family re-echoed.

‘God bless us every one.’ said Tiny Tim, the last of all. (Ch. Dickens. “A Christmas Carol”)

God bless дуоסי *Оллоҳ асрасин, Оллоҳ ёр бўлсин* маъносида қўлланилади. Шунингдек, баъзан инглизлар нуткида *Amen* сўзининг учраши ҳам кузатилади: *“Amen” he said, then added, “I spoke to Martha”* (<https://www.yourdictionary.com>) Англашиладикки, *Омин* сўзи инглиз тилига *Amen* деб таржима қилинади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, айрим ёшларнинг ўз нутқини назорат қилмаслиги, мақбул сўз қидиришда эринчоқлик қилиши, русча терминларнинг ўзбекча муқобилини билмаслиги орқасида варваризмлар нутққа кириб келмоқда. Жумладан, *Эрталаб звонить қилдим, Эртага*

¹³⁴ Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек нутқ маданияти риторик аспектининг чоғиштирма тадқиқи: Филол. фан. д-ри (DSc) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 30 б.

экзамен сдавать қиламан, Ўша приёмнийда ишлаётган йигит жуда симпатичний экан¹³⁵ кабилар. Бундай ҳолатлар сўз-гапларни ишлатишда ҳам яққол кузатилади. Ёшлар нутқида қўлланувчи *молодец, браво, привет, конечно, класс* кабилар шулар жумласидандир. Масалан:

– *Маладес!* – *Раис бува эркалаб елкамга қоқди, – тўғри ўйлабсизлар. Давлат имтиҳонига яхши тайёрланиш керак. – У бир зум жимиб қолди-да, қўшнимизнинг дарвозасига зимдан қараб қўйди.* (Ў.Ҳошимов. “Икки карра икки – беш”)

Директор муовини чуқур хўрсиниб олиб:

– *Озодлик ҳақида ўйлаб қолдим, – деди. – Тўғрими, Шотўра ака?*
– *Канешна, тўғри, – деди Шотўра.*

Мансур унга ялт этиб қаради. (Ш.Холмирзаев. Сайланма)

Бу баҳо Ғилайга ёқиб, хахолаб кулиб юборди. – Эшитдиларингми, вў, класс! – *деди шерикларига қараб. – Ў, бор, қулоққа лағмон осма, – деди ўнг томонда ўтирган бола. – Тўхта, ҳайдама, – деди ғилай Шомил, – ке, братишка, ўтир. Калланг бор экан, сен ҳам зўр бўлиб кетасан. Отинг нима? – Ҳосил. – Класс! Зўр от! Сен прўста Ҳосил эмас, Ҳосилбойвачча бўласан. Кетворган бойвачча бўласан! – Шомил шундай деб унинг елкасига уриб қўйди. Сигаретни очиб биттасини лабига қистирди, сўнг шерикларига тутди.* (Т.Малик. “Шайтанат”)

Албатта, варваризмлар тилнинг софлигини бузувчи бирликлардир. Ҳар бир тил эгаси ўз она тилини ҳурмат қилиши, ўз нутқида эътиборли бўлиши ва нутқида бундай варваризмларни қўлламаслиги лозим.

Инглиз тилида ҳам варваризмлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарият қисмини француз ва испан тилларидан кириб келган сўзлар ташкил қилади. Масалан:

Bon Appétit – Good Appetite (Ёқимли иштаҳа)

¹³⁵ Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. Бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси факультетлари учун қўлланма. – Тошкент, 1993. – Б.51.

Pardon ёки *Pardon me* – Excuse me (Кечирасиз): “*She took my phone,*” *said Hicks. “Pardon? How did she do that?”* (King.S & King O. “Sleeping Beauties”)

Айрим ёшлар, хусусан, 15-25 ёшли ўғил болалар нутқида *вачаач* варваризми ҳам қўлланмоқдаки, у ҳам нутқнинг софлигини бузади. Бу бирлик бирор-бир янгиликни эшитиб, қувонилганда, тенгқурлар ёки кичиклар устидан мазах қилиб кулишда ишлатилмоқда. Масалан:

– *Жияним барча фанлардан аъло баҳо олибди. – Вачааач! Тогасини жияни-да!*

Албатта, бу каби варваризмларнинг миллий қадриятлар, анъаналарга ҳеч бир алоқаси йўқ. Бундай бирликлар нутқ эгаларининг социал мавқеи, қизиқишлари, машғулоти кабилар билан боғлиқ бўлиб, маълум бир шароит ва нутқий вазиятларда ишлатилади. Англашиладики, нутқда учрайдиган бу каби сўз-гапларни социалингвистик аспектда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Боб бўйича хулосалар

Турли тиллардаги олқишлар, қарғишлар, дуоларни қиёсан ўрганишда бу тиллар мансуб бўлган миллатнинг маданияти, миллий қадриятлари, урф-одатлари, диний қарашлари кабиларни инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Эркаланиб гапириш ўзбек ва инглиз аёлларига бирдек хос бўлиб, бу ҳолат уларнинг нутқида ҳам акс этади. Аммо ўзбек аёллар нутқида ишлатиладиган *ўргилай, ўргилиб кетай, онанг (холанг, амманг) ўргилсин, айланай, айланиб кетай, онанг айлансин, жоним тасаддуқ, қуллуқ* каби эркалашни билдирувчи сўз-гаплар, шунингдек, қарғишлар (*жувонмарг бўлгур, қарчинингдан қийилгур* каби) инглиз аёллари нутқида мавжуд эмас. Ушбу бирликларнинг ҳатто инглизча муқобиллари ҳам йўқ.

Ўзбек эркаклари ва аёллари нутқида ҳақорат ва сўкинишни билдирувчи сўз-гапларнинг ишлатилиши борасида катта тафовут кузатилади. Аммо инглиз эркак ва аёлларининг бундай бирликларни ишлатишида сезиларли фарқ мавжуд эмас.

Ўзбек тилида қарғишлар ва ҳақоратни билдирувчи сўзлар бир-биридан фарқланади, инглиз тилида эса бу бирликлар ўртасида фарқ унчалик катта эмас, баъзи қарғиш сўзлари билан сўкиш сўзларини ажратиш қийин. Ўзбек тилидаги деярли барча қарғишлар ва ҳақоратни билдирувчи сўзлар ҳис-ҳаяжон ундовлари билан бирга қўллана олади. Инглиз тилида эса барча ҳақорат сўзларини ҳам ундов сўзлар билан бирга қўллаб бўлмайди.

Ўзбек тилидаги эркалашни билдирувчи сўзлар, қарғишлар, дуолар, ҳис-ҳаяжон ундовлари (*вой, ҳе, ҳа, ҳаҳ* кабилар), ундов сўзлар (*илоҳим, илойим, омин* кабилар), *вой, вуй* ундовларнинг ишлатилиш даражаси эркакларга қараганда аёлларда юқори. Сўкиш, ҳақорат сўзлари эса эркаклар нутқида фаол даражада ишлатилади. Инглиз тилида эса эркалаш, илтимос ва ўтинч сўз-гаплари инглиззабон аёллари нутқида фаол бўлса, қўпол сўзлар ва

қарғишлар эркаклар нутқида кўп қўлланилади. Диний терминлар ҳар икки миллат аёллари ва эркаклари ўртасида деярли бир хил даражада ишлатилади.

Диний терминларни англатувчи сўз-гаплар болалар нутқида учрамайди. Улар кексалар нутқида фаол ишлатилади. Ўзбек болалар нутқида фаол бўлган баъзи ундов сўзларнинг инглизча муқобили инглиз болалар нутқида хос эмас. Уларнинг ўрнига ўша сўзнинг бошқа маънодоши ишлатилади.

III БОБ. СЎЗ-ГАПЛАРНИНГ СОЦИОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Сўз-гапларнинг нутқий актларни ҳосил қилиши

Маълумки, ташқи оламнинг ўзига хос сигнали бўлган сўз воқеликнинг бирор парчаси (предмет, ҳолат, муносабат)ни кўз олдимизда гавдалантиради ёки шу воқеликка тегишли бўлган муайян тушунчаларни англатади¹³⁶. Мана шу гавдаланаётган воқеликнинг янада жонли ифода топиши учун сўз-гапларнинг ҳам ўзига яраша ўрни бор.

“Ҳар бир тилдаги ҳар қандай сўз матнда уч асосий кўринишда ўзаро муносабатга киришади: 1) сўзнинг инсонни ўраб турган воқелик, предметлар ва ҳодисаларга муносабати; 2) сўз орқали инсоннинг ўз фикри, ҳис-туйғу ва истакларига муносабати; 3) бирор сўз орқали тилдаги бошқа сўзларга муносабат”¹³⁷. Б.Н.Головин қайд этган бу хусусият сўз-гапларга ҳам тааллуқли бўлиб, улар матн таркибида қўлланар экан, улар нафақат денотатив, балки прагматик хусусиятларини ҳам намоён этади. Сўз-гапларнинг мулоқотдаги прагматик “юки” ниҳоятда катта. Жумладан, сўз-гаплар турли нутқий актларни ҳосил қилишда иштирок этади. Қуйида айни шу муаммони таҳлил қиламиз.

Прагмалингвистика тилшуносликнинг алоҳида йўналиши бўлиб, унинг тадқиқот доирасига мулоқот жараёнида лисоний бирликларни танлаб олиш, уларни қўллаш ҳамда ушбу қўлланишдаги бирликларнинг мулоқот иштирокчиларига таъсири масалалари ўрганилади. Ушбу қоидалар коммуникация шарт-шароитларига нисбатан, кенг маънодаги контекст сифатида ўрганилади¹³⁸. Прагмалингвистиканинг яна бир муҳим масалаларидан бири нутқий акт назариясидир.

¹³⁶ Ёўлдошев Б. Тилнинг ижтимоий моҳияти. – Самарқанд, 2012. – 76 б.

¹³⁷ Головин Б.Н. Введение в языкознание. – Москва: Высшая школа, 1977. – С. 70.

¹³⁸ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.69.

Нутқий актда савол бериш, хабар етказиш, буюриш, бирор вазиятга изоҳ бериш, ташаккур айтиш, илтимос қилиш, табриклаш, тасдиқлаш, инкор этиш каби турли лисоний ҳаракатлар бажарилади. Англашиладики, нутқий акт инсонлар ўртасида маълум муҳитда, аниқ мақсадда юзага келган лисоний мулоқотдир. М.Ҳакимовнинг қайд этишича, сўзловчи, тингловчи, нутқ объекти – фактик материал ҳамда нутқий вазият нутқий актда иштирок этиши керак бўлган компонентлардир¹³⁹.

Олима М.А.Қурбонова эса нутқий актнинг амал қилиши учун зарур бўлган компонентлар қаторига нутқ иштирокчиларининг умумий тил билими ва тил кўникмасини ҳам киритиш лозимлигини, агар нутқ иштирокчилари тил билимига (хатто имо-ишора тилига) эга бўлмасалар, нутқий акт нафақат томонларга тушунарсиз бўлади, балки унинг амалга ошиши даргумон бўлиб қолишини таъкидлайди.¹⁴⁰ Англашиладики, нутқий акт инсоннинг коммуникатив мақсадини, ички кечинмалари, ҳис-туйғусини тил воситалари ёрдамида юзага чиқарувчи, у ҳақида тингловчига ахборот етказувчи нутқ кўринишидир.

Нутқий акт ҳақидаги қарашлар илк бор Оксфорд университети профессори, файласуф Ж.Остин томонидан илгари сурилган. Олимнинг вафотидан сўнг чоп этилган “How To Do Things With Words”¹⁴¹ китобида унинг нутқий акт масалалари ҳақидаги назарий хулосалари батафсил баён этилган. Ж.Остиннинг нутқий акт ҳақидаги ғоялари бу муаммога бағишланган қатор манбаларда таҳлил қилинган¹⁴².

Ўзбек тилшунослигида нутқий акт муаммосини М.Ҳакимов махсус ўрганган. Олим нутқий акт муаммосини тадқиқ қилишда, асосан, америкалик психолог Ж.Серль концепциясига таянган. У “Ўзбек прагматлингвистикаси

¹³⁹ Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2001. – Б. 108.

¹⁴⁰ Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 32 б.

¹⁴¹ Austin J.L. How To Do Things With Words. – Oxford. Oxford University Press, 1962.

¹⁴² Қурбонова М.А. Болаларга хос нутқий акт турларининг прагматлингвистик таҳлили // Хорижий филология. – 2016. – № 4. – Б. 96.; Сафаров Ш. Прагматлингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 71.

асослари” китобида нутқий акт муаммосини ўзбек бадиий асарларидан олинган мисоллар асосида таҳлил ёритиб берган. Биз бу бобда ўзбек ва инглиз тилларида сўз-гапларнинг нутқий актларни ҳосил қилиши масаласини ёритишда дунё тилшунослигида нутқий акт масалаларига бағишланган мавжуд карашларга асосланамиз.

Одатда, сўзловчи мулоқот жараёнида қандай нутқий акт турини қўллашни ўзи танлайди. Лекин сўзловчининг нутқий акт турини танлаши нафақат коммуникатив мақсади билан боғлиқ бўлади, балки унинг гендер белгиси, ёш хусусиятлари, психологик ҳолати ёки жамиятдаги мавқеи ҳам нутқий актнинг қайси кўринишларидан фаол тарзда фойдаланишини белгилаб беради. Жумладан, М.А.Қурбоновнинг қайд этишича, “мактабгача ёшдаги болалар кўпроқ сўрокни ифода этувчи нутқий акт шаклларида фойдаланадилар”¹⁴³.

Тилшунослар нутқий актнинг кўпинча локутив, иллокутив ва перлокутив акт турларини ажратишни маъқул кўришади. Ш.Сафаров бу ҳақида қуйидагиларни баён қилади: “Нутқий акт мазмуни лисоний ва нолисоний хусусиятлар умумлашмасидан ташкил топишини барча прагматиквистлар эътироф этишади. Уларнинг кўпчилиги нутқий актга уч босқичли фаолият сифатида қараш тарафдоридир. Бу босқичларда уч хил ҳаракат бажарилади. Улар – *локутив*, *иллокутив* ва *перлокутив* ҳаракатлардир”¹⁴⁴. Қуйида сўз-гапларда локуция, иллокуция ва перлокуциянинг ифодаланиши хусусида фикр юритамиз.

Локутив акт тушунчаси *сўзлаш акти*ни англатади. Бошқача айтганда, маълум сўзларни ўша тил қонунияти доирасида талаффуз қилиниши локутив акт демакдир. Тилшуносликда *локутив акт* тушунчаси турлича талқин қилинади. Болалар нутқининг прагматик хусусиятларини ўрганган олима М.А.Қурбонова М.Ҳакимовнинг “сўзловчининг объектив оламда рўй бераётган воқеликни идрок қилиши ва уни вербал ҳамда новербал ифодалаш

¹⁴³ Қурбонова М.А. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 68.

¹⁴⁴ Сафаров Ш. Кўрсатилган манба. – Б.75.

даражаси маълум маънода локуция тушунчасини акс эттиради” деган фикрига қўшилмаган ҳолда, “мулоқотнинг новербал ифодаси нутқий актнинг таркибий қисми бўлса-да, локутив акт билан бир нуқтада кесишмайди” деган ҳулосага келади¹⁴⁵. Бизнингча, М.А.Қурбонованинг *локутив акт* тушунчасига берган тавсифи тўғри.

Ш.Сафаров локутив актга қуйидагича тавсиф берган: “Биз мулоқот жараёнида мазмундор лисоний калимани яратамиз ва уни талаффуз қилиш йўли билан нутқий фаолият бажарамиз, худди шу фаолият ижроси локуция ёки локутив актдир (*locutionary act*). Агарда бирор-бир сабаб билан (тилни билмаслик, гунг бўлиш) мазмундор гап тузилмаса ва у талаффуз этилмаса, локутив ҳаракат юзага келмайди” деган талқини бунинг исботидир¹⁴⁶. Олимнинг фикрича, “*Иссиқ чой дамладим*” гапи фақат ёзувда қолса, локуция йўқ¹⁴⁷.

Инглиз тилшуноси Ж.Юл “локутив акт нутқнинг асосий ёки мазмунли лисоний ифода ишлаб чиқариш акти” эканлигини қайд этган¹⁴⁸. Бу фикрлардан англашиладики, локутив акт талаффуз актидир.

Ў.Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романидан олинган ушбу парчада ўзбек ва немис тилларида ифодаланган локутив акт кўринишлари акс этган:

Чол аввал титради, кейин кўзини очди.

– *Ҳайвонлар!* – деди хириллаб. Қалаштириб сўкди.

– *Гум!* – Укол қилган офицер солдатларга бир имо қилган эди, энди ҳушига келган чолни тагин сувга тикишди.

C. Hoviy hivnak?

M. I don't understand. Sorry.

C. What's your name?

M. My name's Manuel. I'm from Spain. (Liz and John Soars, New Headway).

¹⁴⁵ Қурбонова М.А. Кўрсатилган тадқиқот иши. – Б. 31.

¹⁴⁶ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 75.

¹⁴⁷ Сафаров Ш. Кўрсатилган манба. – Б. 75.

¹⁴⁸ George Yule. Pragmatics. – Oxford University press, 1996. – P. 48.

Сўз-гаплар иллокутив актни ҳосил қилишда ҳам иштирок этади. Маълумки, иллокутив акт нутқ эгасининг муайян мақсадини акс эттирувчи сўзлаш ҳаракати бўлиб, унда коммуникатив мақсад ошкора ёки яширин ифодасига эга бўлади.¹⁴⁹ Сўз-гаплар орқали ҳам нутқда сўзловчининг коммуникатив мақсади (тасдиқлаш, норозиликни баён қилиш, инкор қилиш, муносабат билдириш каби) ифода этилади. Бу ўринда сўз-гаплар иллокутив актни воқелантириб, коммуникатив аҳамиятли бирликка айланади.

Ш.Сафаровнинг қайд этишича, иллокутив куч қисмларининг тузилиши мантикий тартибга эга бўлиб, айнан шу тартиб иллокутив ҳаракатнинг мустақиллигини таъминлайди ва унинг пропозиция актисиз бажарилишига имкон беради. Бинобарин, «*Афсуски!*», «*Вой, худо!*», «*Тавба қилдим!*» каби нутқий бирликлар пропозиция мазмунига эга эмас, лекин улар иллокутив жиҳатдан тўлиқ шаклга эгадир, яъни улар маълум бир контекстда коммуникатив мақсад ва мазмунни ифодалайди¹⁵⁰.

Англашиладики, ҳис-туйғуни ифодаловчи бу каби сўз-гаплар пропозитив мазмунга эга бўлмаса-да, нутқ эгасининг коммуникатив мақсадини юзага чиқариши мумкин.

Юқорида берилган сўз-гапларнинг инглизча муқобиллари бўлган “*Oh my God*”, “*Gosh*”, “*Good grief*” ундовлари ҳам муайян ахборотни ифодаламаса-да, нутқ эгаларининг ҳиссий кечинмалари, воқеликка муносабатини ифодалашига кўра иллокутив актни ҳосил қила олади. Демак, бу ундовлар орқали сўзловчининг коммуникатив нияти ҳиссий кечинмаларини ифодалашдан иборатдир.

Қуйидаги мисолда қайнона ва келин ўртасида бўлиб ўтган мулоқот жараёни ва унда юзага келган иллокутив акт турларига эътибор қаратамиз:

– *Шошма, ойлигингдан нима олиб берай?*

– *Вой. Шу десайиз ойижон...*

¹⁴⁹ Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 32 б.

¹⁵⁰ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б.77.

Кўринадик, нутқда айрим ундовлар ҳиссий муносабат ифодалаш билан бирга, яширин тарзда ахборот ташиши ҳам мумкин. Ушбу матнда қўлланган *вой* ундов сўзи орқали келиннинг қайнонаси гапидан шошиб қолган вақтидаги ҳиссий кечинмаси акс этган. Шу билан бирга, ушбу ундов сўз орқали “*Олиб берасизми, олиб берсангиз яхши бўларди*” ахбороти ҳам англашилади.

– “*Шу десайиз*” олиб берайми?

– ***Вой, йў-йўқ.*** Ишхонамизи олдидаги дўконга японча жемпер келган. Биттасини менга олиб беринг.

Ушбу диалогик нутқда қўлланган *Вой, йў-йўқ* сўз-гапи инкорни ифодалаб келган. *Вой* ундов сўзи эътирозни ифодалаш орқали инкорга қатъийлик маъносини юклаган.

– ***Вой-вой-вой-вой!*** Японча жемпир кийгилари кепти. Ҳа, ўзимизики тешиб чиқадими. (С.Аҳмад. “Келинлар қўзғолони”)

Ушбу матнда қайнона томонидан раддия билдириш актининг ўзига хос усули танланган. Қайнона *Вой-вой-вой-вой* ундов сўз-гапини такрор талаффуз қилиш орқали келини илтимосини киноявий тарзда рад этишни мақсад қилиб олган. Ундов сўз-гап орқали коммуникатив мақсаднинг яширин ифодаси юзага келган. Лекин бундай киноявий рад жавобларини фарзанд ота-онасига, ёшлар катталарга, аёл эрига нисбатан қўлламайди, чунки бундай ифодалар ўзбек маданиятига хос эмас.

Ўзбек болалари нутқда илтимос актининг фаол қўлланилиши кузатилади. Бунда илтимос кўпинча билвосита ифодаланади. Масалан:

– ***Бувижон, жо-он буви!*** Кўчадан чақираётганда Достону-у деб чақирманг. Боллар устимдан кулицияпти (“Тангалик болалар” кинофильми)

Ушбу мисолда бола бувисидан *Достону-у* деб чақирмаслигини илтимос қилган, аммо жумла таркибида *илтимос* сўзи қўлланмаган.

Инглиз болалари эса илтимос актини бевосита ифодалайдилар. Бунда *please* сўзининг чўзиқ талаффузи илтимос актининг бевосита ифодаланишига хизмат қилади:

– *You asked me to make tacos for you today but I think I won't.*

– ***Pleeeasee! Come o-on!***

– *Do you want tacos?*

– *Yeah.*

– *Ask me more!.*

– ***Yep, come o-on. Make me tacos, pleeeasee!*** (Sameer. 9 years old and her mother)

Бу парчада бола ўз коммуникатив нияти, яъни онасидан яхши кўрган таоми – такони пишириб беришини ифода этган.

Ўзбек ва инглиз тилларида сўз-гаплар орқали перлокутив акт ҳам ҳосил қилинади. Перлокутив акт орқали сўзловчи тингловчига нутқий таъсир кўрсатади. Сўз-гаплар иштирокида тузилган буйруқ, илтимос, талаб қилиш кабилар ифодаланган нутқий акт турларида перлокуциянинг амал қилиши кузатилади. Масалан:

– *Тўхтанг! Қулоқни том босганми? А?*

– ***Вой! Менми?***

– *Сизде, сиз. Вой, ойиз ўргулсин сиздан!*

– ***Вой!***

– *Вой, бўйларизга бўйтумор!*

– ***Во-ой!***

– *Вой, мани мутпилм келинимдан ўргилай!*

– ***Во-о-ой!***

– *Ҳой қоқиндиқ, ануви картмончани очингде, ичидаги ҳамма нарсани бу ёққа сочинг-чи! Қани-қани-қани!*

– ***Во-ой! Сумкамиям олақолинг, ойижон!***

– *Ўзим ўргулай сиздан! (С.Аҳмад. “Келинлар кўзғолони”)*

Берилган диалогик нутқда қўлланган *Вой!*, *Во-ой!*, *Во-о-ой!* сўз-гапларининг нутқий таъсир кўрсатиш натижасида юзага келганлиги сезиларли. Масалан, *Тўхтанг! Қулоқни том босганми? А?* сўроқ актига нисбатан ифода этилган *Вой! Менми?* жумласи перлокуциянинг намоён

бўлганлигини англатади. Ушбу жумла коммуникантнинг (келиннинг) кайнонаси гапига нисбатан тўхтаб жавоб қайтарганлигига ишора қилади. Ёки “– *Хой қоқиндиқ, ануви картмончани очингде, ичидаги ҳамма нарсани бу ёққа сочинг-чи! Қани-қани-қани!* нутқий актига нисбатан берилган “– *Во-ой! Сумкамиям олақолинг, ойижон!*” жавоби ҳам перлокутив характерда бўлиб, нутқий таъсир натижасини англатади.

Инглиз тили бу тарзда тингловчига нутқий таъсир кўрсатиш воситаларига эга бўлмаса-да, ўзига хосликка эга. Жумладан, эр ва хотин бири-бирига нутқий таъсирни кучайтириш учун эркалаш-мурожаат бирликларини қўллашади. Масалан: *Dear, can we please go to Hawaii? I really really need a vacation.*

Кўриниб турганидек, ушбу жумлада *Dear* мурожаат бирлиги ва такрор ишлатилган *really really* равишидан бошқа алоҳида сўз-гаплар қўлланмаган.

“*Are you sure?*”

“*Am I sure?*” *Yes, I’m sure, Daniel. God!* (Miranda M, All the missing girls)

Хуллас, ҳар икки тилда сўз-гаплар орқали турли нутқий актлар – локутив, иллокутив ва перлокутив актлар ҳосил қилинади. Сўз-гаплар иштирокида тузилган буйруқ, илтимос, талаб қилиш каби прагматик маънолар ифодаланган нутқий акт турларида перлокуциянинг амал қилиши инглиз тилига қараганда ўзбек тили сўзлашув нутқида кучлироқ эканлиги кузатилади.

3.2. Сўз-гапларда тагмаъно ва пресуппозициянинг ифодаланиши

Инсон нутқ жараёнида воқелик ҳақидаги фикр-мулоҳазаси, ҳиссий кечинмаларини ошкора ифода этиш билан бирга, яширин ифодалаш усулларида ҳам фойдаланади. Албатта, ифодада қандай усулнинг танланиши нутқий вазият ва сўзловчининг ички мақсади билан боғлиқ. Ахборот ошкора ифода этилганда сўзловчи грамматик жиҳатдан тўлиқ шаклланган гаплардан фойдаланади.

Нутқ эгалари фикр ифодалашнинг яширин усуллари кўллашганда сўз-гапларга ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Ўзбек тили эгалари ахборотни яширин ифодалашда кўпроқ *Хўш?* сўроқ актидан фойдаланишади. Инглиз тилида э са бу вазифа *Well?* сўроқ гапига юкланади. Масалан:

– *Пайсаллама! Ҳозир участкавойни чақираман, кўкрагингга “пияниста” деб ёзиб, қўлингга сатил беради. Кўча супурасан. Ўн беш сутка қамалдинг деб шу ерда буйруқ чиқартираман. Хўш?* – *Ака, энди...* (Ш.Холмирзаев. Сайланма)

Ушбу матнда қўлланган *Хўш?* сўз-гапи орқали нутқ эгасининг “Эндиям нима бўлганини гапирмайсанми?”, “Энди тезроқ гапир!” тарзидаги яширин мулоҳазаси англашилади.

Нутқда шу маънода ишлатилувчи *Хўп?* сўзини ҳам учратамиз:

– *Уни излаб уйига ҳам бордим. – Хўп?* (Ж.Раҳмонов нутқидан) – *Уйида ҳам йўқ экан.*

Ушбу матнда қўлланган *Хўп?* сўз-гапи орқали “*Кейин нима бўлди, уни уйидан топдингми, гапир, қулоғим сенда*” тарзидаги яширин ахборот англашилади.

Инглиз тилида *Well?* сўроқ гапи орқали яширин ахборот ифодаланади. Масалан:

“Oui,” said Beauvior, nodding. “When I make a model plane, I have plans. You can’t tell me Gerald Bull made it up as he went along. He might’ve been a genius, but no one could do that. He must’ve had drawings”.

The CSIS agents fell silent. “Well?” asked Beauvoir.

“No plans were ever found,” said Mary Fraser. (Louise Penny. “The Nature of the Beast”)

Келтирилган парчада қўлланган *Well?* сўроқ акти орқали “*Нима дейсизлар?*” ахбороти ифодалаган. Бу сўз-гап ўзбек тилидаги *Хўш?* *Хўп?* сўз-гапларига муқобил бўла олади.

Маълумки, ифоданинг яширин мазмуни хилма-хил, унинг таркиби пресуппозиция, ёйиқ мазмун, йиғиқ мазмун, тағмаъно ва унинг турлича

кўринишлари – лукма, пичинг, киноя, кесатик кабилардан иборат бўлади¹⁵¹. Ўзбек ва инглиз тилларида сўз-гаплар кесатикни ифодалашда ҳам қўлланилади. Қуйидаги мисолларда *Қойил* сўз-гапи икки хил мақсадда қўлланган:

1. *Абдукарим аканинг гапидан мен ўзимни тутиб туrolмадим. Шунақанги қаҳ-қаҳ отиб кулдимки, у юзимга қараб безрайиб қолди.*

– *Қойил!* – дедим мен зўрға ўзимни тутиб. – Тавба, худди кўргандай гапиришади-я, одамлар... Военком тирик, унга жин ҳам урмаган. (Н.Исмоилов. “Ўлимга маҳкум этилганлар”)

2. – *Қойил*, – деди менинг елкамга қоққан Асрор, – қандай қилдингиз? (Н.Исмоилов. “Ўлимга маҳкум этилганлар”)

Берилган мисолларда *Қойил* сўз-гапи турли маъноларни ифодалаган. Аслида бу сўз ижобий маънони ифодаловчи сўз бўлиб, *офарин*, *тасанно* каби ундовлар билан маънодошдир. Лекин биринчи парчадан кўриниб турибдики, *Қойил!* кесатикни ифодалаб келган. Иккинчи парчада эса ўз маъносида ишлатилган.

Инглиз тилида эса *Bravo! Great!* каби сўзлар олқиш ундовлари сифатида ишлатилади. Аммо *Great!* ундови кесатик, истехзони ифодалашда ҳам қўлланилади. Масалан:

Ўз маъносида қўлланган: “**Great**”. *Tibby said, watching her flee. When she turned back to her parents, they were both facing her.* (Ann Brasheres. “The second summer of the sisterhood”)

Кесатикни ифодалаш учун қўлланган: *He paused at length. “I don’t know”. Great. Thanks. “Well, what should I do?” Carmen whispered.* (Ann Brasheres. “The second summer of the sisterhood”)

Нутқда қўлланган тағмаъно ва унинг кўринишларини ўрганиш прагмалингвистиканинг асосий муаммоларидан биридир. М.Ҳакимовнинг қайд этишича, нутқий акт компоненти сифатида адресант-адресат, нутқий

¹⁵¹ Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б.97.

вазият кабилар тушунилса, тагмаънонинг муваффақиятли амалга оширилиши учун, албатта, ана шу компонентларнинг иштироки муҳимдир¹⁵².

Тагмаънога хос хусусиятлардан бири нутқ эгаси мақсадининг яширин ифодаланиши ва унинг рўёбга чиқиш-чиқмаслиги суҳбатдошларга боғлиқ эмаслигини билдиришдан иборатдир. Буни қуйидаги матнда қўлланган *иншооллоҳ* сўз-гапи орқали англаш мумкин :

– *Сафарқул ака, биз сиздан домангир эмасмиз. Болаларингизнинг роҳатини кўринг. Гуноҳларимизни Оллоҳнинг ўзи кечиради. Маҳшаргоҳда ёруғ юз билан кўришини насиб этсин.*

– *Иншооллоҳ...* (Т.Малик. “Сўнгги ўқ”)

Маълумки, *иншооллоҳ* сўзи “Худо хоҳласа, Худога хуш келса”¹⁵³ маъносини англатади. Аслида бу сўз “Оллоҳ истасин, ижобат айласин” маъносига эга. Матнда қўлланган *Иншооллоҳ* сўз-гапи эса сўзловчининг истак-хоҳишини акс эттириш билан бирга “*Илоҳим амалга ошсин, бундан умидимиз катта*” тарзидаги тагмаънони ҳам ифодалайди.

Пресуппозиция нутқда яширин ифодаланган ахборот кўринишларидан бири бўлиб, сўз-гаплар орқали ҳам ифодаланади. Тилшуносликда пресуппозиция ҳақида турлича талқинлар мавжуд. Жумладан, Н.Д.Арутюнова пресуппозицияни “сўзловчиларнинг умумий билиш фонди, уларнинг олдиндан келишуви”¹⁵⁴ деб баҳолайди. В.Гак бу лингвистик ходисани “у ёки бу даражада эксплицит бўлмаган ҳолатда қатнашувчи гапнинг оддий маъно компоненти”¹⁵⁵ сифатида, Е.В.Падучева эса “олдиндан маълум билимлар жами”¹⁵⁶ тарзида тавсифлайди.

Таърифлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, пресуппозиция тил эгаларининг воқелик ҳақидаги умумий билимлари, тил кўникмаларига

¹⁵² Ҳақимов М. Кўрсатилган манба. – Б.97.

¹⁵³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 2-ж., – Б.221.

¹⁵⁴ Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике // Известие АН СССР. Серия лит. и яз. – 1973. Т. 32. Вып. 1. – С. 85.

¹⁵⁵ Падучева Е. В. Понятие презумпции в лингвистической семантике // <http://codenlp.ru/wp-content/uploads/201509/presumption-77.pdf>. – С. 3.

¹⁵⁶ Гак В. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. – М., 1981. – С.14.

асосланувчи, гапда пресуппозицияни ҳосил қилувчи ташқи сигналларига эга бўлган лисоний ҳодисадир. Г.Юл бу ҳақда қуйидаги хулосани баён қилган: “Агар [2a] даги гап p пропозицияни ва [2b] даги гап q пропозицияни ўз ичига олса, $>>$ белгиси пресуппозицияни англатади десак, унинг боғлиқлигини [2c] да акс эттириш мумкин:

[2] a. Mary’s dog is cute. ($= p$)

b. Mary has a dog. ($= q$)

c. $p >> q$ ”¹⁵⁷.

Буни ўзбек тилида қуйидагича талқин қилиш мумкин:

а) Лоланинг акаси келди. ($= p$)

б) Лоланинг акаси бор. ($= q$)

с) $p >> q$

Кўришиб турибдики, тингловчи аввалдан Лоланинг акаси борлиги ҳақидаги маълумотга эга, Лоланинг акаси келиши керак эди, у келди. Агар ахборот инкор шаклини олса ҳам, пресуппозиция ҳолати ўз ўрнини сақлаб қолади. Масалан: *Лоланинг акаси келмади*.

Ҳар икки ҳолатда ҳам Лоланинг акаси борлиги тингловчи учун олдиндан аён.

Хўш, сўз-гаплар орқали пресуппозициянинг ифодаланиши қандай юз беради? Қуйидаги диалогик нутқни таҳлил қиламиз:

– *Домлангиз саломатми?*

– **Шукур.** (А.Қодирий. “Меҳробдан чаён”)

Берилган диалогик нутқда қўлланган *Шукур* сўз-гапи орқали “*Домламнинг соғлиқлари анча яхши*” пресуппозициясини англаш мумкин. Аслида жумла “*Оллоҳга (Яратганга) шукур, домламнинг соғлиқлари анча яхши*” тарзида бўлиб, тежаш тамойили асосида кейинги компонент тушиб қолдирилиб, унинг мазмунини акс эттириш *Шукур* сўз-гапи зиммасига юкланган. Натижада ушбу сўз-гап яширин ахборот, яъни пресуппозиция

¹⁵⁷ George Yule. Pragmatics. – Oxford University press, 1996. – P. 26.

сигналига айланган. Бу ўринда *Шукур* сўз-гапи ҳам тежаш тамойилига учраган.

Шукур сўзининг инглиз тилидаги муқобили *Thank God* бўлиб, нутқда жавоб репликаси сифатида ишлатилмайди ёки кам ҳолатларда ишлатилиши мумкин.

Кўриниб турибдики, таг маъно ифодаланишида ҳар икки тилдаги сўз-гаплар бирдек ишлатилса, пресуппозициянинг ифодаланишида эса фарқ қилади: ўзбек тилида сўз-гаплар нисбатан фаолроқ бўлса, инглиз тилида ундовлар деярли пресуппозиция ифодаламайди.

3.3. Сўз-гапларда социопрагматик тўсиқнинг юзага келиши

Прагматик тўсиқ “меъёрсиз талаффуз, номеъёрий сўз қўллаш, грамматик шакл ва синтактик қурилмаларнинг меъёрсиз боғланиши, функционал услубнинг меъёрсиз қўлланиши натижасида юзага келади; прагматик тўсиқ ҳодисаси тилшунослик позицияси нуқтаи назаридан тадқиқ этилади; прагматик тўсиқ афазия ҳодисасининг таъсирида ифоданинг инкори сифатида намоён бўлади; матнда муаллиф ўз ички ниятини ифодалаш ва образнинг характерини очиш мақсадида прагматик тўсиқдан услубий восита сифатида фойдаланади”¹⁵⁸.

Англашиладики, прагматик тўсиқ бир томондан нутқнинг самарали кечишига салбий таъсир кўрсатиб, мулоқотни қийинлаштирса, бошқа томондан бадий матнда услубий восита сифатида таъсирчанликни ҳосил қилади.

Прагматик тўсиқни юзага келтирувчи ҳодисалардан бири нутқ жараёнида сўзларнинг номеъёрий талаффуз этилишидир. Бадий асарда ёзувчи персонажнинг эмоционал кечинмаларини реал ҳаётдагидек яққол кўрсатиб бериш мақсадида унинг нутқида сўзларнинг нотўғри талаффузини келтиради. Бу ҳолат асарнинг таъсир кучини оширишга хизмат қилади.

¹⁵⁸ Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. –Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 133.

Аммо нутқ органи товушларни талаффуз қилишга тўлиқ мослашмаган болалар ёки нутқ органида туғма нуқсони бўлган кишилар нутқида сўзларнинг талаффузида меъёрий ҳолатнинг бузилиши кузатилади. Шунингдек, сархуш кишилар ёки дорилар таъсирида бўлган кишилар нутқида ҳам сўзларнинг талаффузида бузилишлар кузатилиши мумкин. Албатта, бундай омиллар нутқнинг тўғри идрок этилишига тўсқинлик қилади. Қуйидаги матн парчасига эътибор қаратамиз:

– *Қўй болам, ҳар қанча гапинг бўлса, эртага гаплашасан. – Йўқққ! – деди Маузер оғзидан кўпик сачратиб. – Ё ҳоз-з-зир, ё ҳ-ҳ-ҳеч қачон!* (Ў.Ҳошимов. “Ҳадикли тушлар”)

Ушбу матнда отасининг кирдикорларидан хабар топиб, жаҳл устида ичиб маст бўлган персонажнинг руҳий ҳолати ёрқин тасвирланган. Айниқса, *Йўқққ!* инкор сўз-гапидаги қ товушининг такрорланиши номеъёрий ҳолат бўлса-да, товуш такрори услубий восита вазифасини бажариб, эмоционалликни кучайтиришга хизмат қилган. Шунингдек, матнда берилган *ҳоз-з-зир, ҳ-ҳ-ҳеч* сўзлари ҳам орфоэпик меъёрга мос ҳолда талаффуз этилмаган. Аммо бу ҳолат мулоқот жараёнида прагматик тўсиқни юзага келтириши, натижада тингловчи ушбу сўзларни тез англай олмаслиги мумкин.

Англашиладики, прагматик тўсиқ услубий восита вазифасини бажарганда матнда акс этган ахборотга умуман путур етмайди, аксинча, унинг таъсирчанлиги янада ошади. Моҳир ёзувчилар бундай услубдан унумли фойдаланишади. Масалан:

– *Еттинчидан саккизинчи ноябрга ўтар кечаси қаерда эдингиз? – Ҳ – ҳ – ҳа! Бу ишни менга ёпиштирмоқчимисиз? Овора бўласиз, гражданин терговчи!...*

Бу парчада ёзувчи терговчининг саволларига жавоб бериш жараёнида персонажнинг тутилиб қолганини шу усул билан очиб берган.

Инглиз тилида прагматик тўсиқнинг юзага келишини қуйидаги парчада кузатиш мумкин:

“Shhh!” hissed Professor McGonagall, “you’ll wake the Muggles!” “S-s-sorry”, sobbed Hagrid, taking out a large, spotted handkerchief and burying his face in it. (Rowling J.K. “Hurry Potter and the Sorser’s Stone”)

Бу парчада хўрсиниб, йиғи аралаш айтилган S-s-sorry (Узр) сўз-гапида s ундошининг ноемёрий талаффуз қилиниши натижасида прагматик тўсик юзага келиши мумкин. Яъни тингловчи ушбу сўзни бирданига англамаслиги мумкин. Аммо бадий матнда қўлланган ушбу ҳолат персонажнинг ички ҳиссиётини тасвирлашга хизмат қилган.

Нутқда баъзан сўз-гапларнинг меъёрдан ортиқ қўлланилиши прагматик тўсиқни юзага келтиради. Айрим кишилар суҳбат давомида бир сўзни, айниқса, ундов сўзларни қайта-қайта ишлатадилар. Бу каби такрорлар улар нутқида одатий ҳолга айланиб қолган. Ушбу ҳолат ҳам нутқнинг самарали кечишига тўсқинлик қилувчи омиллардан биридир. Масалан:

Хуржунимни деразага қўйдим. Омонатгина ўтирдим. Сўрашайин деган мақсадда Рихсиевга қарадим.

– *Аҳа, фамилиянгиз нима эди, ука? – сўради Рихсиев.*

– *Зиёдулла кал! – дедим.*

– *Аҳа, ҳа-ҳа-ҳа! Йўқ, фамилиянгиз? Қурбонов? Аҳа, яхши, яхши! Соғлиқ қалай, ўртоқ Қурбонов? Отдай бўлиб юрибсизми?*

– *Шукур, мухбир ака, шукур. Отдай бўлмасакда, юрибмиз. Ишқилиб, бирнави. Ўзингиз қандай, бардамгинамисиз? Болалар чопқиллаб юрибдимми? Қачон бўлса, сизни мақтайман. Мана, биздан-да ёзадиганлар чиқди дейман.*

– *Раҳма-а-ат, раҳма-а-ат. Гап бундай, ўртоқ Қурбонов, мен сиз ҳақингизда радиоочерк ёзаман!*

– *Эб-ей, у нима деганингиз, мухбир ака?*

– *А? Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳа, ўртоқ Қурбонов, ўртоқ Қурбонов! Шунақа жанр бор! Аҳа, публицистик жанр! Бунда қаҳрамонлар мадҳ этилади!*

– *Ҳа-а, хайрият-е. Мен ёмон гапмикин дебман. Энди, мен сизга айтсам, биз унга арзимаймизда, мухбир ака.*

– *Аҳа*, *йўлини қилиб арзиттирамиз-да, ўртоқ Қурбонов. Ўзимизнинг қўлимизда-ю. Мана қогоз, ёзинг. Ручка йўқ? Э, чатоқ-ку.* (Т.Мурод. “От кишнаган оқшом”)

Келтирилган ушбу парчада Т.Мурод мухбир нутқи орқали сўзларнинг ноўрин такрори ва бунда юзага келадиган ноқулайлик ҳолатини моҳирлик билан очиб берган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *аҳа* ундовининг “бировнинг қийин аҳволидан кулиш, масхаралаш, истехзо ва ш.к.ни ифодалаши қайд этилган”.¹⁵⁹ Бу таъриф, бизнингча, унчалик тўлиқ эмас. *Аҳа* ундови сўзлашув нутқида бирор нарсани тушунганлик ёки тўсатдан англаб етганлик, тасдиқни ифода этиш каби маъноларига ҳам эга. Масалан:

– *А-ҳа*, – *Умарбеков қандайдир сиримнинг тагига дарҳол еткандай талтайиб жилмайди. – Тушунарли...* (Ш.Холмирзаев. Сайланма)

Юқорида болалар нутқида товушларнинг нотўғри талаффузи билан боғлиқ ҳолда прагматик тўсиқнинг юзага келиши ҳақида фикр билдирган эдик. М.А.Қурбонованинг қайд этишича, бу ҳолат ҳам баъзан коннотацияни ҳосил қилишга хизмат қилади¹⁶⁰.

Дарҳақиқат, кичик ёшдаги болалар нутқида товушлар талаффузи билан боғлиқ номеъёрий ҳолатлар кўп учрайди. Чунки уларнинг нутқ органлари товушларни талаффуз қилишга ҳали тўлиқ мослашмаган бўлади. Шунинг учун бу ёшдаги болалар айрим товушларни меъёрида талаффуз қила олмайдилар. Бу ҳолат улар нутқини тушунишда баъзан қийинчилик туғдиради. Аммо болалар нутқида шундай сўз-гаплар учрайдики, уларнинг талаффузи номеъёрий бўлса ҳам, кўпчилик учун тушунарли бўлади. Масалан:

– *Яҳмат*, *аммў!* (Ғуламқодирова Мунзира, 4 ёш) (“*Раҳмат*” демоқчи)

¹⁵⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1–жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.129.

¹⁶⁰ Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари. Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 32 б.

Қизчанинг нутқидан кўриниб турибдики, бу ёшдаги болалар кўпинча *p* товушини тўғри талаффуз қила олмайдилар.

Инглиз болаларининг нутқида ҳам бу каби ҳодисаларни учратамиз. Кичик ёшдаги инглиз болалари нутқида *Thank you* сўзининг *Tank you* тарзида талаффуз қилиниши кузатилади. Инглиз тилидаги *th* харфий бирикмаси тилни икки, яъни тепа ва пастки тишлар орасига қўйиб, [θ] тарзида талаффуз қилиниши керак. Шу боис инглиз болалари [θ] товуши талаффузида бироз қийналишади. Масалан:

– *Tank you, mommy!* (Румейса, 3 ёш)

Айрим болалар *excuse me* (кечиринг) сўзини *scuse me* тарзида талаффуз қилишади. Бу ҳолат ҳам прагматик тўсиққа сабаб бўлиши мумкин.

Ахборот-аралашув жараёнини сўзловчи ва тингловчи юзага келтиради. Кечадиган суҳбатнинг самарали бўлиши уларнинг бир-бирини тушунишига боғлиқ бўлади. Қуйидаги мулоқот матнида ҳам прагматик тўсиқ юзага келганлигини кузатиш мумкин:

I: I know some French words, such as : “Jotem”, “Jowezem...”

He: Oh! Go France? Go France?

I: No. I didn’t go to France. But I know these words.

Ушбу матн саёҳатчилар билан бўлган суҳбат ифодаси бўлиб, унда фикр тўғри тузилган грамматик гаплар асосида эмас, балки баъзи сўзлар орқали англаб олинганлигини сезиш қийин эмас. Масалан, *Oh! Go France? Go France* гапида қўлланган *go* ўзбек тилида *бормоқ* маъносини билдиради, *France* сўзи эса *Франция* дегани бўлиб, ушбу жумладан *Сиз Францияга борганмисиз?* ахборотини англаш мумкин бўлади.

Кўринадики, нутқ эгаси инглиз тили грамматикасини яхши ўзлаштирмаганлиги боис гапни тўғри туза олмаган, лекин унда сўзлар фонди бўлганлиги учун фикрини баён этишда улардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилган.

Берилган саволларга жавоб беришда эса аксарият тасдиқ-инкор сўз-гаплардан фойдаланган:

I: Do you have a family? Children?

He: Oh, yes. Three.

My brother: And wife?

He: Oh, no, no! Finish (қўлини крест шаклида қилиб кўрсатди).

Биринчи жавобдан нутқ эгаси, яъни саёҳатчининг оиласи ва уч фарзанди борлиги тушунилади. Иккинчи жавобида қўлланган *no, no* ва *Finish* (йўқ, йўқ, тугамоқ) сўзлари ва юз мимикаси, қўл ҳаракатлари орқали унинг рафиқаси билан ажрашганлигини англаш мумкин бўлади. Англашиладики, ҳаттоки турли маданият вакиллари бўлса-да, сўзловчи ва тингловчи бир-бирини аниқ тушуна олиши учун улардан мулоқот жараёнида лисоний қобилият ва маҳорат талаб этилади. Дарҳақиқат, ўзаро ҳамкорлик, бир-бирини тушунишга интилиш мулоқот самарасининг асосий талабидир¹⁶¹.

Хуллас, сўз-гапларни номувофиқ қўллаш ёки талаффуз қилиш натижасида ҳам прагматик тўсиқ юзага келади. Бундай ҳодиса ҳар икки тилда бирдек кузатилади.

3.4. Сўз-гапларда коммуникатив мақсаднинг бевосита ва билвосита ифодаланиши

Инсон мулоқот жараёнида коммуникатив мақсадини бевосита ёки билвосита усулда ифода этади. Бу икки йўл нутқий актни баён этиш усуллари ҳисобланади. Коммуникатив мақсад, яъни интенцияни бевосита ва яширин тарзда ифода этиш барча халқларга, жумладан, ўзбек ва инглизларга ҳам хос.

Ахборотни билвосита етказиш турли халқларда фарқланади. Масалан, француз халқи бармоқларини бирлаштириб, унинг учини ўпиб қўйиш орқали мақтов, таҳсинни изҳор этишади. Ўзбеклар олқишни ифодалашда бош бармоқни юқорига кўтариб, қолган барча бармоқларни букиб кўрсатиш ҳаракатидан фойдаланишади. Инглизлар эса бу маънони ифодалаш учун бош бармоғи билан кўрсаткич бармоғини бирлаштириб кўрсатадилар.

¹⁶¹ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б.138.

Англашиладики, инсон ҳиссий кечинмалари, воқеликка муносабатини ифода этишда ҳар доим ҳам сўз-гаплардан фойдаланавермайди. Бундай вақтда у ҳиссий муносабатини турли имо-ишоралар, мимик ҳаракатлар ёрдамида билвосита акс эттириши мумкин.

Аммо айтиш жоизки, инглиз ва ўзбек тили эгалари воқеликка нисбатан муносабатини, ҳиссий кечинмаларини, тасдиқ-инкор, таклиф кабиларни ифода этишда бевосита тил воситаларидан фойдаланишни маъқул кўришади. Бунда улар тилдаги мавжуд сўз-гапларга мурожаат қиладилар. Масалан, ўзбеклар илтимосни ифодалашда *илтимос* сўз-гапидан унумли фойдаланишади.

Мулоқот жараёнида *илтимос* сўз-гапи нутқий вазиятга боғлиқ ҳолда турли оҳангда қўлланилади. Оҳанг илтимоснинг кучли ёки кучсиз даражада эканлигини акс эттиради. Масалан:

1. *Кимлардир:*

– *Йўқ, ундай эмас... – дейишди. Энди Исмат уларни босди:*

– *Охиригача эшитинглар. **Илтимос**, оғажонлар... Буюм бир нарсани билар... (Ш.Холмирзаев. Сайланма)*

2. – *Яна ҳақ дейсиз-а, – ғўддиради Эҳсон ва кўкси кўтарилиб тушди, – ўртоқ Эшқувватов, бир минутга бу ёққа киринг. **Илтимос**... Ҳм, майли, мен ўзим бораман! – деди. – Ҳа, ўзим бораман. Аҳвол шундай экан, бошқа илож йўқ... Ҳақиқатан ҳам бугун-эрта бўшман. Ўзим бораман! (Ш.Холмирзаев. Сайланма)*

3. – *Шу... мен ўғил кўрдим. Биласиз-ку... Шунга хурсанд бўлганимдан... келар ҳафта тугруқхонадан чиқади янгангиз... Шунга чилласи чиқмасаям майли, бир зиёфат қилмоқчи эдик. Шунга айтиб келдим. Йўқ демайсиз энди. Биламан, ишли одамсиз. Командировкангиз кўп. Шунга... **Илтимос-да**. Хўпми? Йўқ деманг. (Ш.Холмирзаев. Сайланма)*

4. *Қарасам, дўмбоқ жувон бемалол чойшабни очиб, белимдан пастини ялангочлаяпти. Бир камим шу қолувди!*

– *Доктор! – дедим ялиниб. – Керакмас. Мен соппа-согман! **Илтимос!***

– *Илтимос эмиш!* – кекса дўхтир қалин қошини чимирди. – Булар ҳаммаси олифта! Бронжилет кийса ҳақи кетади! – деди қовогини солиб. (Ў.Ҳошимов. “Ҳадикли тушлар”)

Мисоллар таҳлилидан кўринадикки, нутқ вазияти, тил эгасининг коммуникатив нияти асосида илтимос турли маъно қирраларига эга бўлади.

Инглиз тилида *please* ундови орқали илтимоснинг ифодаланиши кузатилади. Баъзан бу сўз *oh* ундови билан бирга қўлланса, баъзида такрор ҳолда келиб, илтимосни кучайтиришга хизмат қилади. Масалан:

1. “**Oh please.** *Don’t be such a prude.*” “*Well, I like it. The harmonica.*” (N.Hawley. “Before the Fall”)

2. “*Henry, please. I need to walk for a bit – it’ll do me and the baby good. You understand, don’t you? That it’s for the baby?*” (M.Benjamin. “The Aviator’s Wife”)

3. “**Please, please,** *forgive me, Mrs. Lindbergh!*” “*Forgive you? Forgive you for what?*” (M.Benjamin. “The Aviator’s Wife”)

Берилган мисолларда илтимос маъноси бевосита усулда ифода этилган. Илтимос нутқий актнинг билвосита усулида ҳам ифодаланиши мумкин. Бунда *илтимос* сўзи жумла таркибида қўлланмайди.

Бу ҳақда фикр юритар экан, Ш.Сафаров Ж.Сёрль ва унинг издошлари фикрини келтириб, “*Can you pass me salt?*” (*Тузни менга олиб бермайсизми?*) гапида бирламчи иллокуция савол бўлса, иккиламчи ёки билвосита ифодаланаётган иллокуция илтимосдир деган хулосани беради¹⁶².

Дарҳақиқат, инглиз тили эгалари бирор ахборотни билвосита ифодалашда кўпинча сўроқ шаклидаги синтактик қурилмаларга мурожаат қилишади. Жумладан, *Would you ...?*, *Can you...?* ёки *Could you...?* каби сўроқни ифодаловчи синтактик қурилмалар ахборотни билвосита ифодалашда ёрдамга келади. Буларнинг бирламчи вазифаси саволни англатиш бўлса, иккинчи вазифаси илтимосни ёки бирор нарсани беришни

¹⁶²Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 92.

сўраш ҳисобланади. Ушбу синтактик қурилмаларни соф сўроқ гаплар дея оламизми? Бизнингча, уларни Ш.Сафаровнинг тавсифи асосида иккиламчи вазифадаги синтактик қурилмалар, яъни ягона илтимос маъносини ифодаловчи конструкциялар ҳисоблаш мумкин. Негаки бу типдаги синтактик қурилмаларда саволга доим ҳам “*Ҳа*” ёки “*Йўқ*” деб жавоб берилмайди. Агар “*Ҳа, албатта*” деб жавоб бериш мумкин бўлса, у ҳам илтимоснинг бажарилишини ифода этиш мақсадида ишлатилади. Такқослаймиз:

1. – *Can you speak English?* – *Yes, I can.*

2. – *Can you open the door?*

Ҳар икки мисолда гапнинг структураси бир хил, аммо биринчи мисолда соф сўроқ гап ифодаланган. Бу гап “*Сиз инглиз тилида гаплаша оласизми?*” сўроқ мазмунини англатади. Бу каби саволлар, албатта, “*Yes, I can*”(“*Ҳа*”) ёки “*No, I can't*”(“*Йўқ*”) тасдиқ-инкор сўз-гапларини талаб қилади.

Иккинчи мисолда эса фақат илтимос маъноси ифодаланганлиги кўриниб турибди. Бунда *can* ўрнига *could* сўзини бериш ҳам мумкин. Унда илтимос маъноси янада кучли ифодаланади. Сўроқ гапга нисбатан жавоб сифатида айтилувчи “*Yes, of course*”(“*Ҳа, албатта*”) жумласи эса илтимоснинг қабул қилинганлигини англатади.

Ушбу ҳолатда илтимос маъносини кучайтириш учун кўпинча *please* (илтимос) сўзи ҳам бирга қўлланади. Масалан:

Could you give me that book, please? (Анави китобни бериб юбора оласизми, илтимос)

Бу саволга қуйидаги сўз-гапдан фойдаланилади: *Yes, please* (Ҳа, марҳамат), *Here (you are)* (Мана, марҳамат)

Булар қаторига *Would you like...?* иборасини ҳам киритиш мумкин. Аслида сўроқ кўринишга эга бўлган *Would you like ...?* ибораси таклифни англатади. Бу иборанинг бирламчи вазифаси савол бўлса, иккиламчи вазифаси таклифни ифодалашдан иборат. Масалан:

– *Would you like an apple?* (Олма ейсизми?)

– *No, thank you.* (Йўқ, раҳмат).

Ўзбек тили эгалари таклифни ифодалашда аксарият ҳолларда “Олмадан энг” ёки “Олмадан олинг” гапларини қўллашади.

Демак, бу каби сўроқ шаклидаги синтактик қурилмаларга жавоб тариқасида тасдиқ-инкор ёки таклиф-ишора сўз-гапларидан фойдаланилади. Бундай синтактик қурилмаларда сўроқ билан бирга таклиф ҳам ифодаланиб, бу маънолар бир-бири билан узвий боғланган ҳолда нуткий актнинг мазмуний мундарижасини ташкил қилади.

Хуллас, ўзбек ва инглиз тилларида сўз-гаплар орқали коммуникатив мақсад бевосита ва билвосита ифодаланади.

3.5. Сўз-гапларда ижтимоий муносабат тамойилининг ифодаланиши

Мулоқот жараёнида коммуникантларнинг бир-бирига бўлган ижтимоий муносабатини акс эттирувчи категориялардан бири ҳурмат тамойилидир. Ш.Сафаровнинг қайд этишича, прагматик талқинда ҳурмат тамойили ижтимоий муносабат тамойилидир. Ҳамкор-суҳбатдош шахсига эҳтиром мазмунидаги ушбу тамойил лисоний ва нолисоний мулоқотнинг барча турларига хосдир.¹⁶³ Дарҳақиқат, ҳурмат тамойили асосида олиб борилган суҳбат мулоқотнинг самарали кечишида муҳим ўрин тутди. Мулоқот давомида суҳбатдошлар сўзлаш ва тинглаш маданиятига эга бўлсалар, улар ўртасида ўзаро ҳурмат вужудга келади. Бу ҳақидаги фикрлар буюк аждодларимизнинг шарқ миллий маданияти дурдоналари бўлмиш ноёб асарларида ўз аксини топган ва авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Ғарб тилшунослигида тилда ҳурмат тамойилининг ифодаланиши масаласи бўйича турлича қарашлар билдирилган. Ш.Сафаров ғарб тилшуноси Ж.Личнинг ҳурмат тамойили ҳақидаги фикрлари ва шарқнинг буюк мутаффакири Қайқовуснинг панд-насихатларини бир-бирига таққослаб қуйидаги мулоҳазаларни баён қилади: “Ж.Лич ҳурмат тамойилини

¹⁶³ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.131.

куйидагича таърифлайди: «Кўпол фикр ва ҳукм ифодасини имкони борида (мавжуд вазиятни инобатга олган ҳолда) камайтириш». Ушбу тавсифнинг Кайковус «Қобуснома»сидаги пандга қанчалик мос келишини қаранг: “Совук сўзлик бўлмагил. Совук сўз бир тухумдир, ундан душманлик ҳосил бўлур”¹⁶⁴.

Шу ўринда америкалик руҳшунос олим Дейл Карнегининг муомала маданиятига доир олтин қоидаларини эслатиб ўтмоқчимиз: 1. Дастлаб ўз хатоларингиз ҳақида сўзланг, сўнгра суҳбатдошингизни танқид қилишингиз мумкин. 2. Суҳбатдошингизга буйруқ ўрнига савол беринг. 3. Одамларни кичкина ютуқлари учун ҳам мақтанг. 4. Одамларнинг обрўсини жойига қўйиб муомала қилинг. Шунда улар сиз кўрсатган обрўга яраша иш қилишади¹⁶⁵.

Маълумки, *ҳурмат* тушунчаси умуминсоний тушунчалардан бири бўлиб, уни ифода этишда, албатта, муомала меъёрларига амал қилинади. Муомала меъёрлари лисоний онгда муҳим ўрин олиб, турли лисоний қолиплар, стереотиплар кўринишида шаклланади ва нутқий фаолият жараёнида тайёр тузилмалар сифатида қўлланилади. Бундай қўлланишда асосий эътибор суҳбатдошга нисбатан ҳурмат кўрсатишга қаратилади, бошқача айтганда, коммуникантлар ҳушмуомала бўлишга ҳаракат қилишади.¹⁶⁶

Ҳар бир миллатнинг ўз миллий-маданий хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳурматни ифодалаш усуллари белгиланади. Умуман, нафақат ҳурмат, балки салом бериш, миннатдорчилик билдириш, ҳайрлашиш, илтимос қилиш ёки суҳбатдошининг фикрларини тасдиқлаб туриш каби барча миллатлар учун тушунарли бўлса-да, уларнинг ифода этилишида турлича ёндашувлар кузатилади. Жумладан, ўзбек тили эгалари миннатдорчиликни ифода этишда “*Раҳмат*” сўзини қўллайдилар, баъзан бу сўзни айтиш билан чегараланмай,

¹⁶⁴ Сафаров Ш. Ўша манба. – Б.132.

¹⁶⁵ Бу ҳақда қаранг: Сафоев Н.С., Гаффоров Б.Т. Муомала сирлари. – Тошкент, 1992. – Б. 37.

¹⁶⁶Рахимов Ғ.Х. Инглиз тилининг Ўзбекистонда тарқалиши (Социолингвистик ва прагматик жихатлари): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2017. – Б. 154.

суҳбатдошига нисбатан ҳурматни намоён қилиш мақсадида ўнг қўлни кўксига қўядилар ёки қўл қовуштириб, таъзим қиладилар. Масалан:

1. *Қумрихон она ўрнидан каловланиб туриб кетди. Худди шоҳ ҳузурига кириб қолган канизакдай қўлларини кўксига қўйиб:*

– *Раҳмат, болам, раҳмат, – деди ва қўллари бирдан қалтиради, кўзлари йилтиради. – Болам! –У титраб-қақшаб режиссёрнинг елкасини силади. Режиссёр энгашиди. Она унинг пешонасидан ўпди. – Мингга киринг, болам!* (Ш.Холмирзаев. Сайланма)

2. ... *У дарвозадан кириб, супага ўн-ўн беш қадам қолганда, қўл қовуштириб, таъзим билан: «Ассалому алайкум» деди.* (Ойбек. “Қутлук қон”)

Таом истеъмол қилгач, миннатдорчилик билдириб, раҳмат айтиш ҳам қарийб барча миллатларга хос. Ғ.Х.Раҳимовнинг маълумот беришича, бундай вазиятда руслар, руминлар, немислар ва бошқа европаликлар “*Раҳмат*” сўзини бевосита қўлласалар, французлар “бошқа бирор нарсани” айтишни маъқул кўришади.¹⁶⁷ Олимнинг фикрига кўра ўзбеклар ва бошқа ислом маданияти вакиллари бу ҳолатда “*Худога шукур*” калимасини айтишни ўринли деб билишади. Бу ҳолат ҳурматни билдирувчи ибораларнинг тарихан сеҳрли дуо, илтижоларга бориб тақалишининг яна бир исботидир.¹⁶⁸

Дарҳақиқат, овқатдан сўнг айтилувчи “*Худога шукур*” калимаси Оллоҳ томонидан мана шу ризқ берилганига шукур келтиришни англатади.

Шу ўринда *шукур* сўз-гапига изоҳ бериб ўтсак. *Шукур* ундов сўзи араб тилидан ўзлашган бўлиб, мамнунлик, қаноат ҳиссини билдиради. *Шукр* сўзи эса унинг бирлик шакли¹⁶⁹ ҳисобланади. Сўзлашув нутқида бу икки вариантнинг ишлатилишида фарқ сезилмайди.

Англашиладики, миннатдорчилик ҳиссини билдиришда Оллоҳга нисбатан *шукур*, инсонга нисбатан эса *раҳмат* сўзи қўлланади.

¹⁶⁷Раҳимов Ғ.Х. Инглиз тилининг Ўзбекистонда тарқалиши (Социоллингвистик ва прагматик жиҳатлари): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 157.

¹⁶⁸Раҳимов Ғ.Х. Кўрсатилган тадқиқот. –Б. 157.

¹⁶⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 5-ж. – Б.5.

Инглиз тили эгалари таом тановвул қилгач, ўз миннатдорчиликларини, асосан, “*Овқат учун раҳмат, азизам!*” ифодаси орқали маълум қилишади. Лекин ўзбек оилалари берилган таом учун миннатдорлик ҳиссини “*Овқат ширин чиқибди, қўлларингиз дард кўрмасин*”, “*Овқат мазали бўлибди, мазза қилдик*” каби ифодалар орқали билдиришни афзал кўришади. Бу каби калималар кўпинча овқат тайёрлаган уй бекаларига, келинларга қарата айтилади. Ўзбек оилаларида овқатга берилган мана шундай ижобий баҳо миннатдорлик ифодасини англатади.

Нафақат таом истеъмол қилингандан сўнг, балки бошқа вазиятларда ҳам миннатдорлик ифодалашнинг мана шундай қолиплашган шаклларида фойдаланиш ўзбеклар нутқида хос хусусиятлардан бири саналади.

Шукур, Оллоҳга шукур кабилар ҳар бир мусулмон нутқида такрор ва такрор ишлатилиб турувчи фаол бирликлардир. Бундай бирликларни айниқса, кекса отахон ва онахонларимиз нутқида кўп ишлатишади. Шунингдек, турли ёшдаги кишилар ҳам бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашганда “*Шукур*”, “*Оллоҳга шукур*” ёки “*Худоба шукур*” сўз-гапларини ишлатишади. Бундай сўз-гапларнинг қўлланилиши ҳам ҳурмат тамойилига асосланади. Масалан:

1. Кекса ёшдаги отахон нутқи:

– *Йўталигиниз қолдимиз?* – **Шукур**, болам. – *Чол туйнукдан ошпаз узатган тарелкани оларкан, Шерзодга мамнун қараб қўйди.* (Ў.Ҳошимов. “Нур боки, соя бор”)

2. Ўрта ёшли аёл нутқи:

Пўлатжон Домла (ўтиради): Саломат бормисиз?..

Роҳила: Шукур.. (А.Қаҳҳор. “Оғрик тишлар”)

3. Ёш йигит нутқи:

Охирги хатми қуръон кечи Муҳаммад Ражаббек Анвардан аҳвол сўради:

–*Домлангиз саломатми?*

–**Шукур.** (А.Қодирий. “Меҳробдан чаён”)

Инглиз халқида ҳам Оллоҳга шукур келтириш одати мавжуд бўлиб, у нутқда *Thank God* бирлиги билан ифода этилади ва қуйидаги вазиятларда ишлатилади:

*He reached his hand, placed it on the side on my face. “Nic, **thank God**. Nic. It’s not safe for you.”* (M.Miranda. “All the Missing Girls”)

Ҳол-аҳвол сўралганда эса баъзан тўғридан-тўғри жавобга қўшиб айтилади: *How are you, Mrs. Nancy? – I’m fine, **thank God**.*

Берилган мисоллардан кўриниб турибдики, ҳар икки халқ маданиятида Оллоҳга шукур келтириш одати мавжуд бўлиб, уни нутқда баён этишда турли ифодадан фойдаланилади.

Шуниси қизиқки, ўзбек тили эгалари баъзида билдирилган бирор таклифни қабул қилишни исташмаганда раддиясини “Йўқ” инкор сўз-гапи орқали билдиришни исташмайди, балки унинг ўрнига “*Раҳмат*” сўз-гапини ишлатишни маъқул кўришади. Бу ҳолат ҳам нутқ эгасининг суҳбатдошига нисбатан ҳурматини ифода этишга хизмат қилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Ўрта Осиё халқларининг, жумладан, ўзбек миллатининг ўзига хос қадриятлари мавжуд. Бу қадриятлар “..хулқ-атвор, одоб, тартибли хатти-ҳаракат, инсоний муомала қоидалари ва тамойиллари мажмуидир. Айнан ана шу сифатларнинг турмушда қўлланиш жараёнларида ахлоқнинг ўзига хос таркибий ўлчамлари рўёбга чиқади. Булар: яхшилик, бурч, виждон, ор-номус, сабр, фаросат, камтарлик, андиша кабилардир”¹⁷⁰. Қуйидаги матнга эътибор қаратамз:

*Сайфи Соқиевич тумбочка устига газета ёзиб, патир, япроқ-япроқ тўғралган қази тайёрлаб қўйган экан. – Ўтиринг, – деди у Шерзодга қарамай. Чамаси, бояги кескинликнинг заҳри хийла кўтарилган эди. – **Раҳмат!** – Шерзод самимий оҳангда ташаккур билдирди. – Ҳозир кечки овқатга борамиз. (Ў.Ҳошимов. “Нур борки, соя бор”)*

¹⁷⁰Юсубов Д.А. Фалсаф:Дарслик / Д.А. Юсубов, Х.Б., Саитходжаев, А.А Мавлянов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б. 264.

Кўринадик, андиша сабабли ҳам ўзбеклар жуда кўп вазиятларда дилидаги гапларини ошкора ифода эта олишмайди. Билдирилган таклифни инкор қилишда суҳбатдошининг кўнглини ранжитмаслик мақсадида бирор баҳона топиб қўя қолишади. Қуйидаги таклифга берилган инкор жавоб ҳам андиша юзасидандир:

– Қани, ўтиринг, ука, бир мантихўрлик қилайлик! – Сайфи Соқиевич тумбочка устига кастрюлканинг қопқоғини кўтарган эди, мурч иси гуркираб кетди.

Шерзоднинг кўз ўнгида олтин тўла бармоқлари билан хамир қориётган бояги хотин пайдо бўлди-ю, иштаҳаси бўғилди. – **Раҳмат**, – деди ўрнидан туриб. – Хамир овқатга ҳушим йўқроқ. (Ў.Ҳошимов. “Нур борки, соя бор”)

Ушбу парчада қаҳрамон асл мақсади, рад жавобини бериш ниятини яшириш мақсадида “**Раҳмат**” сўз-гапни қўллаган. Нутқ эгаси суҳбатдошининг ҳурматини сақлаган ҳолда раддиянинг асл сабабини айтиш ўрнига миннатдорчилигини “**Раҳмат**” сўз-гапи билан ифода этган.

Инглиз тили эгалари нутқида эса раддиянинг *No* инкор сўз-гапи ва унга қўшимча тарзда *Thank you (Thanks), No, thanks* ёрдамида ифода этилиши кузатилади. Масалан:

“*Let me get you some punch.*” “**No, thanks.** *Just put me to work.*” (M.Miranda. “All the Missing girls”)

Инглиз халқининг яна бир характерли томони шундаки, улар саломлашганда бир-бирига исмлари билан мурожаат қилишади. Албатта, бу ҳолат суҳбатдошига нисбатан ҳурматни ифода қилади. Масалан:

“**Good morning, Greta,**” she said, keeping her eyes down. (Ann Brashares. “The second Summer of The Sisterhood”)

Айтилаётган ахборотнинг тингловчига қай йўсинда етказиб берилиши адресатга боғлиқ, албатта. Ж.Лакоффнинг инглиз тилида келтирилган қуйидаги мисолларига эътибор қаратамиз:

1. Close the door.

2. Please close the door.
3. Will you close the door?
4. Will you please close the door?
5. Won't you close the door?¹⁷¹

Ушбу мисолларда нутқ эгасининг суҳбатдошидан эшикни очиб кўйишини сўраши акс этган.

Биринчи мисолда бу ахборот буйруқ гап шаклида берилган бўлиб, бу ҳолат адресантга қўпол таъсир этиши мумкин.

Иккинчи гапда *please* (*илтимос*) сўзи қўшиб ишлатилган бўлиб, натижада гап буйруқ маъносини йўқотиб, илтимосни англатган.

Учинчи мисолда *will* сўзи қўлланган бўлиб, хоҳишни ифодалаган. Бунда бажарувчининг хоҳиши инобатга олинган, натижада сўраш оҳанги юмшатилиб, илтимос маъноси кучайган. Бу гапга бажарувчи томонидан *yes* яъни ҳа тасдиқ жавоби ҳам кутилиши мумкин.

Тўртинчи мисолда эса илтимос маъноси янада кучлироқ ифодаланган.

Бешинчи мисолда илтимос оҳанги янада кучли ифодаланган бўлиб, бажарувчининг бу илтимосга йўқ дейишига ҳожат қолдирмайди, яъни бажарувчи илтимосни сўзсиз бажаришига тўғри келади.

Ўзбек тилида эса илтимоснинг ифодаланишида *илтимос* сўзини ишлатиш билан бирга оҳанг ҳам катта роль ўйнайди. Юмшоқ оҳангда айтилган илтимос тингловчилар томонидан доимо ижобий қабул қилинади. Бундай ҳолатларда сўзловчи *илтимос* сўзини чўзиб талаффуз қилиши ҳам мумкин. Умуман, сўзловчининг илтимосни қай тарзда ифода этиши унинг руҳияти, нутқий вазият талаби кабиларга ҳам боғлиқ бўлади.

Манбаларда инглиз тилида илтимос, буйруқ каби актларнинг ифодаланиши бўйича турли қарашлар баён этилади. Жумладан, Ғ.Х.Раҳимов инглиз нутқ маданияти ҳақида фикр юритар экан, А.Вежбицкаянинг куйидаги талқинини келтиради: “...инглиз лисоний маданиятида “буйруқ

¹⁷¹Lakoff R. Language and a Woman's Place. Bucholtz, Mary (ed // Language and a Woman's Place. . – New York: Oxford University Press, 2004. – P. 56.

бериш” армиядан бошқа жойда йўқ, шунингдек, ушбу маданиятда бевосита “илтимос, илтижо қилиш” ҳаракати қарийб учрамайди”. У бу фикрга қўшилмаган ҳолда инглиз тилшуноси Ж.Томаснинг фикрини далил сифатида келтиради: “...ўта эҳтиромли ҳисобланадиган Will you be kind enough to tell me what time is it? ёки If you’ll be kind enough to speed up a little? каби шакллардан ўзаро яқин кишилар суҳбатида қанчалик ножўя эшитилишини қайд этаётиб, бу ҳолатда What’s the time? ва Hurry up! каби шаклларга мурожаат қилиш маъқул келади”¹⁷².

Ҳақиқатдан ҳам, А.Вежбицкаянинг мазкур фикрларига батамом қўшилиб бўлмайди. Тўғри, инглиз тили эгалари жуда эҳтиромли, суҳбат жараёнида суҳбатдоши ҳурматини биринчи даражага қўядиган халқ. Улар илтимосни, юқорида қайд этганимиздек, *Can you...? Could you...? Would you...?* каби сўроқ шаклидаги синтактик қурилмалар орқали ифодалашни афзал кўрадилар. Худди шундай, буйруқ актларини ҳам вазиятга қараб ўз ўрнида қўллайдилар. Лекин бу инглиз тили эгалари буйруқ гаплардан умуман фойдаланишмайди, буйруқ гаплар фақат армияда ишлатилади дегани эмас.

Айтиш жоизки, мулойимлик ўзаро муносабатда суҳбатдошининг ижтимоий мақомини билишини кўрсатишга ҳизмат қилади. Мулойим муносабат суҳбатдошлар ўртасида ижтимоий яқинликни юзага келтиради¹⁷³.

Ижтимоий жамиятда ҳар бир инсон ўз ўрнига эга. Инсоннинг ижтимоий мавқеи, жамоадаги ўрнига нисбатан унинг ижтимоий мақоми белгиланади. Агар сўзловчи суҳбатдошининг ижтимоий мақомини эътиборга олмаса, унинг шахсига таҳдид юзага келади. Бунга қарши ўлароқ, шахс ижтимоий мақомини (face saving act) сақлашга, қадрлашга ҳаракат қилган маъқул¹⁷⁴. Демак, ҳар бир ўзини ҳурмат қилган шахс бу таҳдиддан йироқ

¹⁷²Рахимов Ғ.Х. Инглиз тилининг Ўзбекистонда тарқалиши (Социолингвистик ва прагматик жиҳатлари): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 158.

¹⁷³Yule G. Pragmatics. Oxford University Press, 1996. – P. 60.

¹⁷⁴Yule G. Кўрсатилган манба. – Б. 61.

бўлишга ҳаракат қилиши керак. Зотан, ўзини ҳурмат қилган инсон мулоқот жараёнида суҳбатдошининг, албатта, ҳурматини жойига қўяди.

Шуниси характерлики, сўз-гаплар нутқ эгаларининг жамиятда тутган ўрни, мақоми, характери кабилар ҳақида маълумот таший олади. Ў.Ҳошимовнинг “Ҳадикли тушлар” асари қаҳрамони Ғаниев Соат Ғаниевич нутқи ва унда қўлланган сўз-гаплар орқали ушбу персонажнинг ижтимоий ҳолати, характери ҳақида муайян хулоса чиқариш мумкин бўлади. Қуйидаги матнга эътибор қаратамиз:

– *Болаларингиз хабар олмайдимиз? – деди Қурбоной хола. – Ўғлингиз бор... Невараларингиз...*

– *Хех!* – комиссар истехзоли кулди. – *Ҳаммаси бир гўр!*

– *Унақа деманг, – деди Қурбоной хола астойдил ранжиб. – Боланинг ёмони бўлмийди.*

– *Тфу!* – Комиссар асабий қўл силтади. – *бола-чақа боқиб роҳат кўраман, деганнинг падарига лаънат!*

Берилган диалогик нутқда комиссар томонидан *Хех! Тфу!* каби салбий маъноларни англатувчи ундовлар қўлланган. Айниқса, *Хех!* ундови истехзоли кулгу билан айтилган. Ушбу сўз-гапнинг бу тарзда қўлланиши персонажнинг ўзини бошқалардан устун қўйиши, фақат ўз фикрига таяниши, бошқаларнинг фикри билан қизиқмаслигини далиллайди.

Инглиз тилида ҳам шундай ундов сўзлар борки, сўзловчининг салбий характеридан дарак бериб туради. Масалан:

Templeton looked over the assembled servants speculatively, then shrugged. “Bah!” he said. “They’re of no use to me. Come, Andrew, a word with you upstairs”. (April Kihlstrom. “Dangerous Masquerade”). Темплетон йиғилган хизматкорларга синчиклаб қараб чиқди, кейин елкасини қисди. “*Хех*” деди у. “*Менга буларнинг фойдаси йўқ. Келинг, Андрю, сиз билан юқорида гаплашамиз.*” Бу мисолда ёзувчи Темплетоннинг салбий характерини унинг нутқидаги “*Bah!*”, яъни ўзбек тилидаги муқобили “*Хех!*” бўлган ундов сўз-гапи орқали очиб берган.

Oh pish, as if anyone's ever watched a funny Internet video without telling everyone in the immediate vicinity, "Hey watch this!" (K.Whittle. "Missoula (Montana) Independent"). Тавба, яқин орада кимдир кулгили интернет видеоларини бировга айтмасдан кўргандек, "Ҳой, буни кўр!". Инглиз тилидаги *Oh pish* ундов сўз-гапи менсимаслик, назарга илмаслик каби оттенкани ифодалайди. Ўзбек тилидаги "Тавба" сўз-гапи лаб буриш мимикаси билан айтилса, бировга нисбатан менсимай муносабатда бўлаётганини ифодалайди.

Хуллас, ҳурмат тамойили кишиларнинг ўзаро ижтимоий муносабатини кўрсатувчи категория саналади. Ўзбек ва инглиз халқи ўзига хос нутқий этикет турларига эга, улардан ўз ўрнида фойдаланиш эса алоҳида эътиборни талаб қилади.

3.6. Сўз-гапларнинг новербал воситалар билан ифодаланиши

Инсон фикр-мулоҳазасини билдиришда, ҳиссий кечинмалари ва воқеликка муносабатини ифода этишда тил бирликлари қаторида бош, қўл, елка ҳаракатига асосланган ишоралар; кўз, қош, лаб иштирокидаги турли мимик ифодалардан ҳам унумли фойдаланади. Бу ҳолат инглиз тилида *Body Language* дейилади. Умуман, бундай новербал воситалар тилнинг ёрдамчи воситалари бўлиб, ахборотнинг янада ёрқин ифода этилишига хизмат қилади. М.Саидхонов мулоқот жараёнида қўлланиладиган бу каби новербал воситаларни ишоравий ва мимик новербал воситаларга ажратиш мумкинлиги ҳақида ёзади¹⁷⁵.

М.А.Қурбонованинг қайд этишича, нутқ жараёнида имо-ишора, мимик ифодаларнинг вербал бирликлар билан ёнма-ён қўлланиши нутқнинг таъсир кучини ошириши билан бирга, тингловчи томонидан унинг аниқ тушунилишига имкон яратади.¹⁷⁶

¹⁷⁵ Саидхонов М. НOVERбал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – Б. 26.

¹⁷⁶ Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол.фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 204.

Нутқда новербал воситаларнинг сўз-гаплар билан бирга қўлланилиши ҳам кузатилади. Бундай вақтда сўз-гаплар орқали ифода этилган ахборот мазмунан бойитилади, нутқ эгасининг ҳиссий муносабати янада равшанлашади. Ўзбек тилида сўз-гаплар билан бирга, асосан, қуйидаги новербал воситаларнинг қўлланилиши кузатилади:

НOVERбал восита турлари	Тана аъзолари ҳаракатини акс эттирувчи новербал ишора бирликлари	Сўз- гаплар	Мисоллар
Кўрсатувчи белгилар	Қўл, бош, кўз ҳаракати. <i>Қўли билан кўрсатмоқ, кўзи билан имо-ишора қилмоқ, кўзи билан ўқталмоқ, қўли билан имо қилмоқ</i>	<i>Қани- қани, марҳамат</i>	– <i>Марҳамат!</i> – <i>деди қўли билан имо қилиб.</i> (Ў.Ҳошимов)
Таъкидловчи белгилар	Бош, қўл, елка ҳаракати. <i>Бош ирғамоқ, қўл силкитмоқ, елка қисмоқ, бош силкимоқ.</i>	<i>Ҳа, йўқ, хўп, бўпти, мутлақо, зинҳор, қайдам, албатта, ҳим, шубҳасиз,</i>	1. – <i>Яхиш!</i> – <i>дадам маъқуллаб бош силкиди.</i> (Ў.Ҳ.) 2. – <i>Воҳ, воҳ!.. Нега бўлмасам... Ҳим, – у бош ирғаб қўйди.</i> (Ш.Холмирзаев)

		яхши	
Рамзий белгилар	Қўл, бош, ҳовуч ҳаракати. <i>Қўлни кўксига қўймоқ, қўл қовуштирмоқ, бошини эгмоқ, бош силкимоқ, қўл бермоқ, қўлини мушт қилиб юқорига кўтармоқ, ҳовучини очмоқ</i>	<i>Ассалому алайкум, салом, раҳмат, ташақкур, урра, омин, хайр</i>	1. – <i>Омин! – деди бирдан муסיқа муаллими ҳовучини очиб. – Ишингизга қут- барака берсин. Бекорчилар сиз туфайли ишли бўлиб қолсин! (Ш.Холмирзаев)</i> 2. <i>Раҳмат! – Шерзод миннатдор бош силкиди. (Ў.Ҳошимов)</i>
Тасвирловчи белгилар	Бармоқ, қўл ҳаракати. <i>Бош бармоқни кўрсатмоқ, қўлларни бир- бирига боғламоқ, бош силкитмоқ</i>	<i>Зўр, офарин, қойил</i>	<i>Гулсара «қойил» дегандай бошини сараклатди. Мен ҳам қошларимни кўтариб: – Зўр, зўр, – дедим. (Ш.Холмирзаев)</i>
Эмоционал белгилар	Бош, кўз, юз, лаб, қўл ҳаракати. <i>Бошини сарак- сарак қилмоқ, бошини сараклатмоқ, лабини бурмоқ, кўзини</i>	<i>Уф, уҳ, оҳ, вой, муаҳ, э</i>	1. – <i>Вой, ўлсин! – деди эгачим лабини буриб. (Ў.Ҳошимов)</i> 2. – <i>Э! – у жаҳл билан қўл силтади. (Ў.Ҳошимов)</i> 3. – <i>Вуй! – Абдувалининг кўзи олайиб кетди. (Ў.Ҳошимов)</i>

	олайтирмоқ, юзини буриштирмоқ, қўл силтамоқ		
--	--	--	--

Инглиз тилида эса новербал воситалар қуйидаги турларга бўлинади:

1. *Body language* – тана аъзолари, яъни қўл ва оёқлар ҳаракатини англатади.
2. *Gestures* – имо-ишора, яъни бош, қош, кўз билан боғлиқ ҳаракатларни англатади.
3. *Facial expressions* – юз ифодаларини англатади.
4. *Touch* – туртиб гапириш ҳаракатини англатади.

Масалан:

“**Yes**”. *He nodded, then stared at the car, with a roar he drove down the circular driveway to the private road that led to the main street.* (M.Benjamin. “The Aviator’s Wife”). Бу мисолда “**Yes**” яъни “**Ҳа**” тасдиқ сўз-гапи билан бирга бош билан боғлиқ бўлган новербал воситанинг бирга қўлланилиши кузатилади. *Gestures* – яъни имо-ишора билан боғлиқ ҳаракатларни ифодалагани кузатиляпти.

Новербал воситалар сўзловчининг ёшига, жинсига, ижтимоий мавқеига, хаттоки, ҳудудига кўра ҳам фарқланиши мумкин. Масалан, ўрта ёшли ўзбек тили эгалари нутқида *Астағфирулло! Ё тавба! Ё оллоҳ! Ё алҳазар!* сўз-гаплари қўлланганда ёқасини ушлаш, *бай-бай, ҳай-ҳай* ундовлари ишлатилганда бошни икки ёнга ташлаш, *тфу* ундовини айтишда ёнга туфлаш; бирор нарсадан чўчиб кетиб, *туф-туф* сўзи ишлатилганда ичига туфлаш, *войдод* ундови қўлланганда икки қўл билан ерни муштлаш, икки қўлни ҳавода кўтариш ёки қўллар билан бошни, тиззаларни муштлаш, қарғишни билдирувчи сўзлар билан бирга *Илоё, Илоё-илованда* кабиларни бирга ишлатганда қўлларни юқорига кўтариш, э, эй ундовларини айтилганда қўл силташ кабилар кузатилади.

Ўзбек болалари калака қилиш, бировнинг устидан кулишда *ва-ва* ундовининг ишлатиши ва бунда тилини чиқариш ёки кулоқларини ушлаш ҳолати кузатилади. Шунингдек, *ай-ай-эй* ундови қўлланганда чапак чалиш, *тиш* ундови ишлатилганда кўрсаткич бармоғини бурни устига қўйиш, *хайр* сўзини айтганда бир қўлини тепага кўтарган ҳолда бармоқларини очиб-ёпиш ҳаракатини кузатиш мумкин.

Инглиз ва ўзбек тилларида шудай сўз-гаплар борки, улар икки хил ҳолатни, яъни хурсандликни ҳам, хафаликни ҳам ифодалай олади. Бу сўз-гапларнинг қайси ҳолатни ифодалашига қараб уларга мос тарзда новербал воситалар танланади. Масалан, ўзбек тилидаги *оҳ* ва *аҳ* ундовлари хурсандчилик, завқ ҳиссини ифодалаганда, нутқ эгаси юзига табассум югуриб, кўзларининг юмилиши кузатилади. Агар бу сўз-гаплар ғам-ташвиш, қайғуни акс эттирса, қўллар билан кўксига муштлаш ҳолатлари кузатилади. Бундай новербал воситалар ҳар бир миллат маданиятида ўзига хос.

Инглиз тили эгалари нутқида *Oh my God! My Lord! My goodness!* каби ҳайрат ундовлари қўлланганда қўлни кўксига қўйиб орқага тисарилиш, баъзи ҳолларда ўнг қўл бармоқларини пешона ва икки елкага олиб бориш ҳаракати амалга оширилади.

Мулоқот жараёнида *Good! Well! Excellent!* ундов сўз-гаплари қўлланганда бош бармоқни юқорига кўтариш, агар унинг акси бўлса, бош бармоқни пастга букиш ҳоллари кузатилади. Шунингдек, инглиз тили эгалари *Ok!* ундовини талаффуз қилишганда бош ва кўрсатиш бармоқларини бирлаштиришлари, *Hush! Shh!* ундовларини айтаётиб, кўрсаткич бармоғини бурун устига қўйишлари мумкин. Ёки ҳақоратни билдирувчи *Fuck you! Damn you!* кабиларни қўллаганда қўлни мушт қилиб кўрсатишлари, *Hmm!* ундовини айтганда иякни ушлашлари кузатилади.

Бундан кўриниб турибдики, икки миллатнинг ахборот ифодалашнинг қўшимча воситаларидан фойдаланишида ўхшашлик билан бирга фарқлар ҳам кўзга ташланади. Инглиз тили эгаларининг мулоқот жараёнида новербал воситалардан фойдаланиши 70-80 фоизни ташкил қилади. Демак, инглиз

халқи ахборот ифодалашнинг қўшимча воситаларидан унумли фойдаланишади.

Шуниси характерлики, ахборот ифодалашнинг новербал воситаларидан фойдаланиш даражаси тил эгаларининг характери, ижтимоий мавқеи, жинси кабилар билан ҳам боғлиқ. Табиатан жиддий, оғир характерли инсонлар новербал воситалардан кам фойдаланишади. Аксинча, жаҳлдор, чўрткесар, шунингдек, сертакаллуф, сермулозамат кишилар нуткида ахборот ифодалашнинг новербал воситалари нисбатан кўп учрайди. Масалан:

– Ўв, маълим! – Чол дадамга қўлини пахса қилди. – Тушмайсанми? Нима, сенга асобий таклиф керакми?! (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Ушбу парчада қишлоқ оқсоқолининг нутқи берилган. У дангал гапирадиган, жаҳлдор ва чўрткесар одам. Ёзувчи оқсоқол нутқи ва унда қўлланган новербал бирлик (қўлини пахса қилмоқ) орқали унинг характерини моҳирона очиб берган. Бундай тасвир усули ушбу образнинг китобхон кўз ўнгида аниқ гавдаланишига ёрдам берган.

Инглиз бадий матнидан олинган қуйидаги парчада ҳам худди шу ҳолатни кузатишимиз мумкин:

He peered at the clock, threw an arm over his eyes. “Ugh, no.” (M.Miranda. “All the Missing girls”). У соатиға қаради, қўлларини кўзларининг устиға қўйди. “Уф, йўқ”. Ушбу мисолда бирор иш ҳаракатни бажариш учун кеч қолган персонажнинг нутқи ва ҳаракати берилган ва қўлланган новербал бирлик (қўлларини кўзларининг устиға қўйди) орқали унинг руҳий ҳолатини ишонарли очиб берган.

Бадий асарда персонажнинг мимик ифодалари, жумладан, юз ҳаракати, унда акс этган ўзгаришлар тасвири унинг руҳий ҳолатини тасвирлашга хизмат қилади. Масалан, *рангида ранг қолмади, кўкариб қолди, ранги гезариб кетди, докадай оқариб кетди, қизариб кетди, ранги ўчиб кетди, юзи шувут бўлди* кабилар персонажнинг руҳий ҳолатини акс эттиради:

– *Ие!* – *Кўзойнакли йигит ранги ўчганча тобутга қайтадан тирмашди.* (Ў.Ҳошимов)

Шавкат Қудратовичнинг ранги гезариб кетди.

– *Ўҳ-ҳў!* *Жа осмондасиз-ку, йигит!.. Гап бундай: уч кунда тўртинчи қаватни монтаж қилиб, томни ёпасиз.* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”)

Мисоллардан кўриниб турибдики, *Ие!*, *Ўҳ-ҳў!* сўз-гаплари қўлланган матнда юз ифодасини акс эттирувчи *ранги ўчганча, ранги гезариб кетди* бирликлари ҳам ишлатилган. Бу ҳолат ушбу сўз-гаплар мазмунини янада аниқ идрок этилишига хизмат қилган. Шунингдек, персонажнинг руҳий ҳолати тасвирланиб, бадиий матнга коннотатив маъно юкланган.

Нутқда тасдиқ ва инкорни билдирувчи ахборотни *ҳа, йўқ* сўз-гапларини қўлламай, фақат новербал воситалар ёрдамида ифодалаш ҳам мумкин:

Бердиев (бидирлаб): Эшитдингизми, янга? Сизам жавобгар бўласиз!
(*Ҳанифа индамай бош ирғади*) (Ў.Ҳошимов)

Ушбу мисолда персонажнинг тасдиғи бош ирғаш орқали ифода этилган.

Хуллас, сўз-гаплар билан новербал воситаларнинг параллел қўлланиши сўз-гаплар мазмунининг янада кучли ифодаланишига хизмат қилади, персонажнинг руҳий ҳолатини аниқроқ тасвирлайди.

Боб бўйича хулосалар

Ҳар бир тил эгаси мулоқот жараёнида қандай нутқий акт турини қўллашни ўзи танлайди. Унинг нутқий акт турини танлаши нафақат коммуникатив мақсадига боғлиқ, балки ёш хусусияти, жинси, психологик ҳолати ёки жамиятдаги мавқеи ҳам нутқий актнинг қайси кўринишидан фаол тарзда фойдаланишини белгилаб беради.

Мулоқот жараёнида муайян ахборот ташувчи сўз-гапларнинг талаффуз қилиниши локутив актни ҳосил қилади. Сўз-гаплар сўзловчининг коммуникатив мақсади (тасдиқлаш, норозиликни баён қилиш, инкор қилиш, муносабат билдириш кабилар) ифода этганда иллокутив актни воқелантириб, коммуникатив аҳамиятли бирликка айланади.

Перлокутив акт орқали сўзловчи тингловчига нутқий таъсир кўрсатишни мақсад қилиб белгилайди. Сўз-гаплар иштирокида тузилган буйруқ, илтимос, талаб қилиш кабилар ифодаланган нутқий акт турларида перлокуция, яъни тингловчига нутқий таъсир кўрсатиш вазифаси бажарилади.

Нутқ эгалари фикр баён этишнинг яширин усуллари: тағмаъно ва пресуппозицияни қўллашда сўз-гапларга ҳам мурожаат қилишади. Ўзбек тили эгалари ахборотни яширин ифодалашда кўпроқ *Хўш?* сўроқ актидан фойдаланишса, инглиз тилида эса бу вазифа *Well?* сўроқ гапига юкланади.

Прагматик тўсиқ нутқнинг самарали кечишига салбий таъсир кўрсатиб, мулоқотни қийинлаштиради. Нутқда сўз-гапларнинг меъёрдан ортиқ қўлланилиши ёки бузиб талаффуз қилиниши прагматик тўсиқни юзага келтиради. Аммо прагматик тўсиқни юзага келтирган сўз-гаплар бадий матнда услубий восита сифатида қўлланганда коннотатив вазифа бажаради.

Коммуникатив мақсад, яъни интенцияни бевосита ва яширин тарзда ифодалаш барча халқларга, жумладан, ўзбек ва инглизларга ҳам хос. Инсон ҳиссий кечинмалари, воқеликка муносабатини ифода этишда ҳар доим ҳам сўз-гаплардан фойдаланавермайди. Бундай вақтда у ҳиссий муносабатини

турли имо-ишоралар, мимик ҳаракатлар ёрдамида билвосита акс эттириши мумкин.

Ҳар бир миллатнинг ўз миллий-маданий хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳурматни ифодалаш усуллари белгиланади. Ўзбек тили эгалари бирор таклифни қабул қилишни исташмаганда “Йўқ” инкор сўз-гапи ўрнига “*Раҳмат*” сўз-гапини ишлатишни маъқул кўришади. Бу ҳолат нутқ эгасининг суҳбатдошига нисбатан ҳурматини ифода этишга хизмат қилади. Инглиз тили эгалари нутқида эса раддиянинг *No* инкор сўз-гапи ва унга қўшимча тарзда *Thank you (Thanks), No, thanks* ёрдамида ифода этилиши кузатилади.

Нутқда новербал воситаларнинг сўз-гаплар билан бирга қўлланилиши ифода этилаётган ахборотга аниқлик киритишга, нутқ эгасининг ҳиссий муносабатини кўрсатишга хизмат қилади.

ХУЛОСА

1. Барча тилларда инсоннинг ҳиссий кечинмалари, воқеликка бўлган субъектив муносабати, таклиф-хитоби, тасдиғи ёки инкорини ифодаловчи бирликлар мавжуд бўлиб, улар ўзбек тилшунослигида “Бўлақларга ажратилмайдиган гаплар”, “Тўлиқсиз гаплар”, “Ундовлар” ва “Семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар” терминлари билан аталиб, тадқиқ этиб келинган. Инглиз тилшунослигида эса *сўз-гаплар* термини учрамайди, сўз-гаплар таркибига кирувчи бирликлар *ундовлар* (Primary Interjection, Secondary Interjection)га ажратилиб ўрганилган.

2. Ўзбек ва инглиз тилларида сўз-гаплар (инглиз тилида ундовлар)нинг монологик нутққа нисбатан диалогик дискурсда қўлланиш даражаси нисбатан юқори. Сўз-гапларнинг тил эгаларининг ёши, жинси, ижтимоий мавқеи, миллий-маданий қарашлари ва, ниҳоят, нутқ вазияти билан боғлиқ ҳолда қўлланилиши муҳим жиҳати саналади.

3. Ўзбек ва инглиз тилларидаги сўз-гапларни қиёсий-типологик аспектда ўрганиш бу икки тилга хос умумий ва фарқли жиҳатларни аниқлашга, уларнинг структур-семантик, социопрагматик хусусиятларини ҳақида муайян хулосалар чиқаришга имкон яратади.

4. Турли тиллардаги сўз-гапларни қиёсий аспектда тақиқ этишда бу тиллар мансуб бўлган миллатнинг маданияти, миллий қадриятлари, урф-одатлари, диний қарашлари кабиларни инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади. Сўз-гаплар бу каби экстралингвистик омиллар билан боғлиқ ҳолда қўлланиб, ҳар бир тилнинг миллий ўзига хослигини намоён қилади.

5. Ўзбек ва инглиз тили эгалари нутқида турли мавзуий гуруҳдаги ундов сўз-гаплар қўлланилади. Ўзбек аёллари нутқида ишлатиладиган эркалашни билдирувчи *ўргилай, ўргилиб кетай, онанг (холанг, амманг) ўргилсин, айланай, айланиб кетай, онанг айлансин, жоним тасаддуқ* сўз-гаплари, шунингдек, *жувонмарг бўлгур, қарчинингдан қийилгур* каби қарғишлар инглиз аёллари нутқида мавжуд эмас.

6. Ўзбек эркалари ва аёллари нутқида ҳақорат ва сўқинишни билдирувчи сўз-гапларнинг ишлатилиши борасида катта тафовут кузатилади. Инглиз тилида эса баъзи қарғиш сўзлари билан сўқиш сўзларини ажратиш бирмунча қийинчилик туғдиради. Ўзбек тилидаги деярли барча қарғишлар ва ҳақоратни билдирувчи сўзлар ҳис-ҳаяжон ундовлари билан бирга қўллansa, инглиз тилида бу ҳолат кузатилмайди.

7. Ўзбек ва инглиз аёллари нутқида эркалаш, илтимос ва ўтинчни билдирувчи сўз-гаплар фаол бўлса, кўпол сўзлар ва қарғишлар эса эркалар нутқида кўп ишлатилади.

8. Тил эгаларининг мулоқот жараёнида қандай нутқий акт турини қўллаши, асосан, коммуникатив мақсадига боғлиқ. Аммо тил эгаларининг ёш хусусияти, жинси, психологик ҳолати ёки жамиятдаги мавқеи улар нутқида муайян нутқий акт турининг фаоллашувига таъсир кўрсатади.

9. Сўз-гаплар сўзловчининг коммуникатив мақсади (тасдиқлаш, норозиликни баён қилиш, инкор қилиш, муносабат билдириш кабилар)ни ифода этганда иллокутив актни воқелантиради. Муайян ахборотни ташувчи сўз-гаплар талаффуз этилганда локутив акт юзага келади.

10. Сўз-гаплар орқали тингловчига нутқий таъсир кўрсатилганда перлокутив акт ҳосил бўлади. Буйруқ, илтимос, талаб қилиш, ундаш кабиларни ифодаловчи сўз-гаплар нутқий таъсир кўрсатиш вазифасини бажаради.

11. Ўзбек ва инглиз тили эгалари сўз-гаплар ёрдамида фикр баён этишнинг яширин усуллари: тағмаёно ва пресуппозициядан ҳам фойдаланишади. Ўзбек тилида ахборотни яширин ифодалашда кўпроқ *Хўш?* сўроқ акти, инглиз тилида эса бу вазифада *Well?* сўроқ гапи қўлланилади.

12. Нутқда сўз-гапларнинг меъёрдан ортиқ даражада қўлланилиши ёки бузиб талаффуз қилиниши тингловчи учун прагматик тўсиқни юзага келтириши мумкин. Аммо бундай сўз-гаплар бадий матнда поэтик қимматга эга бўлса, услубий восита вазифасини бажаради.

13. Тил эгалари ҳиссий кечинмалари, воқеликка муносабатини ифода этишда ҳар доим ҳам сўз-гаплардан фойдаланавермайди. Улар бундай вақтда турли имо-ишоралар, мимик ҳаракатлар орқали фикр ифодалашнинг кўшимча воситаларига мурожаат қиладилар.

14. Ўзбек ва инглиз тили эгалари миллий-маданий қадриятларидан келиб чиққан ҳолда нутқда ҳурмат ифодалашнинг турли усуллари кўлланилади. Ўзбек тили эгалари суҳбатдошига нисбатан ҳурматини ифодалаш мақсадида рад жавобини беришда “Йўқ” инкор сўз-гапи ўрнида кўпинча “*Раҳмат*” сўз-гапини ишлатишса, инглиз тили эгалари *No* ёки *No, thank you, No, thanks* бирликларидан фойдаланишади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.–75 б.
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2017 йил 7 февраль // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матба ижодий уйи, 2017.–Б.38–46.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунини қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2019 йил 4 октябрь // Халқ сўзи.–2019.–5 окт.
4. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2019 йил 21 октябрь // Халқ сўзи.– 2019.– 22 окт.
5. Миллий ўзлимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли: Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. –2019. –22 окт.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи.–2020.–24 сент.
7. Илм –фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2020 йил 29 октябрь // Халқ сўзи.–2020.–30 окт.
8. Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора– тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон

Республикаси Президентининг Фармони 2020 йил 20 октябрь // Халқ сўзи.–2020.–21 окт.

II. Методологик аҳамиятга молик нашрлар:

9. Абакумов С.И. Современный русский литературный язык. – Москва: Сов.наука, 1942. – 184 с.
10. Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике // Известие АН СССР. Серия лит. и яз. – 1973. Т. 32. Вып. 1. – С. 84–89.
11. Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар. – Тошкент: Фан, 1978. – 103 б.
12. Брандт Г.А. Природа женщины как проблема: концепция феминизма // Общественные науки и современность. – Москва, 1998. – №2. – С.167–189.
13. Бўронов Ж.Б. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973. – 283 б.
14. Гак В. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. – Москва: Высшая школа, 1981. – 206 с.
15. Головин Б.Н. Введение в языкознание. – Москва: Высшая школа, 1977. – 312 с.
16. Гумбольдт В. Язык и философия культуры. – Москва: Наука, 1985. – 448 с.
17. Дмитриев Н.К. Грамматика кумыкского языка. – Москва-Ленинград, 1940. – 206 с.
18. Комилжонова Р.А. Ҳозирги замон ўзбек тилида модал сўзлар. – Тошкент, 1975. – 582 б.
19. Кононов А.Н. Грамматика узбекского языка. – Тошкент, 1948. – 282 с.
20. Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. – Москва: Ленинград, 1956. – 570 с.

21. Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослигининг бугунги муаммолари // “Ўзбек тилшунослиги: тараққиёти ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2016.
22. Падучева Е. В. Понятие презумпции в лингвистической семантике // [http // codenlp.ru/wp-content/uploads 2015/09 presumption-77.pdf](http://codenlp.ru/wp-content/uploads/2015/09/presumption-77.pdf).
23. Попов. П.С. Суждение и предложение // Вопросы синтаксиса современного русского языка. – Москва, 1950. – С. 5–17.
24. Раупова Л.Р. Диалогик нутқнинг дискурсив талқини. – Тошкент: Фан, 2011. – 178 б.
25. Sayfullayeva R. va b. Hozirgi o`zbek adabiy tili. Toshkent: Fan va texnologiya, 2009. – 214 b.
26. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 285 б.
27. Умархўжаев М.Э. Умумий тилшунослик. – Андижон, 2010. – 76 б.
28. Умархўжаев М.Э. Олмон тили лексикологияси ва фразеологияси. – Андижон, 2010. – 76 б.
29. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 2010. – 323 б.
30. Усмонов С. Ўзбек тилида ундовлар. – Тошкент, 1953. – 42 б.
31. Усмонов С. Ундов гаплар. – Тошкент: Академнашр 1955. – 21 б.
32. Холманова З. Тилшуносликка кириш. – Тошкент, 2007 // <http://n.ziyouz.com/kutubxona>. – 177 б.
33. Чижик-Полейко А.И. Стилистика русского языка. Ч. I. – Воронеж, 1962. – 113 с.
34. Шарипова Ў., Йўлдошев И. Тилшунослик асослари. – Тошкент, 2016.
35. Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. – Ленинград, 1941. – 620 с.
36. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении изд. 6-е. – Москва. 1938. – С. 365.
37. Юсубов Д.А., Фалсафа: Дарслик / Д.А Юсубов, Х.Б. Саитходжаев А.А. Мавлянов – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 292 б.

38. Щчерба Л.Б. Восточно-лужическое наречие. Т. I. – Петербург, 1915. – 276 с.
39. Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари, Тошкент: Фан, 1974. – 148 б.
40. Кудратов Т. Нутқ маданияти асослари. Бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси факультетлари учун қўлланма. – Тошкент, 1993. – 160 б.
41. Курбонова М.М. ва б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси асослари. – Тошкент :Университет, 2004. – Б.128.
42. Курбонова М.М. ва б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси асослари. – Тошкент:Университет,1999. – 128 б.
43. Курбонова М.М., Йўлдошев М. Матн тилшунослиги. –Тошкент: Universitet, 2014.– 114 б.
44. Қўнғуров Р. Қ. Ўзбек тили грамматик қурилиши масалалари. – Тошкент, 1980.
45. Гуломов А. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Ўздавнашр 1948.– 143 б.
46. Гуломов А. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент, 1940–65 б.
47. Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги замон адабий тили, синтаксис. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – 315 б.
48. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. –176 б.
49. Ҳазратқулов А. Ўзбек тили диалогик нутқ синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 16.
50. Ameka F.K. Interjections. Handbook of Pragmatics // <https://www.researchgate.net/publication/289752120>. 2006.
51. Austin J.L. How To Do Things With Words. – Oxford. Oxford University Press, 1962.

52. Bloomfield L. Language. Chicago: University of Chicago Press, 1984.
(1933). [https://www.yumpu.com/en /document/read/ 11576293/language-bloomfield-leonard-1887-1949 pdf-rare-books-at](https://www.yumpu.com/en/document/read/11576293/language-bloomfield-leonard-1887-1949-pdf-rare-books-at).
53. Goffman, E. Forms of talk. Basil Blackwell, 1981.
54. Gray J. Men are from Mars, women are from Venus: A practical guide for improving communication and getting what you want in your relationship. – New York: Harper Collins Publishers, 1992.
55. Herder J.G. On the origin of language: Two essays. Translated by J.H.Moran, A. Gode. – P. 84-166. Chicago: University of Chicago Press, Ltd., London 1966.
56. Herder J.G. On the origin of language. In *On the origin of language: Two essays*. Translated by J.H.Moran, A. Gode. Chicago: University of Chicago Press, Ltd., London, 1966.
57. Jakobson, R. Linguistics and poetics: in Style in language. Edited by T. Sebeok. – Cambridge: MIT Press, 1960.
58. Jespersen O. The Woman. In Cameron, Deborah (ed) // The Feminist Critique of Language. – London: Routledge, 1990.
59. Lakoff R.T. Language and Woman's Place. – New York, Harper and Row, 1975.
60. Lakoff R.T. Language and a Woman's Place. In Bucholtz, Mary (ed) // Language and a Woman's Place. – New York: Oxford University Press, 2004.
61. O'Barr W.M. and Atkins B.K. "Womens Language" or "Powerless Language"? In Language and Gender: A Reader, ed. by Jennifer Coates. Oxford: Blackwell, 1998.
62. Quirk, R., Greenbaum, S., Leech, J. & J. Svartik (eds.) A Comprehensive Grammar of the English Language. Longman, 1985.
63. Sapir E. Language. – New York: Harcourt, Brace, 1921.
<https://www.ugr.es/>.

64. Trask, R.L. A Dictionary of Grammatical Terms in Linguistics. – London. Routledge, 1993.
65. Wharton T. Interjections, language and the showing-saying continuum // Pragmatics & Cognition, Volume 11, Issue 1, Jan 2003. <https://www.jbe-platform.com/content/journals/10.1075/pc.11.1.04wha>.
66. Warton T. Pragmatics and no-verbal communication. – Cambridge University Press, 2009. www.cambridge.org.
67. Felix K.Ameka & David P. Wilkins. Interjections. Handbook of Pragmatics, Amsterdam/Philadelphia: John Benjamins Publ. Co,2006.

III. Монография ва илмий мақолалар:

68. Абдурашитова Э.Т. Инглиз тилидаги аёл нутқининг стереотиплари // Сўз санъати . – 2019. – № 6. – Б. 6-10
69. Аҳмедова О.А. Лингвокультурология тилнинг маданий феномени сифатида // Хорижий филология. – 2019. – № 2. – Б.101–103.
70. Зияев А.И. Тилда интенсификация деинтенсификация категориясининг градуал антонимлар парадигмаларини шакллантириш // Сўз санъати . – 2019. – №6. – Б. 45
71. Islomjonova X.I., Annazarova T.D. Paralingvistik vositalarning gender xususiyatiga oid lingvopragmatik tahlil. “Фан ва таълим масалалари” илмий электрон журнали. –2018. – №4. – Б. 6-9
72. Йўлдошев Б. Тилнинг ижтимоий моҳияти. – Самарқанд, 2012. – 76 б.
73. Каримов С.А. Ўзбек тилининг грамматик услубияти. – Самарқанд: Алишер Навоий номидаги СамДУ, 2012.
74. Дейл Карнеги. Муомала сирлари/Тузувчилар Н.С. Сафоев, Б.Т. Гаффоров. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1992.–298 б.
75. Тоирова Г. Нутқий мулоқот ва ёшлар нутқидаги луғавий бирликлар. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2015. –112 б.

76. Қурбонова М.А. Болаларга хос нутқий акт турларининг прагмалингвистик таҳлили: (П.Қодиров асарлари мисолида) // Хорижий филология. – 2016. – № 4. – Б. 96–100.
77. Қурбонова М. Гендроллингвистик тадқиқ янги парадигма сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2014. – № 2. – Б. 43–46.
78. Ameka F.K. Interjections: The universal yet neglected part of speech // Journal of Pragmatics . – 1992. – №18. – P. 101–118. – North-Holland.
79. Ameka F.K. & Wilkins D.P. Interjections. Handbook of Pragmatics, 2006. – Amsterdam / Philadelphia: John Benjamins Publ. Co.
80. Ashdowne R. Interjections and the Parts of Speech in the Ancient Grammarians // Henry Sweet Society Bulletin, 50. 2008. – P. 1–16.
81. Ashdowne R., Hismanglu M. Interjections in English: Neglected but important aspect of foreign language learning and teaching // Journal of Theory and Practice in Education. – 2010. – № 6 (1). – P. 17–35.
82. Brody L. R. Gender and Emotion: Beyond Stereotypes // Journal of Social Issues. – 1997. – № 53 (2). – P. 369–394.
83. Coates J. Women’s speech, women’s strength // York papers in linguistics. – 1989. – № 13. – P. 65–76.
84. Franco L. A. Forms of conversation and problem structuring methods: aconceptual development // Journal of the Operational Research Society. – 2006. – P. 813–821.
85. Kockelman P. The meanings of interjections in Q’eqchi’ Maya: From emotive reaction to social and discursive action // Current Anthropology. – 2003. – P. 467–490.
86. Montes R.G. The development of discourse markers in Spanish: Interjections // Journal of Pragmatics – 1999. – № 31. – P. 1289–1319.
87. O’Connell D.C., Kowal S., King S.P. Interjections in literary readings and artistic performance. Pragmatics, 17. International Pragmatics Association, 2007.

88. Wilkins David P. Interjections as deictics // Journal of Pragmatics. – 1992. – №. 18. – P. 119–158. Netherlands.
89. Montes R.G. The development of discourse markers in Spanish: Interjections // Journal of Pragmatics 1999. – № 31.– P. 1289–1319.

IV. Диссертация ва авторефератлар:

90. Абдурахмонов Х. Синтаксические особенности узбекских народных пословиц: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1966. –22 с.
91. Бобокалонов Р. Р. Ўзбек тилида семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2000. –136 б.
92. Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 1993.
93. Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Самарқанд, 1993. – 27 б.
94. Йўлдашева Х. Қ. Ўзбек тарихий романларининг социолингвистик тадқиқи: Филол. фан. бўй. фалс. д-ри (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2017.
95. Йўлдашева Х.Қ. Ўзбек тарихий романларининг социолингвистик тадқиқи: Филол. фан. бўй. фалс. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 20 б.
96. Лафасов Ў. Диалогик нутқда субъектив модалликни ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1996. – 174 б.
97. Лафасов Ў. Диалогик нутқда субъектив модалликнинг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 26 б.
98. Мўминова А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларида ундашни ифодаловчи тил бирликларининг лингвوماданий хусусиятлари: Филол. бўй. фалс. фан. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 22 б.
99. Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. ...д-ри. дисс. – Тошкент, 2000.
100. Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. ...д-ри. дисс.автореф. – Тошкент, 2000. – 47 б.

101. Насирова У.К. Касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг инглиз тилини ўқитишдаги нутқ компетенциясини ривожлантириш: Филол. бўй. фалс. фан. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 24 б.
102. Пардаев А.Б. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси. Филол. фан. ...д-ри.дисс. (DSc) автореф. – Тошкент, 2017.
103. Расулов Қ. Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008.
104. Раупова Л. Диалогик дискурсдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2012.
105. Раупова Л. Диалогик дискурсдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф – Тошкент, 2012. – 49 б.
106. Раҳимов Ғ.Х. Инглиз тилининг Ўзбекистонда тарқалиши (социолингвистик ва прагматик жиҳатлари): Филол. фан. д-ри (DSc) ... дисс. – Тошкент, 2018.
107. Саидов С. Модальные слова в немецком и узбекском языках: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1967. – 22 с.
108. Саидхонов М. Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 26 б.
109. Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек нутқ маданияти риторик аспектининг чоғиштира тадқиқи: Филол. фан. д-ри (DSc)... дисс. – Тошкент, 2017.
110. Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек нутқ маданияти риторик аспектининг чоғиштира тадқиқи: Филол. фан. д-ри (DSc) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 30 б.

111. Сулаймонов М. Ўзбек тилидаги дастхатларнинг социолингвистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009.–151 б.
112. Турдиева Ҳ. К. Нуткий этикет бирликларининг лингвопрагматик тадқиқи (форс ва ўзбек тилларидаги материаллар асосида):Филол.фан. бўйича фалс.д-ри (PhD) дисс. –Тошкент, 2020.
113. Усмонов С. Ҳозирги замон ўзбек тилида ундовлар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент,1952.–158 б.
114. Шодмонов Э. Ҳозирги замон ўзбек тилида сўз-гаплар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1970.– 230 б.
115. Қурбонова М.А. Ўзбек болалар лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз.... дисс. – Тошкент, 2009. –177 б.
116. Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2018. –214 б.
117. Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 72 б.
118. Қурбонова М. М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини: Филол. фан.... д-ри. дисс. – Тошкент, 2001. – 250 б.
119. Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан.... д-ри. дисс. – Тошкент, 2001. –283 б.

Луғатлар:

120. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – 680 б.

121. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – 672 б.
122. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – 688 б.
123. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б.
124. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 592 б.
125. The Columbia Electronic Encyclopedia™. – Columbia University Press, 2013.
126. Oxford Advanced Learner’s Dictionary. – Oxford University Press, 2015. – 1794 p.

Интернет манбалари

127. <https://lex.uz/docs/4561730>.
128. <https://www2.clarku.edu/difficultdialogues/learn/index.cfm>.
129. <https://www.researchgate.net/publication>.
130. <http://n.ziyouz.com/kutubxona>.
131. <https://www.jbe-platform.com/content/journals>.
132. <http://codenlp.ruwp-contentuploads>.
133. <https://www.yumpu.com/en /document/read/>
134. www.cambridge.org.